

М. ТЕМИРОВА

**ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ФОЛЬКЛОРИДА
МАҚОЛЛАР МУШТАРАКЛИГИ**

Тошкент-2016

Масъулмұхарир:
Салима Мирзаева
Филология фанлари доктори, профессор

Тәқризчилар:
Филология фанлари номзоди, доцент **Каримов X.**
Филология фанлари номзоди, доцент **Абдуллаева Д.**

Мазкур ўқув-қўлланмада ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари жамланган, ҳамда уларнинг ўзаро типологик ўхшашлиги, мавзулар рангбаранглиги, бадиият масаласи қиёсланиб, фольклоршуносликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида фикр юритилган.

Китоб филолог-мутахассислар, аспирант-магистрлар, тадқиқотчилар ва барча адабиёт муҳлислари учун мўлжалланган.

*Отам Темиров Алибек (марҳум),
Онам Темирова Адолатхон
ризолигига бағишилайман.*

Сўз боши

Бадиий тафаккур ривожининг ҳосиласи бўлган халқ оғзаки ижоди миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил этади. Адолатли жамият қуриш ва баркамол шахсни тарбиялаш борасида маънавий мероснинг ўрни бениҳоя каттадир. Ўзининг бой ўтмиши, дини, тарихи, адабиёти, маданияти, тили, урф-одатларидан бехабар халқ ўз келажагини қура олмаслигини давр исботламоқда. Шу боис ҳам аждодларимиз томонидан қолдирилган бой маънавий меросни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва келгуси авлодга етказишга бурчлидирмиз. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”¹.

Халқимизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, фалсафий-ахлоқий қарашлари, маънавий қиёфаси ва донишмандлигини ўзида ихчам тарзда ифодалаган халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири ҳисобланган мақоллар ана шундай қадрли мерос намунасидир.

Халқ мақоллари инсонларни асрлар давомида пок, иймонли, эътиқодли, маърифатли бўлишга ундан, маънавиятни бойитишга хизмат қилиб келган. Туркий халқларнинг мақолларини ўрганиш ва уларни миллий маънавиятнинг таркибий қисми сифатида тарғиб қилиш Комил Инсон шахсини шакллантиришда муҳим

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. —б 31

амалий аҳамият касб этади. Комил Инсон эса, аввало, маънавий олами бой, тафаккури кенг ва илғор дунёқарашли шахсдир. Таъкидлаш жоизки, “маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, вижданини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹.

Юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш концепциясини амалга ошириш демократик жамият қуришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллий маънавий меросимизнинг асосий узвларидан бўлган мақоллар кишиларнинг тинчтотув яшаши, бирдамлик туйғуларининг ривожланиши, мардлик ва жасурлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик фазилатларининг камол топишида, шунингдек, одоб-ахлоқнинг салбий қўринишларига қарши курашишда асосий восита бўла олади.

Қадимдан туркий тилда сўзлашувчи кўпгина халқлар бир-бирлари билан ёнмаён, қўни-қўшни бўлиб яшаганлар. Шунинг учун уларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, маросим ва удумлари, шунингдек, бадий тафаккури, эътиқодий қарашлари, моддий маданияти ва адабиётида умумийлик, муштаракликлар кўп. Туркий халқлар оғзаки поэтик ижодининг ибтидоси билан боғлиқ бўлган бундай муштараклик ҳам бу халқларнинг этногенетик тарихи каби қадим замонларга бориб тақалади.

Тарихий шароит ва маданий муҳитнинг ўзгариши билан ёнма-ён яшовчи халқларнинг мақоллари ўртасида ҳам турли тафовутлар юзага келган. Ҳозирги кунда ҳар бир халқнинг ўз келиб чиқиши-этногенезига эътибори кучайган, ўз тарихи ва ўтмишига қизиқиши ошган, ўз-ўзини англаш ҳисси шакланаётган бир даврда туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек ва қирғиз халқлари томонидан яратилган мақолларни қиёсий тадқиқ этиш бу халқлар ўртасидаги маданий муносабатлар ҳамда ижтимоий-адабий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи ҳам, қирғиз халқи ҳам ўзининг асрлар давомидаги ҳаётий тажрибаларини мақоллар шаклида келгуси авлодларга қолдиради. Шу боис мақолларнинг “халқ турмушининг энциклопедияси”, “айтилажак фикрнинг қалити”, “халқ дошишмандлигининг хазинаси”, “инсон ақлининг қаймоги”, “сўз санъатининг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –б 19.

гуллари”, “ҳаёт ҳақиқати эгаси”, “юриш-туриш қоидаси”, “халқнинг ўтган тарихи” деб таърифлаши бежиз эмас. Фольклорнинг бу жанрида халқнинг ўзига хос табиати, турмуш тарзи, тарихий, ижтимоий, этнографик, этнопедагогик, фалсафий, руҳий, диний ва эстетик қарашлари акс этган. Мақолларда халқ оммасининг реал воқеа-ҳодисалар ва кишилар ўртасидаги турли хил ижтимоий муносабатлар ҳақидаги мантикий хulosалари, шунингдек, кўп йиллик ҳаётий тажрибалари натижасида юзага келган пурхикмат хulosалари мужассамланган. Мақол жанри шаклий ихчамлилик, кўп маънолилик, халқнинг реал воқелик ҳақидаги хulosаларини бадиий ифодалаш, насиҳатомуз фикр ва муайян ҳодиса ҳақидаги ҳукмнинг қатъийлиги каби белгилари билан бошқа паремиологик жанрлардан фарқланади. Илм ва ҳунар ўрганиш, дўстлик ва ахиллик, катталарга хурмат ва иззатда бўлиш, мардлик ва тўғрисўзлик каби масалалар ўзбек ва қирғиз мақолларининг ғоявий асоси ҳисобланади.

Мақолларни шарҳлашда инсонни энг олий қадрият сифатида эътироф этувчи фалсафий таълимотга хос тушунчалар, борлиқни идрок этиш ва унинг тараққиёт қонуниятлари асос бўлади. Форобий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Кайковус, Алишер Навоий, Молдо Қилич, Молдо Нияз, Женижок, Тоголок Молдо каби мутафаккирларнинг бадиий ижод, ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияга оид қарашлари эътиборга молик ҳисобланади. Мақолларни тадқиқ этишда ғарб файласуфлари ва олимларидан Гегель, Аристотель, Э.Фромм, В. Даль, В.Я.Пропп, З.Фрейд, Э.Б.Тайлор, Е.В.Гусев, В.М.Жирмунский, Ю.Борев, П.Путилов, В.Н.Аникинларнинг бадиий асар таҳлили ҳамда фольклорга оид тадқиқотлари назарий манба сифатида хизмат қиласди. Бу борада ўзбек фольклоршунослари Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Б.Каримов, Т.Мирзаев, Б.Саримсақов, К.Имомов, Ҳ.Раззақов, З.Хусаинваларнинг илмий-назарий хulosалари ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзбек ва қирғиз фольклоршунослигида халқ мақолларини тўплаш, таснифлаш ва нашр этиш ишлари XIX асрнинг II ярмидан бошланди. Бу нашрларга М.Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асари ва Гулханий, Рожий, Таказодаларнинг “Зарбулмасал” асарлари замин бўлди.

Ўзбек халқ мақолларини ғарб ва рус мусташиқларидан Ҳ.Вамбери, Н.Остроумов, Е.Чернявский, Н.Гацунаев ўрганиб, нашр этганлар.

Халқ мақолларини илмий жиҳатдан ўрганган Т.Мирзаев, Б.Саримсақов, Б.Соатов, О.Мадаев, Х.Шарафиддинов каби олимларнинг тадқиқотлари, шунингдек, халқ оғзаки ижодига оид дарслик, қўлланма ва бошқа манбаларда ҳам муштарак мақолларга оид салмоқли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Қирғиз халқ мақолларини йиғиш, нашр қилиш ва тадқиқ этиш билан шуғулланган таниқли олимлар К.Юдахин, К.Мифтахов, Б.Керимжанова, П.К.Коновалов, С.Закиров, Ж.Толоев, З.Бектенов, Т.Байжиев, С.Мусаев, Ж.Таштемировларнинг самарали ишлари майдонга келди.

Мазкур ишларнинг кўпчилиги нашр этилган мақоллар тўпламидан иборат бўлиб, ўзбек ва қирғиз мақоллари қиёсий-типологик жиҳатдан шу кунгача ўрганилмаган эди.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг умумтуркий фольклор контекстидаги бир негизга мансублиги, мақолларнинг яратилиш тарихи ва вужудга келиш асосларини текшириш орқали улар орасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни аниқлаш, мақолларнинг тадрижий тараққиёт босқичларини текшириш, халқнинг фалсафий ва бадиий-эстетик қарашларида ижтимоий-тарихий ва географик муҳитнинг ўрнини белгилаш, шунингдек, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структурада ҳамда поэтик типологияси масалалари илк марта ўрганилмоқда.

Мақолнинг жанр атамаси ва ўзига хос поэтик табиати

Қадимдан туркий тилда сўзлашувчи қирқقا яқин халқлар бир-бирлари билан ёнма-ён, қўни-қўшни бўлиб яшаганлар. Шунинг учун уларнинг яшаш тарзи, урфодатлари, маросим ва удумлари, анъаналарида уйғунлик мавжуд, шунингдек, бадий тафаккури, эътиқодий қарашлари, моддий, маданий бойликлари, адабиёти, санъатида ўзаро ўхшашликларини кузатиш мумкин. Туркий халқлар оғзаки поэтик ижодининг ибтидоси билан боғлиқ бўлган бундай муштаракликлар бу халқларнинг этногенетик тарихини қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади.

Тарихий шароит ва маданий муҳитнинг ўзгариши, ривожланиши жараёнида ёнма-ён яшовчи халқларнинг мақоллари ўртасида ҳам турли тафовутлар юзага келган. Ҳозирги кунда ҳар бир халқнинг ўз-ўзини англаш ҳисси шакланаётган бир даврда туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек ва қирғиз халқлари томонидан яратилган мақолларни қиёсий тадқиқ этиш бу халқлар ўртасидаги маданий муносабатлар ҳамда ижтимоий-адабий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек ва қирғиз халқи ўзининг асрлар давомидаги ҳаётий тажрибаларини мақоллар шаклида келгуси авлодларга қолдирган. Фольклорнинг бу кичик жанрида халқнинг ўзига хос табиати, руҳий олами, турмуш тарзи, тарихий, ижтимоий, этнографик, этнопедагогик, фалсафий, диний ва бадий эстетик қарашлари акс этган. Мақолларда халқ оммасининг реал воқеа-ҳодисалар ва кишилар ўртасидаги турли хил ижтимоий муносабатлар ҳақидаги мантиқий хулосалари, шунингдек, кўп йиллик ҳаётий тажрибалари натижасида юзага келган пурҳикмат хулосалари мужассамланган. Чунончи, ҳар бир халқнинг воқеликка ўз эстетик муносабати мавжуд. Бундай муносабат асотирлар, эртаклар, мақол-маталлар ва биринчи галда, йирик ҳажмли эпик асар - достонларда ўзининг бадий ифодасини топган бўлади¹.

¹ Турдимов Ш. Г. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари./Ф.ф.д. диссер. автореферати/ Тошкент- 2011. -Б. 3

Мақол жанри шаклий ихчамлилик, кўп маънолилик, халқнинг реал воқелик ҳақидаги хulosаларини бадиий ифодалаш, насиҳатомуз фикр ва муайян ҳодиса ҳақидаги хукмнинг қатъийлиги каби белгилари билан бошқа паремиологик жанрлардан фарқланади. Илм ва ҳунар ўрганиш, дўстлик ва ахиллик, катталарга ҳурмат ва иззатда бўлиш, мардлик ва тўғрисўзлик каби масалалар ўзбек ва қирғиз мақолларининг ғоявий асоси ҳисобланади.

Мақоллар халқ оғзаки бадиий ижодининг энг қадимий ва кенг оммалашган жанридир. Мақолларда шу халқнинг ҳаётий тажрибалари, изтироб ва қувончлари, фалсафий қарашлари зухур топади. Шарқ халқлари мақолни “сўз санъатининг гули”, юнонлар ва римликлар “фикrlар ҳукмдори”, итальянлар “халқнинг мактаби”, испанлар “қалб шифокори”, немислар “халқ донолиги” деб атаганлар.

Мақолларда халқнинг табиати унинг жамият ва табиий ҳодисаларга, ўз аждодларининг ижтимоий ва тарихий тажрибаларига муносабати, эстетик идеали, дунёқараши, маънавий-ахлоқий қиёфаси акс этади. Мақол ва маталларда айrim одамларнинг мулоҳазалари эмас, балки муайян халқнинг яхлит қарашлари, муайян воқеаларга муносабати ва донишмандона фикрлари ифодаланади. Кўпчиликнинг фикри, ҳис-туйғулари орқали қабул қилинмаган қарашлар ва хulosалар эса барқарор бўлмай, ҳаётий жараёндан тушиб қолади. Мақоллар эса ҳамиша жонли нутқда мавжуд бўлади ҳамда ўзида муайян ғоя ва фикрни акс эттирганлиги учун ҳам яшовчан бўлади.

Асрлар давомида яратилган ва авлоддан - авлодга ўтиб, сайқалланиб келган мақол ва маталлар халқ ҳаётини таъминловчи ижтимоий қонуниятлар асосини мустаҳкамлаш орқали халқнинг руҳий ва маънавий оламини шакллантириб келган. Мақоллар худди ҳар бир инсон ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидалар ва мезонлар мажмуи бўлиб, бадиий сўз воситасида ифодаланган шакли ҳисобланади.

Мақоллар умумлаштирувчи семантикага эга бўлиб ихчам матн шаклини олган. Мақоллар қисқа, нутқда доимий қўлланувчи, ўгит, панд, насиҳат мазмунини ўзида акс эттирган, ритмик жиҳатдан шаклланган, халқнинг кўп асрлик тажрибаларини мужассам этган жанрdir. Тугал мазмун ифодалашига кўра тузилиши жиҳатидан гап

курилишига ўхшайди, лекин гапларнинг умумий тизимида ўзига хос мазмуни билан ажралиб туради.

Мақолнинг анъанавий мазмун-мундарижаси доимо икки қисмли бўлади: бир вақтда ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода тушунилади: “*Сув берганга сут бер*”. Мақоллар нутқда кенг қўлланиш хусусиятидан ташқари кенг семантикага эга бўлиб, ҳаётий ҳодисаларга татбиқ этиш мумкин бўлган халқ донишмандлиги ифодасидир. Мақоллар мазмун мундарижасига кўра умумлаштириш хусусиятига эга, ҳаётий-маиший қонуниятларни ўзида акс эттиради, ҳар бир инсон ва ҳамма учун “тавсия” бера олиш хусусиятига эга. Мақоллардаги образлилик унинг кенг миқёсда ёйилишига сабаб бўлади. Мақоллар ҳаётда учровчи айрим типик ҳолатларни тавсифлайди. Бу ҳолатлар одатий нутқий вазиятлардан кенг қўлланиши ва турғун эканлиги билан фарқ қиласиди. Кўп маъноли мақолларнинг қўлланиши кўчма маънога эга бўлади ва ритмик жиҳатдан ташкилланган бўлади: “*Саёз дарё шовқин оқар, Чуқур дарё сокин оқар*”.

Мақолларда халқ томонидан асрлар давомида йигилган тажрибалар асосига курилган лўнда, пишиқ ва муҳтасар хulosалар намоён бўлади. Мақоллар ўгиттаълим беради, лекин ҳар доим ҳам тугал ҳукм бўлавермайди. Бироқ, ҳар бир мақолдан келиб чиқадиган хulosани эътибордан четда қолдирмаслик лозим. “Мақол - ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд- насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам образли ва ҳикматли ибора, гап”¹, - дейилади тишлиносликка оид луғатларда. Халқ ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқарашининг ўзгариши билан мақол ва маталларнинг янги-янгилари пайдо бўлиб (масалан, “*мехнатдан келса бойлик, Турмуши бўлар чиройлик*” каби), эскилари унутилади (“*От-одамнинг ўлдоши*”), лекин аждодларнинг паремиологик мероси кейинги асрлар учун ҳам аҳамиятли бўлиб қолаверади, чунки ўзининг мазмуни ва бадиий-эстетик аҳамиятини йўқотмайди. Мақолларнинг кенг тарқалиши ва умрбоқийлигининг сабабларидан яна бири айримларининг ўз маъносини йўқотиб, факат кўчма маънода қўлланишидир. Масалан, “*Ўтган қунинг унумта, эски чоригинг қуритма*” мақолининг иккинчи қисми дастлаб ўз маъносида ишлатилган бўлса, бугунги кунда

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2 - томлиқ, Т.И, М.: «Русский язык», 1982.- Б.456.

фақат күчма маңнода қўлланади. Лекин шундай мақоллар ҳам бўлганки, улар яратилган даврдаёқ күчма маъно касб этган. “Сўз чумчук эмас, Оғиздан чиқса, тутуб бўлмас” ёки “Эр-авра, хотин-астар” каби мақоллар яратилган давридаёқ ўз маъносига тушунилмаган, балки ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг турфа кўринишлари ҳақидаги ибратли хulosани баён этишда татбиқ этилаверган.

Мақоллар қайси мавзуда яратилмасин, ҳамиша умумлашма маъно касб этади. Яъни бу жанрга мансуб намуналар реал ҳаётнинг образли инъикоси, турфа ҳаётий ҳодисаларга эстетик муносабат ва баҳонинг бадиий ифодасидир. Шу боис мақоллар турли пафос ва мазмунда: қувноқ ёки ғамгин, таскин берувчи ёки заҳарханда кулги, аччиқ киноя ва бошқа оҳангларда яратилган.

Халқ донишмандлигининг бадиий кўзгуси ҳисобланган мақол ва матал атамаларининг луғавий маъносига, истилоҳий маъносига ва поэтик табиати ҳақида қандай таъриф ва изоҳлар мавжуд? Биринчи галда мазкур масалаларга ойдинлик киритиш, бу атамаларнинг илмий изоҳини бериш мақол жанрининг эволюцияси, функцияси, поэтик табиати, аналогик ва айнан бир хил турларини таснифлаш тамойиллари ва ҳоказо хусусиятларни тадқиқ этишда муҳим.

Қадимда туркий халқлар адабиётида мақол жанрини англатувчи “caw” атамаси ва “оталар сўзи” бирикмаси қўлланилган. Тилшунос ва этнограф, сайёҳ ва фольклоршунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ساْفْ “caw” сўзи “оталар сўзи” деб берилган ва ساْفْدا مُنْدَعْ تَكْلِرْ cawда мундағ кэлир - а эмас оталар сўзида шундоқ келади” тарзида изоҳланган.¹ Маҳмуд Кошғарийнинг қайд қилишича, “caw” сўзининг туркий тилда бирдан ортиқ маънода қўлланганини қўйидаги таърифлардан англаш мумкин: ساْفْ caw - қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш. ساْفْ caw - ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш. ساْفْ caw - рисола, хат, кичик китобча. ساْفْ caw - сўз, нутқ. ساْفْ caw - илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи. Шундан олиб، ساْفْجى نبى - наби- пайғамбарларга дейилади. Чунки у бир қанча хабарлар эшиттиради, ёзилган нарсаларни етказади. ساْفْجى ساْفْجى cawch - келин ва

¹ Кошғарий М. Девону луғотит турк. З томлик. З-том. – Тошкент: Фан, 1963. –Б.168-169.

куёвлар орасида, юқорида айтганимиздек, бир-бирига хат-хабарлар элтувчи совчи.

بِلْكَا أَرَنْ سَفْلَرُنْ الْغَلِ اُكْتُ

آذَ كُوسَقْخَ آذَلَسَا اوْزَكَا سِنْكَارْ

Шеърда шундай келган:

“Билагон одамларнинг сўз, насиҳатларидан фойдалан.

Чунки яхии сўз таъсир қилгач, дилга жойлашади”¹. Демак, мақол жанрини ифодаловчи истилоҳ сифатида кўлланилган “оталар сўзи” атамаси туркий тилларда фаол ишлатилган. Қадимги туркий тилдаги “caw” сўзи бир неча маънода кўлланилган кўп маъноли лексема бўлиб, мақол маъносини ҳам англатган.

Туркий халқлар сирасига мансуб бўлган усмонли туркларда ҳам мақол жанри атамаси “ATASÖZLERİ” шаклида ифодаланган ва бугунги қунда ҳам “ATASÖZLERİ” тарзида истеъмолда фаол қўлланади². “Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат”да мақол сўзи қуидагича берилган: мақол -maqàl - atasözü³. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар матнида мақолга оид сўз бирикмалари мавжудлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, мақол қадимги туркийларда “ота сўзи” ёхуд “оталар сўзи” шаклида қўлланган.

Маълумки, туркий халқларга оид ёзма ёдгорликларнинг яратилиш даври V-VIII асрларга тўғри келади. Халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари эса ёзув пайдо бўлгунга қадар яратилган. Демак, халқ оғзаки ижодининг энг кичик афористик жанрлари турк ҳоқонлиги ҳукм сурган давлардан ҳам илгари яратилган деган хulosса ҳақиқатга яқиндир. Халқ оғзаки ижодининг қадимий намуналари эса бизгacha етиб келган эмас.⁴ Бу эса мақол жанри V-VIII асрлардан илгари ҳам туркий халқларда “оталар сўзи” шаклида исломгача истеъмолда бўлган деган хulosани беради.

Махмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам “оталар сўзи” мазмунини берувчи “caw” атамасини “Девону луғотит турк”да жуда кўп ўринда қўллади. Туркий заминга

¹ Кошғарий М. Девону луғотит турк. З томлик. З-том. – Тошкент: Фан, 1963. –Б.169.

² Ўзбек ва турк мақоллари, иборалари. И.Йўлдошев, Т.Ўзтурк, Ю.Ўзтурк.-Тошкент., 1998. –Б. 86.

³ Бердақ Ю. Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. Т: Ўзбекистон, 1993. –Б. 261.

⁴ Ўзбек фольклори очерклари. З томлик 1-том. -Тошкент: Фан, 1988. –Б. 25.

ислом ёйилгандан кейинги даврларда “caw”, яъни “оталар сўзи” номи билан бирга үнинг арабча мұқобили “мақол” атамаси тенг қўлланаверган.

Мақол – арабча сўз бўлиб, (عَالَةٌ) “қавл”, “қола”- айтмоқ, гапирмок; ҳикоя қилмоқ маъноларини англатади¹. “Арабча-ўзбекча бошланғич луғат” да ҳам мақолнинг луғавий маъноси қуидагича берилган: _____ мақа: лун – сўз; гапириш, нутқ. _____ мақа: латун – 1) сўз; гапириш, нутқ; 2) мақола.² Яна бир арабча-ўзбекча луғатда: “Ақвалун

лугатда: “Ақвалун

¹ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.-Москва: Русский язык, 1989.-С. 665.

² Ҳасанов Б. Арабча-ўзбекча бошлангич лугат.-Тошкент: Мовароуннахр, 1996.-Б. 516.

- сўз, гап, мулоҳаза, фикр” деган изоҳ берилиб, “ал қавлун маъсурату - ҳикматли сўз, афоризм” каби шарҳлар билан изоҳланган¹.

Мазкур афористик жанр тараққиётини белгилашда “мақол” ва “оталар сўзи” каби жанр атамаларининг луғавий ва этимологик маъноларини изоҳлаш, шарҳлаш мухимдир. Демак, араб тилидаги “мақол”нинг луғавий маъноси туркий тилдаги “оталар сўзи” билан айнан яқин муносабатда эканини таъкидлаш тӯғри бўлади. Бундан ташқари мақолнинг луғавий маъноси билан унинг илмий атамалик маъноси ҳам ўзаро генетик муносабат борлигидан далолат беради.

Туркий халқлар орасида “мақол” сўзи ўрнига “масал” қўлланганинг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, Алишер Навоий ғазалларида “масалдурким, уйқу ўлимдур” каби шаклда учраса, мақол қўллаш асосига қурилган бадиий санъат “ирсолу масал” деб номланган.² Фольклоршуносликка оид тадқиқотларда ҳам масаллар мақолларнинг келиб чиқиши манбаи эканлиги таъкидланади.³ Рус олими А.А.Потебнянинг аниқлашича, мақолнинг ихчам шакли бутун бир компакт ҳолатда, “алгебрик формула” бўлиб, муайян шеърий асарнинг мантиқий маркази, унинг лейтмотивини ташкил этади.⁴ Олимнинг эътирофича, мақолларнинг пайдо бўлиш манбаи масалдир. Шундай масаллар борки, унда мақоллар ижод этилмайди, балки тайёр ҳолда қўлланади.

Масалда мажозий усул орқали дидактик функция бажариш кўзда тутилади, шу билан бирга, масал бирор типик ҳодисанинг тасвирланиши билан ҳам характерланади. Бу ҳолатда ҳар бир персонаж жиддий характер қиёфасига эга бўлади. Мазкур тимсол муайян хусусиятларни, маънавий оламни ёки ақлу фаросат даражасини намоён этади ва у одатда статик ҳолда бўлади. Мақол образнинг мухим қиррасини таъкидлаб кўрсатишга хизмат қиласи.

¹ Ан-наъим. Арабча-ўзбекча лугат.-Тошкент: Мерос, 2003.- Б. 692.

² Ҳусайний А. Бадоевс-саное.-Тошкент: Адабиёт ва санъат., 1986.-Б. 160.

³ Саримсоқов Б. Мақоллар // Ўзбек фольклори очерклари. З жилдлик. 1- жилди. -Тошкент: Фан, 1988. -Б.88

⁴ Потебня А. А. Из лекции по истории словесности.Басня, пословица, поговорка. –Москва. 1987.// ru. Wikipedia.org/wiki /

Қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпок, уйғур, озарбайжон, татар каби бошқа туркий халқларда ҳам мақол истилохи “оталар сўзи” шаклида келиши кузатилади. Кўринадики, туркий халқлар фольклоридаги бундай ўхшашик қадимда бу халқлар учун умумий яхлит негиз, бобо тил бўлганидан дарак беради. “Мақол” сўзининг ўзак маъноси “сўз, гап, нутқ, гапирмоқ, айтмоқ, ҳикоя қилмоқ” эканлиги туркий тилларга қардош бўлмаган халқларда, масалан, рус тилида ҳам учрайди. Чунончи, рус тилидаги “пословица” атамасининг ўзаги ҳам “слова” сўзидан ташкил топган¹.

Мақол жанрини аташда туркий халқларда ўхшаш хусусиятлар кузатилади. Таъкидлаш жоизки, жуда кўп халқлар мақолларни “оталар сўзи” маъносида қўллайдилар. Турк ва чуваш мақоллари қиёсига бағишлиланган тадқиқотда чувашлар мақолни “вамтисен самахе”- аждодлар насиҳати, аждодлар (айнан эса, кекса кишилар) фикри деб аташлари, турклар (усмонли турклар) эса “ata sozleri”, “atalar sozi”, яъни “оталар сўzlари”, “оталар сўзи” деб қўллаши шарҳланган². Генетик илдизлари мақол жанри билан бир бўлган “мatal” нинг эса луғавий маъноси араб тилини луғатларида учрамайди.

Юқорида зикр этилган қадимги туркий ёдномалар матнида, жумладан, М.Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида ҳам бу сўзининг қўлланилиши кузатилмайди. Шу боис, мatalning луғавий ва этимологик маъноси ҳақида муайян фикр айтиш мушкул. Мatalning қайси даврлардан буён истеъмолда қўлланганлиги ҳам маълум эмас, бироқ унинг ilk намуналари қадимги давр фольклори таркибида мавжуд бўлганлиги аниқ.

“Мatal” термини ҳақида фольклоршунос Б.Саримсоқовнинг қўйидаги мулоҳазалари эътиборга молик: “Бизнингча, “мatal” термини араб тилидаги “масал” сўзидан айрим фонетик ўзгаришлар орқали ўтиб ўзлашган ва тугал хукм ифодалайдиган образли ибораларга нисабатангина қўлланила бошланган бўлса керак”.³

“Мatal” қадимда ва ўрта асрларда топишмоқ, ҳикматли сўз, эртак, масал, ҳикоя қилиш, нақл қилиш, ҳикмат айтиш маъноларида ишлатилиб келинганини назарда

¹ Ожегов С.И. Словарь русского языка.-Москва, 1968.- С. 559.

² Ефимова Ю.Ф. Сравнительно-сопоставительный анализ структуры и семантики турецкий и чувашский пословиц. КД. www/ mippabot/ com /wopr/ wopr- 11546/ html -59 кб.

³ Саримсоқов Б. Маколлар // Ўзбек фольклори очерклари. З жилдлик. 1-жилди - Тошкент: Фан, 1988. –Б. 88.

тутсак¹, мatal атамасини “масал”нинг фонетик ўзгарган шакли деб қабул қилиш мумкин бўлади. Чунончи, масалда юқорида саналган жанрларнинг муайян элементлари, излари мавжудлиги сезилади. Демак, мазкур паремик жанрларнинг дифференциялашиб бориши нисбатан кейинги даврларга хос.

Қирғиз халқ оғзаки ижодида мазкур паремик жанрнинг атамаси “макал” шаклида қўлланади. Мақоллар тадқиқига бағишлиланган ишларда мақол жанри хусусиятлари, илмий таърифи, жанрлараро муносабати, генезиси, поэтикаси ва ҳоказо масалалар хусусида сўз боради. Лекин уларда “макал” сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси ўртасидаги боғлиқлик ҳақида фикрлар учрамайди. Шуни қайд этиш ўринлики, қирғиз халқ оғзаки ижодида “мatal” атамаси “лакаптар” деб юритилади. Бу сўз ўзбек тилидаги “лақаб” сўзига мазмунан яқин келади. Мақол ва маталлар бирикмаси қирғиз тилида “макал-ылакаптар” тарзида ҳам қўлланилади.

Мақол ва маталларнинг яратилиш тарихи инсоннинг дунёни англаш ва тафаккур қилишнинг ilk даврларига бориб тақалади.

Кўп қиррали инсон ҳаёти дарсларининг барча натижалари, уларга нисбатан халқ орасида сўзга чечан донишманд инсонларнинг чиқарган хulosалари, образли ифодалари мақол ва маталларнинг келиб чиқишига хизмат қилади. Агарда ушбу мулоҳаза ва хulosалар кўпчиликнинг фикри, ҳис-туйғулари орқали қабул қилинмаса, барқарор бўлмайди.

Мақол, маталлар - тарих, ҳаёт ҳақиқати, ўтмишнинг тасвири, ҳаётнинг нусхаси, одамларнинг бири-бирига, атроф-муҳитдагиларга мулоҳазаси, уларнинг оламга, табиатга, турмушга бўлган муносабати, ўй-фикри, умид-тилаклари, урфодати, хулқ-атвори, чиқарган хulosалари.

Ўзбек халқида “Сўз кўрки - мақол”, қирғиз халқида “Мақол - сўзининг отаси” дея бу жанрга ўзгача эътибор билан қаралади. Кимки “оталар сўзини”, “илгаргилар гапини” яхши билса, бундай одамнинг маънавий дунёси кенг, юксак савияга эга бўлишлиги эътироф этилган.

Фикримизча, мақолнинг жанрий хусусиятларини гурухлаштириш мумкин.

Мақолнинг жанрий хусусиятлари:

¹ Ўша китобда. -Б. 88.

- 1) яратилиш тарихи, ҳақиқати бор.
- 2) ўзига хос тил хусусияти бор.
- 3) мутаносиб мантиққа эга.
- 4) Ҳаётий тажриба асосида чиқарылған холоса мавжуд.

Тузилишига кўра:

- 1) қисқа ва лўнда.
- 2) назмий ёки насрый.
- 3) поэтик тузилишга эга.
- 4) образлар тизимиға эга.

Мазмунига кўра:

- 1) ўз ва кўчма маънода келиши.
- 2) ўгит, доно фикр бўлиши.
- 3) турли мавзуларда бўлиши.
- 4) нутқий вазиятга кўра қўлланиши.

Ҳар икки халқ оғзаки ижодида мақоллар ибратли, ҳикматли сўз, донишмандлик холосаси сифатида асосий жанр бўлиб ҳисобланади. Бу жанр умумтуркий фольклорда жуда қадимдан тарихан тараққий этиб келади ва ривожланиш жараёнида атама изоҳи ва шакл, мазмун мундарижаси сайқалланиб келмоқда.

Паремик жанрларнинг ўзаро муносабати

Паремиологларнинг аниқлашича, турли-туман халқларнинг қўпгина мақол ва маталлари семантик хусусиятига кўра ўзаро адекват (ўхшаш), уларнинг айримлари мазмун жихатидангина эмас, ташқи тузилиши, шакли бўйича ҳам мутаносиб келади. Адабиётларда адекват сўзи моноэквивалентлик терминининг синоними сифатида кўрсатилади. Адекват - (лот. *adequatus* – тенглаштирмок, ўхшатмок). Мутаносиб, аниқ, тўғри деган маънони англатади. Эквивалент (лот. *aequivalens* – баробар қўлланувчи, тенг қийматли) бири ўрнида иккинчиси қўлланадиган тушунча, нарса бўлиб, тенг қийматга эга бўлади, моҳият эътибори билан бири ўрнига иккинчиси қўлланиши мумкин.

Паремаларнинг адекватлик ҳолати турли мамлакат олимлари томонидан тадқиқ этилган. Туркий халқлар оғзаки ижоднинг ўзига хос ёдгорлиги, халқ донолигининг мажмуи, ижтимоий-тарихий, ҳаётий тажрибаларининг тўпламидир. Бу жанр халқнинг кўп йиллик тарихи силсиласида яратилиб келинади. Халқнинг табиат, майший ҳаёт, муайян тарихий факт, воқеликни кузатиши асосида, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга муносабатини билдириш маъносида майдонга келган. Мақолларда кўплаб аждодларнинг оммавий, умумий донишмандлиги яхлит ифодаланган. Аждодлар мураккаб ва оғир турмушдан хulosага келиб, ўз тажрибаси синовидан ўтган мулоҳазаларини ўзининг келажак ҳақидаги орзуларига кўшиб, юксак маънавий ва инсоний фазилатларни турфа мавзулардаги мақолларда таъкидлаб кўрсатганлар. Мақол ва маталлар халқнинг маънавий маданиятининг узвий қисми бўлиб, уларни ҳамма даврларда илмий тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Фольклор асарларини тур ва жанрларга ажратишда лирик, эпик ва драматик турларга таснифлаш тамойилига амал қилиб келинади. Айрим жанрларнинг шакли, мазмуни, табиати ва функциясига кўра алоҳида белгилари мавжудлиги ҳам

таъкидланади. Хусусан, мақол, мatal, топишмоқ, олқиши, қарғиши ва юмуқ ибораларга нисбатан махсус тур номи қўлланади.¹

Маълумки, адабий турларни учтага – эпос, лирика, драма кабиларга ажратиши Аристотель замонидан буён анъана бўлиб келган.² Ушбу тасниф адабий жараёнда мавжуд бўлган барча жанрларни аниқ ва тўла қамраб ололмаслиги³ сабабли тўртинчи адабий тур ёки парема деб аталувчи махсус тур алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Ўзбек фольклоршунослигига мақол, мatal, топишмоқ, ҳикматли сўзлар “кичик жанрлар тури” деб ҳам юритилган.⁴ Рус фольклоршунос олими В.Е.Гусев бу жанрларни эпик тур таркибида ўрганиш зарурлигини таъкидлайди⁵. “Адабий турлар ва жанрлар” тўпламида ҳам мақол, мatal каби жанрлар эпик турга мансуб деб кўрсатилади: “Эпик системанинг хил ва жанрлари эпосни ташкил этади. Бунга ҳикоя, повесть (ёки қисса), роман-эпопея, очерк, эссе, миф, афсона, ривоят (адабий эртак, йиғи, латифа, мақол, мatal, ҳикмат, афоризм) ва бошқалар киради”⁶. Фольклоршунос С.Г.Лазутин эса мақоллар буткул лирик турга тааллуқли бўла олмаса-да, фольклорнинг лирик жанрлари билан умумий-муштарак хоссалари мавжудлигини қайд этади⁷. Ўзбек фольклоршунослигининг йирик тадқиқотчиси Б.Саримсоқов “Жанрларнинг ўзаро муносабати узоқ тарихий жараён, бу жараённинг ҳаракатлантирувчи қонуниятлари мавжуд ва уларнинг амал қилиш тарзи махсус тадқиқ қилиниши лозим”⁸, деб таъкидлаган эди. Ўзбек ҳалқ мақолларини монографик жиҳатдан ўрганганд Б.Соатов мақол ва мatalлар ҳамда шу каби паремик жанрларни алоҳида адабий тур сифатида тадқиқ этиш зарур, деб ҳисоблайди⁹.

¹ Саримсоқов Б. Мақоллар// Ўзбек фольклори очерклари. З томлик. 1-том. –Тошкент: Фан, 1988. –Б. 82 ; Ўша муалиф: Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993. 5-6-сон. –Б. 3-13; Ўша муаллиф: Яна ўша тўртинчи адабий тур// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент, 2002.28 июнь.

² Аристотель. Поэтика. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.-Б.7.

³ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари.-Тошкент, 2004. –Б.80.

⁴ Сафаров О. Ўзбек фольклорининг жанрлар системаси // К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди.-Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 85.

⁵ Гусев В.Е. Эстетика фольклора. –Ленинград., 1967. -С. 162.

⁶ Адабий турлар ва жанрлар З томлик.1-том. –Тошкент: Фан, 1991.-Б. 7.

⁷ Лазутин С.Г. Русские народные лирические песни, частушки и пословицы. –Москва: Высшая школа, 1990.-С.158.

⁸ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. Ўзбек фольклорларининг эпик жанрлари. Фан, Тошкент, 1980. -Б.98.

⁹ Соатов Б. Паремиологик жанрларнинг ўзаро муносабатлари масаласига доир// Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 1998. № 3. –Б. 38.

Мақол таҳлилига оид аксарият адабиётларда мазкур жанр замирида донолик зуҳр этилиши, насрй ёки назмий кўринишда бўлиши каби асосий хусусиятлар кўрсатилади. Б.Саримсоқовнинг паремияни алоҳида адабий тур сифатида ажратишига муносабат билдирган Д.Куронов: “Албатта бу таклифларнинг ҳаммаси ҳам муайян асосга эга, бироқ уларни қабул қиласликка сабаблар кўпроқ кўринади”,-деб ёзади.¹ Лекин қуйироқда роман ва сатирани алоҳида тур деб бўлмаслигини далиллаган бўлса-да, паремик жанрлар масаласига тўхталмаган. Адабиётшуноснинг қуидаги фикрлари эса анъанавий уч турдан фарқланиб турадиган тур борлигини тасдиқлайди: “...адабий жараёнда мавжуд асарларнинг барини ҳар доим учала турдан бирига мансуб этиб бўлмаслиги ҳам аён ҳақиқатдир”.²

Бизнинг фикримизча, паремик жанрлар мавжудлиги боис, улар ўзаро шакли ва мазмун мутаносиблигига, уйғунлигига кўра каттароқ туркумга – адабий турга бирлашиши ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас.

Фольклор асарларини жанрий мансубиятига кўра бири-биридан фарқлаш аҳамиятли эканини таъкидлаш зарурдир. Чунки уларнинг табиати, пайдо бўлиш, ривожланиш, диффузион ўзгариш ва ўз ўрнини бошқа жанрга бўшатиб бериш жараёнини кузатиш асосида фольклорга хос конуниятларни ўрганиш, умумлаштириш имконияти юзага келади. “Фольклор жанрларининг ўзаро муносабати ва таъсири масаласи ўта даражада кенг қамровли мураккаб масала бўлиб, у фольклордаги ижодий жараённинг тарихий-тадрижий масалаларини нисбатан тўлароқ ва чукурроқ ёритишни талаб қиласиди. Фольклор жанрлари ўртасидаги ўзаро муносабат динамик жараён ҳисобланиб, у халқ ижодиётининг воқеликни акс эттиришдаги эволюцион, барқарор анъанавийлик бағридаги индивидуал ижро маҳорати асосида содир бўлади”³. Бадий асарлар, хусусан, айrim фольклор асарларини жанрга, турга ажратишининг мураккаблиги инсоният яратган дастлабки ижод намуналари синкетик (қоришиқ) ҳолатда бўлганлиги билан изохланади. Адабий турлар ва жанрлар ўртасидаги хусусий фарқлар эса кейинчалик пайдо бўлган. Бундан ташқари, инсоният ҳаётининг дастлабки босқичида, аввало,

¹ Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш.-Тошкент: Фан, 2007. –Б. 171.

² Кўрсатилган асар.-Б. 172.

³ С.Алимов, Т.Собитова. Халқ оғзаки ижодиётидан ўкув қўлланма.1-кисм. Тошкент, “Университет” нашриёти, 2007.

содда шаклдаги асарлар, кейинроқ эса мураккаб формалар яратилғанлиги табиий. Чунки поэтик тафаккурнинг қуи даражасида мураккаб шаклли, катта ҳажмли асарлар яратилмаганлиги аниқ.

Ўзбек ва қирғиз халқлари оғзаки поэтик ижоди паремик жанрларга ўта бойдир. Шунинг учун ҳам паремик жанрлар сирасига киравчи асарлар шакли ва мазмун жиҳатдан мутаносиблигини, уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда уларни каттароқ туркумга бирлаштириш, бу каби паремик жанрларни алоҳида адабий тур сифатида тадқиқ этиш зарур деб ўйлаймиз.

Паремик жанрлар таркибиға шаклан ихчам ва қисқа бўлган мақол, матал, топишмоқ, ҳикматлар ҳамда афоризмлар киради. Паремаларни ўрганувчи соҳа эса “паремиология” деб аталади. “Паремиология” атамаси юононча *paroimia* (ҳикмат) ва *logos* (фан, таълимот) сўзлари асосида ясалган бўлиб, “ҳикматни ўрганувчи фан” маъносини англатади. Паремиология халқ донолигини ўрганувчи фандир. Паремия деб тилда барқарор бўлган, нутқда синтактик жиҳатдан гап шаклида келувчи, панд-насиҳат, таълимий мазмунни етказиш учун қўлланувчи бирикмаларга айтилади.¹ Паремиялар одатда аноним равища яратилади, яъни матн муаллифи маълум бўлмайди. Бироқ, у ёки бу паремиянинг яратилиш даври ёки жойи ёхуд муайян ижтимоий табақа вакили томонидан яратилғанлиги матн мазмунидан сезилиб турсада, у халқ бадиий ижодининг маҳсули ҳисобланади.

Мақол, матал, топишмоқ ҳамда барчага маълум ва машҳур бўлган панд-насиҳат руҳи билан суғорилган нақл, ривоятларни паремиялар доирасига мансуб деб ҳисобласа бўлади. Паремиялар нутқда сўзлар ва фразеологик бирликлар каби барқарор ҳисобланади. Паремиялар типик ҳолатларда муҳим бадиий-эстетик вазифа бажаради. Шунингдек, тил системасининг барқарор унсури сифатида матн тузилишида муҳим роль ўйнайди. Паремик жанрлар нутқий вазиятда функциялашади ҳамда бошқа оғзаки ижод жанрларига мос ҳолда алоҳида жанрий белгиларга эга бўлади.

¹ www.wikipedia.org/wiki/paremia. Бахтин М.

М.М.Бахтин назариясига кўра иккиламчи жанрлар тизимида барча бадиий нутқ жанрлари мансуб, паремияларнинг қўлланишидаги тафовут шубҳасизdir. Шеъриятда паремия кам ҳолда қўлланади. Бу ҳолат лириканинг муаллиф шахсиятини ифодалашга йўналтирилган бўлиши, муаллифнинг кечинмалари, рухияти акс этиши наинки бутун халқнинг руҳияти ва фалсафасини эмас, якка шахс оламини инъикос эттиришга қаратилгани билан изоҳланади. Мақол ва маталларнинг асосий систем мутаносиблиги бутун бир халқнинг фалсафаси, рухиятини ўзида акс эттиришидир.

Фольклоршунос Б.Саримсоқов паремик жанрларда ақлий нисбат устун туриши ҳақида тўхталиб, шундай ёзди: “Бадиий кечинманинг бу шакли (паремик кечинма-М.Т.) юқоридаги уч адабий турга (лирик, эпик, драматик тур-М.Т.) хос кечинмадан ўзининг барқарор табиати ва таркибида ҳиссий нисбатга қараганда ақлий нисбатнинг устунлиги билан фарқланиб туради”.¹

Ҳақиқатдан ҳам, фольклоршуноснинг фикрига қўшиламиз, масалан, “*Бир йил тут эккан киши, Қирқ йил гавҳар терар*” ёки “*Дўстинг билан дилдош бўл, Қиласишига қўлдош бўл*” мақоллари, “*Қордан қочиб, ёмғирга тутимлоқ*”, “*Бели оғримаганнинг нон ейшини кўр*” маталлари, “*Бировни суйдиради, Бировни куйдиради*”, “*Асалдан ширин, заҳардан аччиқ*” (жавоби: *тил ва сўз бўлган*) топишмоқларида ҳамда бошқа паремик жанрларда ақлий нисбат устундир. Юқорида келтирилган паремиянинг мақол, матал, топишмоқ каби қисқа, ихчам шаклдаги мисолларидан ҳам уларда ақлий нисбат устунлиги яққол кўринади.

Маълумки, паремик жанрлар ҳаётий воқеликнинг ўзини акс эттирмайди, балки шу воқеа-ҳодисадан келиб чиқадиган фикр-хулосаларни ўзида ихчам шаклда, кристал ҳолда ифода этади. Лирик жанрлар эса воқеа-ҳодисадан ҳосил бўлган ҳиссий кечинмани акс эттириши билан характерланади. Демак, паремик жанрларда “ҳиссий компонент иккинчи планга қўчиб, ақлий компонент биринчи планга чиқади”². Паремик жанрлардан мақол ва маталларнинг лирик асарларда қўлланилиши ҳам кузатилади. Бу жанрларнинг қўлланиши паремияларнинг

¹ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари.-Тошкент., 2004. - Б.88-89.

² Ўша манба. 89-саҳифа.

аксарияти одоб-ахлоқ ва маънавият мавзуларига оидлиги билан изоҳланади. Одоб-ахлоқ ва маънавият масалалари хусусида сўз борар экан, шоир муҳим бир фикрни баён этишда паремиядан фойдаланади. Танланган паремия мазмуни лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари ёхуд шоир руҳий кайфиятига мутаносиб бўлади. Маълумки, мақол ва маталлар ритм жиҳатдан шеърий мисраларга яқин туроди ва кўп ҳолларда қофияга ҳам эга бўлади. Лекин бу ҳолат паремия шеърнинг асл мундарижасига сингиб кетади, дегани эмас. Баъзан паремиялар шоир томонидан ўзгаририлган ҳолда ёки аллюзия¹ даражасида қўлланилади. Бундай ҳолларда шеърнинг лексик-фразеологик қурилиши мақолни эсга туширади.

Ҳар бир ҳалқнинг тарихий, ижтимоий, майший, маданий ривожланиши ўзгачаликлариға кўра, ўша ҳалқнинг ўзигагина хос бўлган жанрлар ҳам учрайди. Олсак, русларда – “частушка”, қозоқларда – “толгоо”, ўзбекларда – асқия, қирғизларда – “санат-насыят”, “айтыш” жанрлари кенг тараққий этганлигини кузатиш мумкин. Бу каби жанрлар ҳалқларнинг ўзигагина хос бўлиб, улардагина ривожланганига гувоҳ бўламиз. Масалан, қирғиз ҳалқида асқия жанри, ўзбек ҳалқида эса “санат-насыят” жанри учрамайди. “Санат” сўзининг луғавий маъноси ўзбек тилидаги “санъат” сўзининг маъносини англатмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Қирғиз ҳалқ лексиконидаги “Санат” сўзи кўп маъноли сўз бўлиб, жанр сифатидаги маъноси эса ибрат, намуна, ўрнак маъноларини билдиради.

Қирғиз дидактик шеъриятида мақол ва маталларга бойитилган, мақоллар ва қофияланган афоризмлардан таркиб топган таълимий характердаги қўшиқ ва достонлар кўпчиликни ташкил этади. Булар *санат-насыят* (“ибрат”, “намуна”, “ўрнак”) ва насиҳатлардир (“панд” ёки “насиҳат”).

Насиҳатларда мақоллар марказий ўринда турмайди ва одатда достон матнига сингиб кетади, бунда шоирнинг, бахшининг фикру - қарашларини мустаҳкамлаш ва муайян нуқтага фикрни қаратиш учун қўлланади². *Санатларда* эса мақол ва маталлар асоснинг ташкил қиласи. Бу ўринда *санатларга* оқинлар ўзи ижод этган афоризмлар киритилади, лекин ҳалқ ичida мавжуд бўлган, оммалашган

¹ * Аллюзия – лат. *allusio* – ҳазил, ишора. Бадиий адабиётда, нотиқлик санъати, сўзлашув нутқидаги стилистик фигуранлардан бири. Тарихий воеа ходисалар, машхур бадиий асарларга ишора қилиш.

² История литературы народов Средней Азии и Казахстана.-Москва: Изд-во МГУ., 1960. -С. 413.

мақоллар асосий ўрин эгаллайди ва *санатларнинг* мазмун-мундарижаси ва услуби, рухини белгилайди.

Оқинлар ижоди деганда, қирғиз халқи тарихида импровизаторлик қобилиятига эга, тайёргарликсиз шеърлар яратиб, омма олдида ўзига хос оханг билан ижро этган ижодкор инсонларнинг бадиий-поэтик санъатини тушунамиз.

Қирғиз халқ оқинлари ижодини маҳсус ўрганган олим П. Ирисов *санатлар* тўғрисида шундай ёзади: “*Санат* шеърлари шеърий санъатнинг (оқинлар ижоди тўғрисида сўз юритилмоқда М.Т.) тарихида яралган энг аҳамиятли ва таъсири жанр. Уни ижро этган оқинларнинг халқ орасида қадр-қиммати баланд бўлиб, зўр талант ва донишмандлилик даражасини билдирган. Одатда бундай оқинларнинг *санат* шеърлари халқ фалсафасини, маънавиятини, юриш-туриш қоидаларини, донишмандлиликни ёритувчи манба бўлган”¹.

Санатлар асосан сараланган мақоллар асосига қурилса-да, баъзан турли мавзулардаги мақоллар танлаб олиниши ҳолати ҳам кузатилади. Йиғилган ва характеристига кўра сараланган мақоллардан иборат *санатлар* баъзан “терме ыр” (“Терма шеър”) дейилади. Уларнинг мазмун-мундарижаси маънавий-ахлоқий ўгитни ташкил этади. Чунончи, бу мезонлар ҳаётда ва жамоатчиликда ўзини тутиш қонун-қоидалари бўлиб, халқ томонидан жорий этилган поэтик хulosса сифатида талқин қилинади. Бу хulosалар *санатларда* қуидагича бадиий акс этади.

Бар болбой малың чачылбайт,
Жок болбой жонунң ачылбайт,
Башыңа мүшкүл иши түшпөй,
Малың арзан сатылбайт.
Кеспей терек жығылбайт,
Жетимдин арты жасылбайт,
Куусуз чакмак чагылбайт.
Ылайсыз дубал курулбайт.
Жаманга тандап кеп айтсаң,
Кабаган иттей ырылдайт.

¹ Ирисов П. Ырчылар чыгармачылығы. - Бишкек. 2004. - Б. 77.

*Өлмөйүнчө кор болбойт,
Жакиы адамды жандаган.
Ар жерге батпай ушакчы
Элден элди тандаган.¹*

(Маъноси: Бор ёки бой бўлсанггина молинг сочилур, йўқ бўлса, ёки камбағал бўлсанггина мулзам бўлурсан, бошингга мушкул иш тушмагунча, молинг арzon сотилмас. Кесмасанг терак йиқилмас, етимнинг кети ёпилмас, чақмоқсиз олов ёқилмас, лойсиз девор қурилмас, ёмонга яхши гап айтсанг ҳам, қапоғон итдек қопади, яхши одамнинг ёнида юрган одам ўлгунча хор бўлмас, ғийбатчи одам эса ҳеч жойга сиғмас).

Санатлар ўз халқини эъзозлашни ўргатади, дўстлик ва бирдамликка чорлайди. Насиҳатлар хунар ўрганишга ва илм олишга чорлайди, ёмонликнинг оқибатига ишора қиласди, билимнинг фойдасини кўрсатади. Уларни асосан қирғиз халқининг тўкма оқинлари ижодида учратиш мумкин.

Турли тиллардаги клише қатъий формаллашган образли ифодалар таркибида паремиялар кўринарли ўрин эгаллади. Масалан, мақол, матал, шунингдек, қисқа гап тузилмаси, кичик бир саҳнани эслатувчи ёки диалог, айрим латифа турлари, топишмоқлар ҳам шулар жумласидан. Паремиялар – тилнинг муҳим бирлиги ва белгилари бўлиб, инсонларнинг мулоқотидаги зарурий қисмлардир. Бу белгилар специфик ахборотни етказади, ҳаётий ва мантиқий, фикрий ҳолатлар ва уларнинг ўзаро ҳамда бошқа обьектлар ўртасидаги муносабатларни билдиради.

Паремиялар барча жаҳон халқларида муайян типик ҳолатларни тасвирлайди, мантиқан ўхшаш мазмунни ифодалайди, фақат образлар, деталлар, маконларнинг ўзига хослиги билан тафовут қиласди.

Паремияларни буткул фольклорга тааллуқли дейиш мумкин. Улар масаллар, эртаклар, афсоналар, афсун-дуолар таркибида мустақил матнни ташкил этади. Бундан ташқари, матндан ташқарида ҳам мустақил қўлланиш хусусиятига эга. Бошқа фольклор матnlари сингари паремиялар у ёки бу мавзу гурухига бўлинади.

¹ Женижок. Ырлар, айтыштар. Тұзғөн: А. Жусупбеков. –Бишкек.: Бийиктик, 2006. –Б. 120

Паремияларнинг барчаси маълум бир вазиятга нисбатан қўлланади, бундан ташқари ана шу вазиятни, ҳолатни шакллантиради ёки ҳолатнинг мазмун-мундарижасини ташкил этади.

Г.Л. Пермяков назариясига кўра паремиялар, бошқа фольклор матнлари сингари учта структур қурилишга эга:

- лингвистик (ва композицион қурилиш);
- мантикий (ва семиотик) структура;
- реалиялар.¹

Шунга кўра паремияларни тил бирликлари ҳамда фольклор матнлари сифатида текшириш мумкин. Паремиологик фонднинг асосий қисмини мақол ва маталлар ташкил этади, шу боис уларни ҳар икки тарафдан тадқиқ этиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Мақол ва маталларнинг моделлаштириш функциясини ва мазмуний аҳамиятини реал ҳаётимизда кўра оламиз. Бирор вазият, ҳолатни узоқ тавсифлаш ўрнига масалан, бизга бирор керакли буюм, нарса қўлимизда бўлмаса ва бошқа бир буюм унинг ўрнини босса, гарчи аввалги буюм сингари хусусиятга эга бўлмаса-да, бу фикрни “*От бўлмаганда эшак ҳам от*” сингари ўзбек халқ мақоли билан ифодалаймиз. Рус мақоллари таркибида эса шунга мазмунни яқин келадиган “*На безрыбье и рак рыба*” мақоли учрайди. Ушбу мақолдан тингловчи назарда тутилган мазмунни дарҳол англайди. Ёки арман мақоли: “*Когда нет коня, и осел сгодится*” (“*От бўлмаса, эшак ҳам бўлаверади*”) юқоридаги мазмунга яқинлашади². Ҳар қайси мақол тавсиф этилаётган ҳолатни ўзида ифода этибина қолмай, турли образлар воситасида ўзига хос тасвирлайди.

Паремиялар фразеологик бирликлардан кўра мураккаб бўлиб, улар фольклор матнлари ҳисобланади. Фольклоршунослар ва паремиологлар турли халқларнинг ибратли сўзларининг функционал тафовутларига эътибор қаратганлар. Ушбу фарқлар асосида паремиологик даражасига кўра ёки афористик жанр таркибиغا қараб паремияларнинг учта типи ажратилган:

¹ Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки. -М., 1970. Б. 8

² Интернет ресурс.

1. Мақол ва маталлар;
2. Топишмоқлар;
3. Ирим-сиримлар.

Паремияларнинг еттига асосий функциясини ёки қандай мақсадда ишлатилишига кўра турларга ажратилишини кўрсатиш мумкин:

1. Моделлаштириш функцияси – бу функцияга эга бўлган паремия у ёки бу ҳаёт ҳодисасининг мантикий шаклини беради. “*Оила тинч – юрт тинч*”. Қирғиз халқ мақолларидан: “*Жер байлығы –эл байлығы*”.

2. Ўгит, панд, насиҳат бериш функцияси – маълум бир паремия тури бирор нарсага ўргатади. Бири ҳаётий ҳолатларни кўрсатади, бошқаси ҳулқ-автор қонуниятларини, учинчиси фикрлаш қонун-қоидаларини ва ҳ. к. ҳақида таълим беради. Уларнинг барчаси бир умумий вазифага – ўргатиш, таълим беришга йўналтирилган бўлади. “*Аччиқ - душман, ақл – дўст*”. Қирғиз халқ мақолида: “*Ачuu - душман, ақyl - дос*”.

3. Прогностик функция - паремияларнинг турли типларига тааллуқли бўлиб, унинг асосий жиҳати келгусида бўлажак бирор натижа ҳақида башорат қиласи. “*Куёвдан невара қолар, Неварадан эвара қолар*”. Қирғиз халқ мақолида: “*Баатыр элден чыгат, байлық жерден чыгат*”.

4. Магик функция - олқиши, қарғиши, дуо, афсун, қасам сингари сўз бирликларида асосий доминант сифатида намоён бўлади. Магик функцияning моҳияти сўз билан бирор ҳаракатни юзага келтириш ҳисобланади, табиатга ёки бошқа одамларга ўз фикри ва мақсади билдирилади. “*Кўрганинг кўрмагани қурсин, Кўрмаганинг – кўргани*”. Қирғиз халқ мақолида: “*Теректей бой бергенче, теменедей ақыл берсин*”.

5. Негатив-коммуникатив функция - савол-жавоб асосига қурилган, ҳазил мазмунига эга паремиялар. Мақоллар мисолида :

“*Келин қилдим деб керилма,*

Ишга буюрса, эринма.

Ишга буюрса, эринсанг,

Ўғлингнинг кўзига кўринма” кабиларни келтириш мумкин.

Кирғиз халқ мақолида:

“Алтын ээр ак кабак,

Атка жайы болбосо, алтынын алып отко жасак.

Аяшар тууган болбосо, ақырын сүйлөп жатка жасак.

Күмүш ээр ак кабак,

Кулуккө жайы болбосо, күмүшүн алып отко жасак.

Күйүшөр тууган болбосо, кулө багып жатка жасак”.

6. Қизиқтириш функцияси - паремияларнинг барча типига тааллуқли бўлиб, рус фольклоридаги прибаутка ёки арманларда ҳазил топишмоқ (топишмоқ шаклида бўлади, лекин унинг жавобини топиш мумкин бўлмайди). Бу функция тингловчиларни қизиқтириш учун қўлланади.

7. Орнаментал функция - кўпчилик паремиологлар фикрига кўра, бу халқ ҳикматларининг барча турига тааллуқли функциядир. Чунки у нутқни безайди. Бироқ бу функция ҳеч бир паремияда асосий ва бирламчи эмас.

Юқорида келтирилган функциялар ҳар бир паремияга алоқадор бўлиши мумкин, лекин улардан биригина доминант (асосий ғоя) ҳисобланади.

Мақоллар персонаж нутқида ҳам қўлланиши мумкин. Бунда у насрий асарда қандай функция бажарса, шеърий асардаги функцияси ҳам шундай бўлади. Масалан, мақол орқали фикрлар хилма-хиллиги ифодаланади, муайян воқеа-ходисага муносабат билдирилади ва баҳо берилади. Насрда мақолларнинг функциялашуви турли хил мақсадларга йўналтирилган бўлиб, матннинг жанрий ўзига хослиги билан алоқадорликда намоён бўлади. Паремиялар насрий кўринишдаги кичик жанрлар тарзида оммалашган бўлиб, унинг асосий матн мундарижасида воқеанинг ғояси, моҳиятини ифода этади. Айниқса, асарни номлашда, муаллиф нутқида, воқеанинг бошланиши ёки сўнгида, персонажнинг портретини яратишда, қаҳрамоннинг феъл-атвори ва табиатини тавсифлашда, муайян воқеа-ходисани баҳолашда мақолдан кенг фойдаланилади. Паремиялар катта ҳажмли асарлар, масалан, достонларга киритилиши билан уларнинг функцияси ўзгаради. Бунда паремиялар персонажларнинг ёки воқеа-ходисанинг тавсифини бериш ҳамда муаллиф ҳиссий кечинмаларини ифодалаш вазифасини

бажаради. Паремиялар муаллиф қарашларининг системасини акс эттиради. Кўп ҳолларда паремиялар муаллиф нутқида эмас, балки персонажлар нутқида қўлланади. Ўқувчи онгига мазкур паремиялар матндаги муайян эпизоддан холи равишда бошқа бир тушунчани юзага келтиради ва янги бир маънони англатади.

Халқ драмаларида мақоллар интеллектуал нутқий характеристикини берувчи поэтик восита вазифасини ўтайди, бунда мақоллар персонажларнинг ҳаётий-фалсафий қарашларини, шунинг баробарида муаллифнинг муносабатини ҳам акс эттиради. Паремияларнинг қўлланиши ҳар бир адабий жанрнинг иккиласми хусусиятлари билан белгиланади.

Жумладан, лирик турга мансуб жанрларда қўлланилган мақол ва маталлар лирик қаҳрамоннинг руҳий кайфияти, ҳолати ва ўзига хослигини, уни ўраб турган олам билан қиёслаш орқали фарқлашга ёрдам беради. Эпик матнлардаги мақоллар эса катта-кичик шаклларда ўзини намоён қиласди. Халқ эртаклари ва достонларида қўлланилган мақоллар матн мундарижасига сингдирилган бўлиб, иккиласми маънони ҳам англатади. Демак, паремияларнинг қўлланиши иккиласми нутқий жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Фольклорнинг мақол, матал, топишмоқ, афоризм, ҳикматли сўзлар каби кичик жанрлари семантический жиҳатдан бир-бирига яқин туради, кўпинча бир-биrlарига ўтиб туради.¹

Мазкур кичик фольклор жанрлари тадқиқига бағишлиланган ишларда улар ўртасидаги генетик, семантический, мантический, поэтический и формальный алоказдорлик ҳамда ўзаро яқин муносабат борлиги таъкидланади.² Бироқ, бу масала ҳали ҳамон мунозарали бўлиб қолмоқда.

Мақол ва матал ўртасидаги фарқ масаласида кўпинча турли мунозараларнинг гувоҳи бўламиз. Бунинг асосий сабаби, мазкур икки кичик жанр ўртасидаги генетик, семантический, мантический, поэтический и формальный алоказдорлик ҳамда ўзаро яқин муносабат, баъзан эса уларнинг ўзаро трансформацияга учрашидир. Шунинг учун ҳам мақол ва матал ўртасидаги фарқни белгилаш мунозарали бўлиб келмоқда.

¹ Соатов Б. Паремиологик жанрларнинг ўзаро муносабатлари масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 1998. З-сон. -Б.36.

² Ефимова Ю.Ф. Сравнительно-сопоставительный анализ структуры и семантики турецкий и чувашский пословиц. КД// www/ mirrabit. Com/ work/ work- 11546/ html -59 kb.

Мақол ва маталларнинг ўхшаш ва тафовутли жиҳатлари кўрсатилган дастлабки тадқиқотлар рус фольклоршунослари В.И. Даль, И.М.Снегирев, А.А.Потебня, Ф.И.Буслаевларга тегишилдир. Ушбу муаллифлар мақол ва маталларни фарқлаш, уларни фарқловчи қатъий мезонларни белгилаш бўйича қизиқарли фикрларни берганлар.

Айрим тадқиқотчилар мақол ва маталларни дифференциациялаш асосига мазмун мезонини кўядилар. И.М.Снегирев мақол маталдан ўзининг шаклланган форма ва ғояси, иккинчидан, мазмуни билан фарқланишини, мақол ўзида ҳаёт ҳақиқатини акс эттириши, матал эса муайян ҳодисага ишора қилишини асослайди.

В.И.Даль ҳам мақол ва маталларни мазмун асосида фарқлайди: “Мақол - қисқа, кўчма маънодаги насиҳатомуз ҳикоя. Бу муҳокама, хукм, ибрат халқчиллик рухи билан суғорилган, оммалашган киноявий ифода. Мақол - кўчма маънода бўлиб, ҳамма учун тушунарли бўлган, омма тарафидан қабул қилинган барча ибратли ҳикоялар каби тўлиқ шаклда, икки қисмдан иборат бўлади: кўчма маънога эга, насиҳатомуз фикр, тасвир, умуний муҳокама, илова, талқиндир, баъзи ҳолларда мақолнинг иккинчи қисми тушиб қолганда, мазмун тингловчининг зукколигига ҳавола этилади ва шунда мақолни маталдан ажратиб бўлмайди”¹

Фольклоршуноснинг изоҳича, матал: “тагмаъноли ифода, кўчма маънодаги нутқ бирлиги, содда бошқача фикр, ишоравий ифода, ифодалаш усули, лекин ривоясиз, муҳокамасиз, хулосасиз. Матал жонли нутқда кўчма маъно ифодалайди, тўлиқ фикр билдирамайди, баъзан нарса, воқеа-ходисаларнинг номини айтмайди, балки шартли равишда ишора қиласди”². В.И.Даль мақолларнинг шундай хусусиятларини белгилаганки, булар қисқалик, кўчма маъно ифодалаш, таълимий мазмунга эгалик, умумлаштиришдир. Маталларда эса образлилик, кўчма маъно ифодалаш ва насиҳат бериш мавжуд эмас.

Матал ташки жиҳатдан мақолга ўхшайди, яъни у қисқа ўгит, тугалланган гап шаклида, таълимий характерда бўлиб, мақолдан фарқли равишда ўз маъносига кўлланади. Мақол ва маталларнинг ўзига хос типлари борки, уларнинг бир қисми ўз

¹ Даль В.И. Русские народные пословицы и поговорки.-М., 1989. Б.14

² Ўша манба. Б.15.

маъносида қўлланса, иккинчи қисми кўчма маънода қўлланади: “Ёмон кун яхии бўлар, Ёмон одам яхши бўлмас”.

Ўзбек фольклоршуносларидан Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, Б.Соатов, О.Мадаевларнинг тадқиқотларида ҳам мақол ва маталнинг дифференциацияси масаласига тўхталиб ўтилган.

Б.Саримсоқов мақол ва маталларда кўчма маъно ифодаланиши хусусида тўхталиб, мақоллар ўз ва кўчма маъноларда қўллана олиш имкониятига эга бўлса, маталлар фақат кўчма маънода қўлланади, деб тўғри қайд этади. Яна бир тадқиқотида эса мақолларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўллана олиш хусусияти бу жанрнинг тематик доирасини, қўлланиш чегарасини кенгайтиришини, шу боис мақол бир ёки бир неча халқлар орасида кенг тарқалган бўлишини таъкидлайди ҳамда маталлар учун энг муҳим фарқловчи хусусиятни кўрсатади: “Маталлар ёки бошқа юмуқ иборалар эса локал қўлланиш чегарасига эга бўлиб, улар ҳеч қачон миллатлараро истеъмол доирасида учрамайди”¹.

Мақол ва маталлар дифференциацияси ҳақида сўз юритган олимларнинг аксарияти маталлар нутқни жозибали қилиш, яъни эмоционал-экспрессивликни кучайтириш мақсадида қўлланишини алоҳида таъкидлайдилар. Бундан ташқари, маталларнинг мақолларга ва маталларнинг мақолларга трансформациясига ҳам диққатни қаратадилар.

О.Мадаев бу ҳақда қўйидаги фикрларни билдиради: “Мақолларнинг яратилиши ва қўлланишидаги мураккаблик жонли сўзлашув жараёнида уларнинг маталларга айланиб кетиш ҳодисасини изоҳлашини ҳам назарда тутиш лозим. Бундай пайтларда мақол контекстдан ажратиб олинганда, мустақил фикрни ифодалаш хусусиятини йўқотади”². Олим ўз фикрини давом эттириб, “Яхии топиб гапирав, ёмон қотиб”, “Яхии гап билан илон инидан чиқар” мақоллари нутқда мукаммал келган ўринларда мақол, ўзгарган ҳолда айтилганда, айни талаффуз этилган шаклда матал деб юритилади” деган тўхтамга келади.

¹ Имомов К.,Мирзаев Т.,Саримсоқов Б.,Сафаров О.Ўзбек халқ поэтик ижоди.- Т: Ўқитувчи, 1990. Б.92.

² Мадаев О. Мақоллар оламида.-Т.: Ўзбекистон, 1984. Б.10

Мақолларнинг жанр хусусиятлари ва поэтикасини маҳсус ўргангандан Б.Соатов маталларнинг трансформацияси ҳақида эътиборга молик фикрни баён қиласди: “... Маталлар тугал қутбий ҳукм ифодалай олмайдилар, чунки улар ҳамма вақт бир мантиқий марказдан иборат бўладилар. Бинобарин, матал икки мантиқий марказли бадиий шаклга эга бўлиб, умумхалқ истеъмоли даражасига кўтарилса, мақолга айланади”¹.

Ҳакиқатдан, фольклорнинг мақол, матал, топишмоқ, афоризм, ҳикматли сўзлар каби кичик жанрлари семантик ва мантиқий жиҳатдан бир-бирига яқин туради, кўпинча бир-бирларига ўтиб туради. Жумладан, Ж.Эшонқулов ҳам баъзи тушларнинг топишмоққа айланган ҳолатлари ҳам мавжудлигини ва “Тушда кўрсанг ганж, Ўнгда кўрсанг янч” мисолида топишмоқ элементи ҳам, мақол элементи ҳам борлиги ҳақида ёзади².

Мақолларда икки мантиқий марказ мавжуд бўлиши ва бу марказлар мазмунан бир-бирларига ё ўхшатилиши, ё таққосланиши ёки бутунлай зид қўйилиши Б.Саримсоқовнинг назарий қарашларида қайд этилган эди. Мақол ва маталларнинг ўзаро дифференцион ўзгаришини таҳлил этган В.П.Аникин қўйидаги мулоҳазаларини баён қиласди: “Мақол қисқа бўлиб, нутқ жараёнида қўлланувчи, таълимий мазмунни ўзида сингдирган, ритмик тузилишга эга поэтик доно фикр, унда бирор ҳалқ асрлар давомида ўзининг ижтимоий-тарихий тажрибаларини умумлаштирган бўлади”³. Мазкур таърифда мақолнинг шакл хусусиятлари, ритмик тузилиши, таълимий характери ва тугал ҳукм-хулосанинг мавжудлигига эътибор қаратилган. Маталга эса у қўйидагича таъриф беради: “Матал – кенг оммалашган образли ифода, бирор ҳаётий ҳодисани аниқ ифодаловчи, белгиловчидир. Маталлар мақолларга шаклан яқин турса-да, улардан фарқли ўлароқ умумлашган таълимий мазмунга эга бўлмайди ҳамда образлилик хусусияти чекланган бўлади”. Демак, маталда умумлаштириш характери бўлмайди ва бу табиий ҳол. Фақат мақол умумлаштиради, хулосалайди, матал мутлақлаштиради, аниқлаштиради.

¹ Соатов Б. Ўзбек ҳалқ мақолларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси. –Т., 1994. Б.36

² Жаббор Эшонқул.Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини.- Т.: Фан, 2011. Б.122-123

³ Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор.- М., 1957. Б.15

Мақол ва маталларни фарқлашда тадқиқотчилар ифода планига кам эътибор қаратадилар. В.П.Жуков ибораларнинг мақол ва маталлардан фарқини кўрсатишга ҳаракат қилган: “Фразеологизмлардан мақол ва маталларнинг фарқи структур-грамматик муносабат билан боғлиқ: улар (яъни мақол ва маталлар) тугалланган гап кўринишида бўлади”¹. Мақол ва маталларнинг структурал ва семантик хусусиятлари яқинлигини кўрсатган Т.З.Черданцева маталлар “мақолдан фарқли ўлароқ очик структурага эга бўлади, яъни феълнинг инфинитив шакли киритилиши ва бу ҳолатда гап шаклида бўлмай, сўз бирикмаси тузилишида бўлади” деб ёзади². Олима мазмуний фарқларга тўхталиб, матал “кўчма маънодан ҳоли бўлиб, кўпинча сўзлар ўз маъносида қўлланади. Маталлар, одатда, панд-насиҳат, таълимий мазмунга эга бўлмайди, лекин рўй бераётган воқеа-ҳодисани шарҳлайди ва унга баҳо беради” деган фикрни билдиради.

Кўринадики, мазкур таърифларда мақол ва маталларнинг структурал ва поэтик хусусиятлари ҳамда нутқда қўлланиши каби фарқловчи хусусиятлар таҳлил этилган.

Ушбу масалага тўхталган қирғиз фольклоршуносларидан Б.Керимжанова: “Мақол кўпинча маълум бир тугал фикрни билдириб, қисқа-қисқа, баъзан кофияланиб айтилса, матал кўпинча сўзнинг ташки гўзаллигига қараб бирор нарсани таълим сифатида қолдириш учун айтилади”³деса, С.Мусаев: “... мақол энг кўп хаётий тажрибалар йиғиндиси бўлади-да, ҳаётда учраган бир неча ишларнинг ёки воқеаларнинг доимий қайталаниши, исботланиши натижасида пайдо бўлади. Матал эса муайян биргина ишнинг ёки воқеанинг натижасида воқе бўлади”, - деб билади. С.Мусаев ўз фикрини давом эттириб, мақол билан маталнинг шаклий тузилиши, айтилиши, хulosаланиши бири-бирига жуда ҳам ўхшашлигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг фарқли жиҳатларини қуидагича кўрсатади: “Мақолда айтилувчи фикр тўлиқ тугалланиб, айтилган ҳар бир воқеага хulosса чиқарилади. Маталда эса одам фикригина айтилиб, хulosса чиқарилмайди, айтилмай қолдириб кетилади. Маталларни қўллаган ёки тинглаган одам хulosани ўша матал бағишланган ишга, воқеага нисабатан ўзи чиқариши лозим. Шунинг учун матал кўпинча қиёслаш,

¹ Жуков В.П. 1966. с. 7 // ru. wikipedia.org.

² Черданцева Т.З.1977.с.145 //www. Ruthenia. Ru / folklore. Htm – 59 kb.

³ Керимжанова Б. Кыргыз элинин макал-лакаптары.- Фрунзе, 1948. Б. 3.

ўхшатиш сифатида “дегандай”, “бўлмай”, “ўхшамай” каби сўзларнинг ва “ган”, “дай” қўшимчаларнинг ёрдами билан айтилади”¹.

Қирғиз фольклоршунослигида мақол ва матал атамалари “мақол-маталлар” (“макал-лакаптар”, русларда “пословицы и поговорки” тарзида берилганидек) шаклида доимо бирга келади. “Матал (лакап) деб бир воқеанинг асосида ёки одамлар юриш-туришининг, феъл-авторининг ўзига хослигини изоҳлаб, аниқ, образли тасвирлаб, воқеликка асосланган, кўпинча киноя маъносида айтилиб, контекстда маъноси англашилувчи, қисқа, образли гапларга айтилади”², - деб ёзади қирғиз паремиологи Сапарбек Закиров.

Масалан: қирғиз халқида – “Ола байтал, ақлинг бўлса, сувга торт дегандай” матал (лакап) учрайди. “Ола байтал” ҳакидаги нақлнамо воқеа қирғиз халқи орасида кенг тарқалган, лекин ҳар бир ҳудуднинг географик шароитига кўра бир жойда “сувга торт” дейилса, бошқа ерда “кўлга торт” бирикмаси қўлланилади. Ушбу маталнинг мазмунига қўйидаги воқеа асос бўлган: Момуқул деган тентакроқ одам қамиш ўриб олиш учун далага боради (Бошқа вариантида эса кўл бўйига келади). Қамишни от аравага юклаб олиб йўлга тушгандан сўнг, семиз, ўйноқи Ола байтал қамиш япроқларининг шитирлашидан ҳурка бошлайди. Момуқул кўп ўйланиб турмай шитирловчи товушни йўқотмоқчи бўлиб, қамишга ўт қўйиб юборади. Ёнгиндан хавфсираб, Ола байтал олиб қочади. Момуқул жон ҳолатда: “Ола байтал, ақлинг бўлса сувга торт”, - деб қичқиради. Бу маталнинг ўзагида юмор бўлиб, у қўлланиш шароитига кўра ўткирлашиши ҳам, сустлашиши (ўтмаслашиши) ҳам мумкин. Ушбу матал бирор ишнинг кейинги оқибатини ўйламай, ақлсизлик ва шошқалоқлик қилиб қўйиб, яна бировга ақл ўргатувчиларга нисбатан қирғиз халқи нутқида кенг қўлланади. Матал тугалланган фикрга эга эмас, у муайян нутқий вазиятда, яъни контекст ичидагина белгиланган функцияни бажаради, холос.

Яна бир қирғиз халқ матали “Мен-ку Маанаке дегандай” матали мавжуд бўлиб, ушбу матал ҳам ўз тарихига эга: Узун соқолли Маанаке деган одам бўлган экан. Унинг юриш-туриши афандироқ, лекин оқ кўнгил, хазилкаш, айниқса ёш болалар

¹ Мусаев С., Таштемиров Ж. Кыргыз адабияты.- Фрунзе, 1954. Б. 188.

² Закиров С. Кыргыз элинин макал, лакаптары.- Фрунзе, 1972. Б. 242

билан тенгдошдек ўйнаган, бола фикрли одам экан (Баъзи манбаларда мақтончоқ, ёлғончи деб ҳам айтилади). Болалар баъзида Маанакенинг тўнини олиб қочар, баъзан қизил хўқизини миниб қочишар, хуллас, ўз тенгдошидек муносабатда бўлаверишаркан. Бир куни Маанаке қизил хўқизини миниб ўтинга жўнайди. Болалар Маанакени мазаҳлаш учун орқасидан борадилар. Маанаке икки боғ ўтин олиб, хўқизнинг арқонидан ушлаб ухлаб қолади. Пойлаб юрган болалар Маанакенинг соқолини қирқиб, кетиб қолишади. Бир вақт Маанаке уйғониб, соқолини силамоқчи бўлса, соқоли йўқ. У ўзича ҳайрон қолиб: “Мен-ку Маанаке, Маанаке бўлсам соқолим қани экан, Маанаке эмасман десам, қизил хўқизим мана экан” деган экан.

Ушбу Маанакенинг сўзида латифа жанрига хос хусусият мавжуд. У фақатгина ўша шароитни ўткир равишда кўрсатибгина қолмай, кулги ҳам уйғотади. Юқоридаги маталлар нутқда кенг қўлланилади-ю, унинг тарихи доим ҳам айтилавермайди, чунки ушбу маталлар тарихи билан халқнинг кўпчилиги деярли яхши таниш бўлади. Уларнинг яратилиш сабабларига тўхталсак, аксарияти юқоридагидек яхши латифалар асосида пайдо бўлганлиги аёнлашади. Бу каби маталлар бошқа бир халқ маталлари орасида учрамайди.

Маталлар ҳолат ва вазиятни, инсонни ёки унинг ҳулқини тавсифлаш учун зарур бўлади. У диалогнинг луқма (реплика)си сингари жаранглайди ҳамда киноя ҳатто ҳажв мазмунини ифодалайди. Яна бир муҳим белги шуки, айнан шу матал бошқа халқ маталлари орасида учрамайди.

Маталдан фарқ қиласроқ, мақол тугал фикрни қоида мақомида ифодалайди. Масалан, ўзбек ва қирғиз халқларидағи “Дўст изла, душман ўзи топилади”¹. “Дос изде, душман өзу табылат”² мақолини олайлик. Ушбу мақолда фикр тугалланган, панд-насиҳат мазмунига эга, шу ҳолатида, яъни контекстдан ажратилган ҳолда ҳам мустақил мазмун ифодалайди. Бу мақол ҳар икки халқда ҳам ҳаётӣ тажрибада синалган, инсон ҳаёти давомида қўплаб воқеаларда унинг ҳақиқат эканлиги такрор-такрор тасдиқланган, халқ орасида оммалашган, уни ҳеч ким инкор қилолмайдиган ҳақиқат ва қатъий хулоса, худди кекса авлоднинг кейинги авлодга насиҳатидир.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. (Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсоқов).—Т.: Шарқ. 2003. Б.98.

² Кыргыз макал-ылакап, учкул сөздөрү 10551.Жыйнаган:М.Ибрагимов.—Карабалта, 2005. Б. 155.

Мақолда умумлаштириш мазмуни юқори даражада бўлади, у ҳаёт қонуниятларини ифодалайди, ўгит бериш функциясини бажаради, ҳамма учун ва ҳар бир киши учун тавсия бера олиш хусусиятига эга. Мақолдаги қонуният ҳар бир инсонга тўғри келади. Бу қонуният аниқ бирор воқеага нисбатан қўлланмайди, балки инсониятнинг мавжудлигига тааллуқлидир. Бу халқ томонидан буюрилган муҳим вазифа сингари бўлиб, унга барча одамлар амал қилишлари лозим бўлади. Бу ҳаётий ҳақиқат тўғрисидаги қатъий хулоса, яъни ушбу мақол ўзбек ва қирғиз халқларидагина эмас, дунёдаги барча халқлар орасида ҳам айнан ёки аналогик тарзда учраши мумкин.

Демак, бу ўринда асосий фарқловчи белги сифатида мақолда умумлаштирилган ва универсал характерга эга мазмуннинг мавжудлиги ҳамда бу мазмуннинг муайян халқ вакиллари томонидан қоида мақомида қабул қилинишини кўрсатиш мумкинки, бу хусусиятлар маталга хос эмас. Ўз ва кўчма маънода қўлланишга келсақ, буни қатъий фарқловчи белги сифатида қабул қилиш доим ҳам тўғри бўлмайди. Чунки айрим мақоллар борки, улар ўз ва кўчма маънода қўлланishi мумкин. Масалан, ўзбек халқининг “Ўчоқдаги ўтинг ўчмасин десанг, Қўри борида харакат қил”¹ мақоли ўз ва кўчма маънода қўлланади. Кўчма маънода қўлланганида мақол универсал таълимий мазмун касб этади, унинг ҳақиқат эканлигини инкор этиб бўлмайди. “Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр”² матали эса қисқа, образли, кинояли ва фақат кўчма маънода айтилиб, контекстдагина мазмуни англашилиши мумкин. Унда панд-насиҳат, таълимий мазмун йўқ, лекин рўй берадиган воқеа-ходисани шарҳлайди ва унга ишора қиласи, баҳо беради.

Бизнингча, юқоридаги фикрларга таянган ҳолда мақол ва маталларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини санаб ўтиш мумкин.

Ўхшаш жиҳатлари: 1) кўчма маънода келиши; 2) насрый тузилишга эгалик; 3) поэтик тузилишга эгалик; 4) ҳар иккисида ҳам образлар мавжудлиги; 5) турли мавзуларда бўлиши; 6) нутқий вазиятга кўра қўлланishi; 7) ўзига хос тил хусусиятларига эгалиги.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. (Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсоқов).—Т.: Шарқ. 2003. Б.207.

² Ўша манба. 41

Фарқли (тафовутли) жиҳатлари: 1) мақол ҳамма вақт, яъни контекстдан ажралган вазиятда ҳам мантиққа эга, маталнинг мантиғи эса контекстда ёки кўлланиш жараёнида (бўлиб ўтган муайян бир типик ҳолатни эслатиб ишора қилингандагина) англашилади; 2) мақолда хулоса мавжуд, маталда эса хулоса йўқ; 3) мақол ўз ва кўчма маъноларда келади, матал эса факат кўчма маънода қўлланади; 4) мақолда ўгит, доно фикр, таълимий мазмун бор, маталларда таълимий мазмун йўқ; 5) мақол умумлаштириш характеристига эга, маталда эса бу хусусият йўқ, у мутлақлаштириш, аниқлаштириш характеристига эга.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг генезиси ва бадиий такомили

Бугунги кунда мулоқот жараёнида қўлланаётган сўзлар ҳамда уларнинг турли маъноларни англатиш хусусияти, лисоний имкониятларимизнинг ривожланганлик даражаси узоқ даврлар мобайнида шаклланганлиги, чунончи лексик бойлигимиз бизга тайёр ҳолатда етиб келмаганлигини адабий-тариҳий манбалар далиллайди.

Ибтидоий инсоннинг онги қуи даражада бўлганлиги сабабли сўзларнинг оҳанг билан айтилиши ишнинг ритмига боғлиқ бўлса, меҳнатни енгиллатишга ёрдам бўлади, – деган ишончни уйғотган. Аммо синкетизм вақтида сўзнинг семантик томони етакчи бўлмай, балки ритм ва товушнинг мусиқий оҳанги асосий роль ўйнаган эди.

Қадимги аждодларимизнинг ilk ижод намуналари қояларга, меҳнат куроллари ва турли рўзгор буюмларига туширилган чизги ва тасвирлардан иборат бўлиб, бу расмлар бадиий-эстетик тафаккурнинг пайдо бўлишидан далолат беради. Ибтидоий давр кишилари ўз бошидан кечирган воқеалар, саргузаштлар, табиат ҳодисалари ва ўзгаришлари ҳақида фикр юритар эканлар, уларни шунчаки баён қилмай, ўз ҳаётий тажрибасини қўшган ҳолда, тасаввуридаги чизгилар ва хулосаларни бадиий акс эттиришга интилганлар.

Ўзбекистон худудидан топилган неандерталь боланинг қабрига тоғ эчкиси шохларининг ўрнатилиши ўша давр кишисининг тафаккур даражасини кўрсатади. Горлар, тошлар ва турли жиҳозларга ишланган тасвир мазмунидан ибтидоий давр одамининг муайян урфларни бажариш ҳолатини англаш мумкин. Бу урфларни бажариш асносида эса бирор сўз, дуолар ёки қийқириқлар ижро этилган. Мақолларнинг пайдо бўлиш илдизлари ана шундай қадимијурф-одат, маросимлар билан боғланади.

Тафаккур даражаси ортиб боргани сари бадиий ижод намуналари юзага кела бошлаган.

Ҳаёт ҳодисаларини расмлар орқали тасвирлаш босқичида ҳали ёзув пайдо бўлмаган, балки расмлар асносида кейинчалик ёзув шаклланди. Бундай ибтидоий формацияда ilk инсонлар дастлабки ижод намуналарини оғзаки шаклда яратганлар.

Ўзбек ва қирғиз халқ паремиологик хазинасида жуда күплаб ўхшаш мақоллар мавжуд. Бу халқлар ўртасида тарқалган ўхшаш мақоллар этник бирлик даврида яратилғанлигидан далолат беради.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг айримлари қайси даврда яратилганини мазмунидан аниқлаш мумкин. Масалан “*Ҳар ким ўз күмочига қул тортар*” // “*Ар ким өз көмөчүнө қул тартат*” мақолининг мазмуни аждодларимиз яшаган ибтидоий даврни ёдга солади. Қадимда нонни пишириш учун зувала қилинган хамирни чүтга солиб устига қул тортганлар. Қирғиз фольклоршуноси Хусеин Карасаев ушбу мақолни қуидагича талқин қиласы: “Қирғиз эли күчманчилик шароитида яшаганда, илгари нон тортиш бўлган. Ўшандан буён болаларга қўмоч пишириб берилар эди. Нон пишириш учун кўчманчилик шароитида тандир бўлмаган. Улар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб яшаганлари сабабли, тандир қуришга одатланмаганлар. Қирғиз халқи ўтроқлашгандан сўнг, тандир, товоқ, ва бошқа нон пишириш воситалари пайдо бўлди. Улар кенг қўллана бошлангач, қўмоч пиширилмай қолди. Илгари кўмирни чуқур қилиб, қўмочни ўтнинг қўрига қўмиб пиширган эдилар. Ўчоқдаги ўтнинг қўри кўп бўлган эмас. Ўтнинг қўрини болалар талашиб, қўмочни тез пишириш учун ўз күмочига қўр тортганлар. Қўрдан иссиқ кулни талашиб, болалар урушиб қолар эдилар. Ана шунга нисбатан, эҳтиёжидан кўра ўз бошидаги ташвишни ўйлаган одамларга қарата “*Ҳар ким ўз күмочига қул тортар*” деган мақол пайдо бўлган. Ушбу мақол турмушнинг барча соҳаларида кўп қўлланади”¹. Бу мақол дастлаб яратилганда ўз маъносида қўлланган. Ҳозирда эса, ҳар ким ўз ташвишини ўзи тортади, деган кўчма маънени ифодалайди.

Мақолларнинг пайдо бўлиши тарихини текширган рус фольклоршунослари В.П.Аникин, Ю.Г.Кругловлар биринчи мақоломуз ибораларнинг майдонга келиши инсоният тарихининг дастлабки даврларига бориб тақалишини таъкидлайдилар.² Қадимги давр мақолларида мифологик тушунча ва тасаввурлар зухур этиши фольклоршунослар томонидан қабул этилган хулоса эди. Бироқ, рус танқидчиси Н.Г.Чернишевский ўзининг “Полемик гўзалликлар” номли мақоласида

¹ Карасаев X Накыл создар. Фрунзе, Кыргызстан, 1982. -Б 260-262.

² Аникин В.П , Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Ленинград., 1987. – С.142.

Ф.И.Буслаевнинг мақолларни мифологик тамойил асосида таҳлил қилишига киноя билан қарайди. Шуни ҳам айтиш керакки, Н.Г.Чернишевский мақолларнинг жанр сифатида қадимийлигини ҳам эътироф этган. Мифологик назариянинг танқиди мақолларни реал тарихий асосда ўрганишга йўл очди.

Мақолларнинг келиб чиқиш сири уларнинг ўзиладир. Кўпгина мақоллар алоқа-аралашув муносабатлари, маросим, урф-одатлар соҳасига кириб бориб, уларнинг бир қисмига айланиб қолади. Бундай мақоллардаги фикр-хулосанинг поэтик ифодаси реал-воқеликни инъикос этишнинг англашмаган бадиий формасидир: “Ёзниг ёзиғи, қишининг озиғи”, “Товуқни есанг, бир ейсан, тухумини есанг, минг ейсан”, “Уйлигини топмаган тўйлигини тўздирап”. Барча мақолларда уларнинг ҳаётий-амалий мазмуни муҳим ҳисобланади. Бу насиҳатлар, ҳаётий-маиший қоидалар, об-ҳаво, табиат ҳодисаларини кузатиш, ижтимоий тартиботларнинг ифодаси бўлиб, уларга табиий равища риоя этилади. Ҳаётий-маиший ва ижтимоий тартиботлар мақолларда кўчма маънода билвосита эмас, балки ҳаёт ҳодисаларини бевосита ифодаси сифатида акс этади. Бундай мақоллар ҳаётий-маиший соҳада қўлланилиб, истеъмол доираси чегараланган. Улар халқ донишмандлигининг қадимий кўринишларидан биридир. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, барча “умумқоидалар”, яъни кишилик жамияти, туриш-турмушнинг ёзилмаган тартиб-қоидалари илк мақоломуз луғавий бирликларда ўз ифодасини топган.

Халқ оғзаки поэтик ижодининг ривожланиши инсоннинг меҳнат жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимда одамлар меҳнатнинг турли шароитларини енгиллатиш мақсадида товушнинг ҳар хил ритмини қўллайдилар. Бора-бора иш юришини тезлатиш, енгиллатиш мақсадида ижод этилган меҳнат қўшиқлари пайдо бўлган.

Қадимги аждодларимизнинг ҳаёт тажрибалари ортгани сари ҳаётдан олган сабоқлари, кузатувлари асосида ўз фикр-хулосаларини қуруқ эмас, балки образли ифодалашга ҳам уринганлар. Демак, ўзига хос ҳикматомуз гап, панд-насиҳат, ўгит мазмунини ўзида сингдирган мақол жанри шаклланган.

Маълумки, қадимги давр ўзбек ва қирғиз фольклори умумтуркий маданиятимизга оиддир. Умумтуркий фольклор намуналарини ўзида акс эттирувчи

қадимий ёдномалар Ўрхун-Энасой битиктошлари ҳисобланади. Бу ёзма манбалар яратилгунга қадар ҳам Ўрта Осиё худудида яшаган туркий қабилаларнинг ранг-баранг ва бой оғзаки ижоди бўлганлиги шубҳасиз. Бироқ, манба ва материалларнинг сақланиб қолинмаганлиги у ҳақда фикр юритиш имконини бермайди. Шундай экан, мақол жанрининг генезиси ва хусусиятларини илк ёзма ёдномалар Ўрхун-Энасой битиктошлари, “Бундахишин”, “Авесто”, М. Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарлари орқали таҳлил этиш мумкин.

“Тўнюқуқ” битиктошида бирдамлик, халқнинг ўзаро уюшиб, аҳил бўлиши ҳақида ҳикматомуз фикрлар бор. Тўнюқуқ тилидан айтилган бу ҳикматда, “*агар халқ уюшган, яктан бўлса, уни ҳеч қандай куч йиқита олмайди, аксинча бўлса, улар пароканда бўлиши ҳеч гап эмас*¹”, – деган мақоломуз образли жумла келтирилади:

Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон эмиши.

Ингичка йиғин узишига осон эмиши.

Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиласиган баҳодир эмиши.

Ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиши. (Тўн. 13-14)

Мазкур ҳикматомуз жумлалар қирғиз халқ эпоси “Манас”да қуйидаги шаклда учрайди:

Озни тўплаши осон, ингичкани узиши осон.

Юпун қалин тортса, тўпланганда алп бўлади,

Ингичка йўғонлашиса, узиб бўлмайди.

Баҳодиринг мингта, бошлигинг битта бўлсин.²

Ҳар икки манбада келтирилган “юпқа”, “юпун”, “ингичка” сўзлари остида озвилич мазмуни тушунилади. “Тўнюқуқ битиктоши”, “Манас” достонидаги ҳикматли гапларнинг семантик структурасида ўзаро яқинлик бор. Энг эътиборли жиҳати шуки, ҳар икки манбада ҳам мазкур сўзларнинг мавжудлигидир. “Тўнюқуқ” битиктошидаги ҳикматли сўзлар достонда бирмунча сайқалланганини қузатиш мумкин.

¹ Раҳмонов Н. Турк ҳоқонлиги тарихи. – Тошкент: Мерос, 1993. –686.

² Манас (Тарж. Т. Адашбоев) – Тошкент: Чўлпон нашриёти. 1995. –б 153.

Таъкидлаш ўринлики, Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари V-VIII асрларда яшаган туркий халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти билан таништирса, “Манас” достонида Энасой қирғизларининг IX-X асрлардаги ҳаёти билан алоқадор тарихий воқеалар тасвириланади.

Юқоридаги мақолнинг семантик структураси ҳар икки давр кишилари учун муҳим аҳамият касб этганлигини ва улар томонидан кенг қўлланилганлигини тасаввур қилиш мумкин. Мазкур мақол шаклан ихчамлашган ва дастлабки маъносидан узоқлашиб, бугунги кунда кўчма маънода қўлланади:

Йўғон чўзилар,

Ингичка узилар.

Ёки: *Йўғонни йўниб е,*

Ингичкани чўзиб е.

Битиктошдаги ва “Манас” достонидаги мақоломуз бирикмалар айнан ўша шаклда қўлланилмай, балки унда англашилган семантик маъно “*Куч – бирликда*”, “*Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар*”, “*Бирлашган куч енгилмас*”, “*Кўпчилик – мўлчилик, озчилик – камчилик*” каби мақоллар орқали ифодаланилаётгани кўринади.

Битиктошда яна бир ҳикматомуз жумла учрайди: “*Fam ўз уйингда*” мазмунидаги мақол, агар душманга қарши вақтида курашмаса унинг уйи, ватани ғам ичида қолади, деб изоҳланади. Ёхуд ватан олдидаги бурч, масъулиятни ҳис қилиш, хукмдорларнинг бепарволиги халқни ёмон ҳолатга олиб келишини қуидаги ибратомуз фикр орқали ифодалайди: “*Аллақандай ердаги ҳоқонлик халққа сўк бўлса, нима ғами бўлар эди*” (Тўн. 56-57-б)

Қадимий мақолларда дастлаб ғоявий хулоса охиригача аниқ берилмаган ва кейинчалик мақолнинг кўчма маъноси ҳамда иккинчи қисми юзага келган.

Инсоният тафаккури ривожланган сари қадимги мақоллар семантикаси фикр формуласи шаклида нутқда фаол қўлланила берган. Натижада мақоллар орқали энг қимматли фикр келажак авлодга қолдирилган. Ёки бунинг акси ўлароқ қадимги мақолда билдирилган семантик маъно кейинчалик шунга маънодош, яъни синоним мақолларнинг вужудга келишига асос бўлганлигини кузатиш мумкин.

Халқ оғзаки ижодини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этишда уларнинг тарихий асосларини ўрганиш яхши самара бериши академик В.М.Жирмунский томонидан аниқланган. Ушбу тадқиқот усули фольклорнинг ҳамма жанрлари қатори мақолларга ҳам тегишлидир.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг типологик хусусиятлари масаласи аввал икки халқнинг этногенетик жараёнига эътибор беришимизни тақозо этади. Бу икки халқнинг келиб чиқиши ва илдизи бир туркий халқлардан эканлиги тарихдан маълум. Ўз-ўзидан англашиладики, уларнинг оғзаки ижоди ҳам умумтуркий фольклор анъаналарига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам ўзбек ва қирғиз халқ паремиологик хазинасида жуда кўплаб ўхаш мақоллар мавжуд. Бу халқлар ўртасида тарқалган ўхаш мақоллар этник бирлик даврида яратилганлигидан далолат беради.

Ибтидоий инсоннинг онги энг оддий ҳолатда бўлганлиги сабабли сўзларни, айниқса, оҳанг билан айтилиши ишнинг ритмига боғлиқ бўлса, меҳнатни енгиллатишга ёрдам бўлади, деган ишончни уйғотган. Аммо синкретизм хукмронлик қилган бу вақтда сўзнинг семантик томони иккиласми аҳамият касб этиб, ритм ва товушнинг турлича бўлиб чиқсан мусиқавий оҳангни асосий рол ўйнаган эди. Инсоннинг ҳаётний тажрибалари, кузатишлари ва ақл-идроқининг тобора ўсиб бориши натижасида сўзларнинг семантик жиҳатига эътибор қаратилиши кучайди. Ҳаётнинг аста-секин ривожлана бориши, синкретизмнинг, аникроқ айтганда, биргина одамнинг, бастакорнинг, раққосанинг, шоирнинг ўз ижодий йўналиши бўйича ажрала бошлашига олиб келди. “Қиёсий-тарихий метод намояндаси А.Н.Веселовский поэтик жанрлар эволюциясини ўрганар экан, диққатни поэзиянинг ибтидоий шаклларига қаратди ва унинг дастлабки кўринишлари синкретик (қоришиқ) ҳолатда бўлганлигини исботлаб кўрсатди. У илк поэзия намуналарининг реал ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қилди. Кейинчалик эса тараққиётнинг ва поэтик таффакурнинг аста-секин ривожланиши натижасида поэтик жанрларнинг дифференцияси бошланди”.

Инсонлар кейинрок ўз бошларидан ўтказган қайғусини, қувончини, ҳаётнинг турли жиҳатларига нисбатан фикрини қисқа назм шаклида ва маълум бир

воқеаларни ўзига сингдирган сюжетли, ҳажмли асарларда, тарбиявий маъноси кучли ва ихчам асарларда ёритган. Шундай қилиб лирик, эпик, дидактик асарлар пайдо бўла бошлади. Дидактик асарлар орасида ҳаётнинг кўп қиррали кўринишларини акс эттирган, одамзотнинг ақл-идроқини ёрқин ифода этган “инсон фикрининг, ақл-заковатининг энциклопедияси” дейишга арзирлик жанр – бу мақолдир. Мақолларни шунинг учун ҳам ҳавас билан “нутқнинг гули”, “одам фикрининг қаймоғи”, “сўз гилами” деб атайдилар. Ушбу хулосалар мақолларнинг шаклига бўлган ҳайратдан эмас, балки ғоявий жиҳатдан унинг асосида ҳаётнинг ўзи – ҳақиқат борлиги сабабли айтилгандир.

Лекин ҳақиқат мақолларда жонсиз, натурал ҳолатда эмас, балки инсоннинг ушбу ҳақиқатга нисбатан тушунчаси, муносабати, фикри тажрибалар асосида яралган хулосаси сифатида кўрсатилади.

Инсонлар ҳаётнинг оддийгина кузатувчи эмас, унинг қайта яратувчиси ва фаол курашувчи эмас, унинг ҳамдир. Уларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари кундалик тажрибаларида тасдиқланади, аниқланади ва бойитилаверади.

Масалан, ўзбек халқининг орасида кенг тарқалган: “Ўтни ковласанг ўчар...” мақоли қирғиз халқида ҳам “*Отту чукусаң очёт...*” шаклида мавжуд. Ушбу мақол мазкур жанрнинг энг қадимги намуналаридан биридир. Тарихдан маълумки, ўрта палеолит даврида Ўрта Осиё худудларида шимолдан улкан музлик силжиб келиши натижасида олов кашф этилган. Одамлар ўчоқлар атрофларида тўпланиб, ибтидоий турар-жойларга асос солганлар. Палеолит даврида ибтидоий пода давридан уруғчилик тузумига ўтилди. Одамлар орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди. Бу билан биз мазкур мақол айнан шу даврнинг маҳсули деган аниқ замон чегарасини қўйиши фикридан йироқмиз. Чунки, “битта мақолнинг пайдо бўлиши, айниқса, халқ оммаси томонидан тан олиниб, оммалашиши учун бир неча авлодлар умри озлик қиласи”¹. Лекин ушбу мақол инсон олов ҳосил қилишни билган, ўрганган ва оловга сифинган даврда пайдо бўла бошлаганлиги ва шу жараён билан бевосита боғлиқлиги кўриниб турибди. Инсонларнинг атроф-муҳит ва табиат ҳодисалари билан илк бор учрашувлари, уларнинг қадимий тушунчалари,

¹ Мадаев О. Мақоллар оламида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1984. –б 3.

хулосалари ва табулар эвазига пайдо бўлган мақоллар энг қадимий саналади. Гарчи, мақол ижтимоий-тариҳий асосда вужудга келган бўлса-да, халқнинг ҳаётий тажрибасида қайта-қайта тасдиқланмаганида оммалашмаган бўлар эди. Ушбу мақол эволюцияси ўзбек ва қирғиз халқлари этник жиҳатдан бир халқ бўлиб яшаган даврда амалга ошган деган гипотезага олиб келади. Мақолнинг параллел қўйилган иккинчи компоненти ана шундай фикрга асос бўлади. Яъни, “*Оловга тегсанг, ўчар, қўшинингга тегсанг, қўчар*”.¹ Қирғиз халқида ҳам ушбу мақол айнан мавжуд: “*Отту чукусаң өчөт, коңишуну чукусаң қөчөт*”.² Мақолда ифодаланган ўринли фикр ижтимоий-ҳаётий тажрибада синалиб, узоқ давр муомалада пишиб, сайқалланди ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Инсонларнинг узоқ йиллар давомидаги амалий ҳаёти аксиома каби аниқ хулосаларни берди.

Мақолнинг пайдо бўлиши ўша мақолни яратган халқнинг яшаш шароитларига, турмуш тарзига ва унинг менталитетидаги психологик хусусиятларига боғлиқдир. Тариҳий маълумотларга қараганда, Ўрта Осиёда палеолит давридан сўнг мезолит даври бошланган. Мезолит даври қуроллари палеолитга нисбатан ихчамлилиги ва сифатлилиги билан фарқланиб турган. Бу давр одамлари асосан овчилик ва термачилик хўжалигини юритганлар. Ушбу даврга келиб музлик яна шимолга қайтган. Инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама ўқ-ёйни кашф этган. М.Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида келтирилган “*Қуруқ йигач эгилмас, қурлиши кириши тугулмас*”³ мақоли ана шу давр маҳсулидир. Маъноси “*Қуруқ ёғоч эгилмайди, қуриган новда боғланмайди*” тарзида изоҳланадиган бу мақол ўз маъносига кўра инсон ов қилиши учун камон ва ёйни ясаш жараёнига бевосита боғлиқ ҳолда юзага келган. Яъни камон ва ёй тайёрлаш учун кесилган дарахт ўз вақтида ишлатилмаганлиги сабабли, уни эгиш ва қобиғидан ип эшиш, ип учларини боғлаш мумкин бўлмай қолди. Шунда кўп бор ҳаётий синовдан ўтган мазкур тажриба тўғрисидаги ушбу ҳақиқат аниқ хулоса шаклида мақолда акс эттирилган.

¹ Ўзбек халқ мақоллари .Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсоқов; Масъул мухаррир Ш.Турдимов. Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 252

² Киргизско-русские пословицы, поговорки и изречения // Составил и перевел Сыргабек Шамбаев. – Фрунзе: Мектеп, 1979. – С. 242.

³ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. 1 том. – Тошкент: Фан., 1963. –Б. 206.

Мақол ҳозирги кунда кўчма маънода, яъни мазмунига кўра одоб ва тарбия мавзусида қўлланилади.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луготит-турк” асарида туркий сўзларга изоҳ бериш мақсадида келтирган мақоллари орасида “қабилаларнинг жуда қадимги патриархал ҳаёти, ибтидоий жамоа қолдиқлари, табиат ҳодисалариға нисбатан примитив (энг оддий, дастлабки энг содда) қарашлар ифодаланади”.¹ Мисол тариқасида “Буздан сув тамар” (яъни “Муздан албатта сув томар”)², “Бии эранак туз эрмас” (яъни “Беши қўл баробар эмас”)³, “Тиклагинча ўнмас – тиламагинча болмас” (“Экилмагунча ҳосил унмайди”)⁴ мақолларини келтириш мумкин. Кўриниб турганидек, қадимиј аждодларимиз муздан сув томишини, беш қўл баробар эмаслигини, экилмагунча ҳосил бўлмаслигини кузатганлар.

Ўрта Осиё тарихида мезолит даврининг охирлариға келиб, қабилалар дастлабки уй чорвачилиги билан шуғулланиб, ҳайвонларни хонакилаштиришни бошлаганлар. Халқ ўз бошидан кечирган ҳаётининг изларини мақолларда ёритган. Масалан, қадим-қадимдан туркий халқлар ҳаётида от асосий ўринни эгаллаган. Шунинг учун ҳам улар яратган мақолларнинг асосий қаҳрамони от ҳисобланган. Сабаби, Ўрта Осиё халқлари отга сифиниш даврини бошдан кечирганлар. Чунки отнинг ҳаётдаги ўрни бекиёс бўлиб, у ҳаракат воситасигина эмас, балки ёлидан арғамчилар ясалган, турмуш учун керакли турли хил буюмлар от терисидан тайёрланган. Эгарнинг кашф этилиши эса қадимиј кўчманчилар ҳаётида чинакам техник инқилоб бўлган. Оқибатда маданиятнинг ривожланиши жараёни тезлашган, чопқир отлар туфайли кўчманчиларнинг олисроқ ҳудудларга доир географик билимлари кенгайиб, турли жойларда яшовчи аҳоли билан алоқалар ўрнатила бошлаган. Шунинг учун ҳам туркий халқларнинг от образи билан боғлиқ мақоллари жуда кўп. Шуни ҳам айтиш жоизки, ўзбек ва қирғиз халқлари мақоллари орасида от образига бағишлиланган ўхшашиб мақолларни кўплаб топиш мумкин. Уларда жанговар от, жангчи, отни шарафлаш, унинг асосий ҳаракат воситаси, наслни давом эттириш

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб – Тошкент: Ўқитувчи, 1976 . –Б. 106.

² Маҳмуд Кошғарий. Девони луготит-турк. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи ф.ф.н С.М.Муталибов. З-том. – Тошкент. Фан, 1963. –Б. 134.

³ Маҳмуд Кошғарий. Девони луготит-турк. Уч томлик 1-том. – Тошкент:Фан, 1960. –Б. 229.

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Девони луготит-турк. Уч томлик 2-том. – Тошкент: Фан, 1961. –Б. 28.

каби архаик мотивлар билан бирга инсоннинг феъл-автори, ижтимоий ахволи, авлодлар алмашуви ҳақидаги мақоллар мавжуд.

Масалан, ўзбек фольклоридаги “*От – одамнинг қаноти*” мақоли, қирғиз халқида “*Ат – адамдын канаты*” шаклида кенг тарқалган. Барчамиз билган ва икки халқдаги айнан ўхшаш бу мақол ҳозирги кунда фаоллигини йўқотган. Чунки, ушбу мақол пайдо бўлган даврга нисбатан отдан фойдаланиш камайган. Бугунги кунда ўзбек халқида яйловли, тоғли худудларда ёки чорвачилик соҳасида ва улок ўйинларида гина от минилади.

Ушбу мақолнинг “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламида “*От – йигитнинг ўйлдоши*”, “*От – йигитнинг қаноти*”¹ каби вариантларида берилган. Академик К.К.Юдахин томонидан тузилган “Қирғиз халқ мақол ва маталлари”² хамда С.Шамбаевнинг юқорида қайд этилган тўпламида эса “*Ат – эрдин канаты*”³ тарзидаги варианти келтирилган. Яна бошқа қирғиз халқининг мақоллар тўпламларида айнан ушбу мақолларнинг бошқа вариантлари ҳам мавжуд: масалан, “*Ат – адамдын канаты, аш – адамдын кубаты*”⁴, “*Ат – адамдын канаты, сөз чечендин канаты*”⁵. Мазкур мақолнинг Хитойда яшовчи қирғиз халқи томонидан яратилган вариантининг иккинчи компоненти қирғиз халқи томонидан яратилган мақолдагидан ўзгача. Демак, хулоса сифатида келтирганимиз – гипотеза ҳақиқатга яқинроқ. Чиндан ҳам кўплаб мақоллар туркий халқларнинг ажралиб чиқиб, алоҳида этнос сифатида шаклланиши жараёнларида пайдо бўлди.

Неолит даврига келиб, қадимги қабилалар ҳаётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлади. Бу давр одамлари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўллар бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиқиб, балиқчилик, овчилик, дехқончилик ва чорвачилик ҳамда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Энг катта ютуқлардан бири кулолчиликнинг пайдо бўлишидир.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т. Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсоқов ; Масъул мухаррир Ш.Турдимов. – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 471.

² Пословицы и поговорки кыргызского народа. Из собрания академика К.К. Юдахина. Фонд «Сорос Кыргызстан» Бишкек, 1997. -С. 27.

³ Киргизско-русские пословицы, поговорки и изречения. Составил и перевел Сыргабек Шамбаев. – Фрунзе: Мектеп., 1979. -С.58.

⁴ Кыргыз макал-лакаптары жана учкул сөздөр. Бишкек, 2002. -Б.290.

⁵ Кытайдагы кыргыз эл макал-лакаптары. Экология жана жаратылышты пайдалануу институту. -Бишкек,2004. –Б.17.

Шунингдек, бу даврга келиб тўқимачилик ва қайиқсозлик ҳам пайдо бўлади. Масалан, қўйидаги мақолни келтириш ўринли: “*Балиқнинг ўзи сувда, кўзи четда*”(ДЛТ - Девони луғотит-турк китобидан).

Мақолларнинг пайдо бўлишида ўша халқнинг ҳаёт тарзи, географик жойлашиши, этнографияси катта аҳамият касб этади. Шундай бўлса-да, инсонларнинг турли миллатлардан эканлигидан қатъий назар ҳаётий тажрибаларида умумийлик мавжуддир. Бу умумийликни биз дунёнинг объектив ҳолатидан кўрамиз. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари орасидаги ўхшашликлар ана ўша объектив тажрибанинг асосида, инсонларнинг ҳаётга нисбатан муносабатларининг умумийлиги ва биргаликда яшаш, ўзаро алоқалар сабабли бир даврнинг ўзида ёки турли даврда бир хил мазмундаги мақоллар яралишига олиб келади. Типологик ўхшашликлар билан бир каторда фарқли жиҳатлар борлиги эса юқорида тасдиқланганидек, халқнинг ҳаёт тарзи, географик жойлашиши, этнографиясига боғлиқ кўринишdir.

Мақолларнинг тарихий асосини аниқлаш билан бирга уларни семантик томондан ўрганишда диалектик принципга таянган ҳолда тадқиқ этиш эса бугунги кунда фольклоршунослик олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбек ва қирғиз халқлари тарихи муштарак, келиб чиқиши ва илдизи бир туркий халқлардир. Чунки, бу икки халқнинг аждодлари узоқ даврлар мобайнида тарихий тараққиёт йўлининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий каби бадиий ижодиётида ҳам кўплаб параллел ва ўхшаш жиҳатларни юзага келтирди.

Аммо муайян бадиий асарнинг вужудга келишида ўша халқнинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий шароити муҳим роль ўйнайди. Хусусан, мақолларда ўша халқнинг ўз бошидан кечирган ҳаёти давомида чиқарган муҳим хулосалари ўз аксини топади. Мақоллар – аждодларимизнинг бой мероси, халқнинг босиб ўтган ҳаётий йўлини кўрсатувчи этнографик материалгина эмас, балки ёшларга тўғри йўл кўрсатувчи асар ҳамдир. Мақоллар инсон турмушининг барча кўринишларини кенг тарзда қамраб олади. Шунинг учун ҳам мақоллардек тематикаси бой жанрни топиш қийин.

Масалан, ўзбек ва қирғиз халқларининг паремиологик хазинасида биргина юқорида тўхтаб ўтилган от образини олсак, у ҳар бир мақолда ўзига хос оригинал ғояни ифодалашда хизмат қиласди. Шу боис, Т.Мирзаев, А.Мусакулов, Б.Саримсақовлар томонидан тузилган “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламидаги 70 мавзу ичидан образига боғлиқ мақолларни кўплаб учратамиз.

Туркий тилнинг нозик билимдони Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотиттурк” асарида от билан алоқадор 800 та сўз ишлатилади. Масалан:

Ат – от: *Қуш қанатин, эр атин* – “**Қуш қаноти билан, эр оти билан**”;

улук – от курагининг олд қисми: *Улук йағири оғулқа қалир* –

“**От курагидаги яғир болаларига мерос бўлиб қолади**”;

ала – ола, оқ: *Киши аласи ичтин, йилқи аласи таштин* –

“**Одамнинг оласи ичидা , йилқиники ташида**”;

излик – туркий халқларнинг ҳайвон терисидан ясалган чориғи:

Излик болса эр олдимас, ичлик болса ат йағримас –

“**Чориқ бўлса, одамнинг оёғи оғримайди, тўқим бўлса, от яғир бўлмайди**”;

арпа – арпа : *Арпасиз ат ашулас, арқасиз алп чэрик сийумас* –

“**Арпасиз от қир ошолмайди, ёрдамчисиз йигит жангда енга олмайди**”;

иқилач – шўх учқур от:

Алп эриг йавритма, иқилач арқасин йағримас –

“**Ботирларни ранжитма, учқур от орқасини яғир қилма**”;

ататти – от бўлди: *тай ататти – той от бўлди*:

Тай ататса, ат тинур, Оғул эразса ата тинур –

“**Той улғайса, от тинади, ўғил ўсса, ота тинади**”. Бундан кўринадики, қадимий турклар ҳаётида от муҳим ўрин тутган.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида ижтимоий ҳаёт, маданий омиллар, географик реалиялар ва табиат тасвири

Халқ оғзаки поэтик ижодида миллий-маданий мазмун, табиат хусусиятлари иқтисодий-маиший ҳаётнинг қирралари, давлатнинг ижтимоий тузилиши, халқ тарихи ва одатлари муҳим ҳисобланади. Мақол ва маталлар кўп асрлик тараққиёт натижаси сифатида ижтимоий турмуш ҳақида ахборот қайд этади ва уни авлоддан авлодга узатади. Шу боис, мақоллар коммуникация воситасигина эмас, балки турли муайян ижтимоий ахборотлар манбаи сифатида ҳам муҳим.

Ўзбек ва қирғиз халқида дәҳқончилик, чорвачилик, зироатчилик, боғдорчилик, йил фасллари, табиат ҳодисалари каби мавзуларда мақоллар яратилган. Маълумки, туркий халқлар қадимда кўчманчи тарзида ҳаёт кечирган. Шу боис, ҳам бу халқларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари таркибида чорвачилик ва дәҳқончилик мавзусига оид фикрлар бир мақолнинг ўзида учраши характерлидир. Масалан, ўзбек халқ мақоли:

Деҳқон – ер султони,

Чўпон – яйлов султони.

Мазкур мақолнинг биринчи компоненти дәҳқон ер эгаси эканини, иккинчи компоненти эса чўпон яйлов эгаси эканлигини англатмоқда.

Қирғиз халқ оғзаки ижодида ҳам чорвачилик ва дәҳқончилик мавзусидаги мақоллар талайгина учрайди:

Дыйкан болсоң башында бол,

Чарба болсоң кашында бол, – шаклидаги қирғиз мақолининг айнан шу варианти ўзбек халқида ҳам мавжуд:

Деҳқон бўлсанг, рошида бўл,

Чўпон бўлсанг – қошида.

ёки: *Деҳқон бўлсанг, қошида,*

Сипоҳ бўлсанг, бошида.

Бундай мақолларнинг пайдо бўлиши туркий халқлар, жумладан, ўзбек ва қирғиз халқларининг қадимиј яшаш тарзидаги муштараклик билан боғлиқ. Манбаларда келтирилишича, “Евроосиё чўлларида эрамизгача 1-минг йилликнинг

бошида кўчманчи чорвадор қабилалар пайдо бўлган. Улар Қора Денгиз яқини атрофлари ва Марказий Осиё ҳудудларида ўзларининг чорва моллари ва йилқилари билан секин аста кўчиб юрганлар. Яшаш тарзи ва маънавий дунёқарashi муқим яшайдиган халқлардан кескин ажралиб турган”¹.

Қайд этиш ўринлики, асосий машғулоти чорвачилик бўлгани сабаб, бу қабилалар жойдан-жойга кўчиб юриб, чорва ҳайвонлари учун серўт бўлган ҳудудларда истиқомат қилганлар. Айтиш мумкинки, чорвачилик билан боғлик мақоллар ана шундай ижтимоий-тарихий давр ва муҳитда яратилган.

Чорвачилик мавзусидаги мақоллар таркибида асосий чорва ҳайвони қўй эканлиги маълум бўлади. Масалан:

Эчки боққан чорвадор бўлмас,

Шафтоли эккан – боғбон.

Ёки: *Кўйни қўй,*

Эчкини сўй, – каби мақоллар фикримиз далилидир.

Кўчманчи тарзида яшаган қадимги туркийлар чорва молларидан гўшт, сут, ёғ, тери, мато учун юнг, умуман ҳаёт учун зарур нарсалар егулик, кийим, оёқ кийим, турар жой учун айрим нарсалар, маҳсулотлар олганлар.

Юнг оламан десанг, жайдари,

Бой бўламан десанг, ҳисори, – сингари ўзбек мақолида жайдари қўйдан юнг олиш ва гўшт-ёғни яхшироқ олиш учун ҳисори қўй дуруст экани таъкидланган.

Тарихнинг илк формациясида яшаган қадимги аждодларимиз табиатдаги мавжуд нарсаларни тановул этган бўлсалар, олов, меҳнат қуроллари кашф этилгач, меҳнатнинг, турли кўринишлари юзага келган.

Меҳнатга бўлган муносабат халқнинг бадиий меросида ҳам ўз аксини топган. Турли табиий шароитларда меҳнат фаолияти олиб борган аждодларимизнинг дунёқарashiда табиат ҳодисалари, талофат, офат ва бошқаларга ҳам муносабат пайдо бўлган. Асосан чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланган аждодларимиз ҳаётдаги кузатувлари ва олган билимлари асосида ўз қарашларини мақолларда акс эттирган. Масалан, “*Уруғ эксанг намга эк, Намга экмасанг, томга эк*” мақолида ерга

¹ Всемирная история. Энциклопедия. 15-томах. 1-том. – Москва: Аванта+, 1995. – С. 210.

қадалган уруғ сув билан кўкариб чиқиши жараёни кузатилгач, мазкур хулоса чиқарилган дейиш мумкин. Намли ерга экилмаган уруғ унмагани сингари, мақолнинг иккинчи компонентида киноя қилиб “томга эккан билан тенг бўлади” деган мазмун ифодаланган.

Қадимги аждодларимиз ибтидоий формация босқичидан бошлаб табиий шароит ва географик муҳитга мослаша борганлар ҳамда хўжалик-маданий типларни яратганлар. Бу ҳолат маҳаллий элатларнинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. “...табиий шароитнинг таъсири белгиларини этник маданиятнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқариш воситаларидан, айниқса меҳнат қуролларидан бошлаб майший турмуш буюмлари ва ҳатто элатларнинг номларигача сезиш мумкин”¹. Табиий иқлимга қараб одамларнинг тураг жойлари ва уй қурилиши, кийим-кечаклари ва рўзгор буюмлари, қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, алоқа воситалари хусусиятларини аниқлаш мумкинлиги ҳам элшунослар томонидан эътироф этилади.

Дехқончилик ва чорвачиликни тенг олиб борган халқимизда бу икки соҳа хақидаги фикрлар мақолларда ҳам баббаробар ифода этилган:

Ер – дехқон ҳазинаси.

Қирғиз мақоли: *Дыйканга жер казына*

Ёки: *Ер бойлиги – эл бойлиги.*

Қирғиз мақолида: *Жер байлығы – эл байлығы.*

Ер – ҳазина, сув – гавҳар.

Қирғиз мақолида: *Жер – казына, суу – алтын.*

Ер тўймагунча, эл тўймас.

Қирғиз мақолида: *Жер тойбой – эл тойбойт.*

Қўй семизи – қўйчидан.

Қирғиз мақолида: *Кой семизи – койчудан.*

Экин эккан текин ер.

Қирғиз мақолида: *Эксен эгин, ичерсиң тегин.*

¹ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи., 1994. --Б. 89.

Айрим мақолларнинг мазмуни муайян ҳудудда яратилганидан дарак беради. Чунки географик шароит нуқтаи назаридан ҳам мақоллар ижод этилган. Масалан, “Ер ҳайдасанг куз ҳайдада, Куз ҳайдамасанг юз ҳайдада” мақоли Хоразм воҳаси табиий шароитига тўғри келмайди. Чунки воҳанинг географик тузилиши кузда ер ҳайдалишини тақозо этмайди.

Ўзбек халқ мақолида “Ери семизнинг – эли семиз” дейилади.

Қирғиз мақолида эса: “Жер семизи – мал семизи”. Ушбу мақолда ҳам маконнинг географик тузилишига эътибор бериш мумкин. Қирғизистон ҳудудлари тоғли ва яйловли ерлардан иборат, бу яйловларда чорва моллари боқилади. Ўзбекистон ҳудудларида ер майдонларида эса, боғдорчилик, сабзавотчилик, пахтачилик каби турли дехқончиликнинг соҳалари ривожланган. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ мақолида ер элни боқиши назарда тутилган. Чунки ернинг семизи - ўғитлар билан тўйинган ер ҳисобланади. Албатта ер мўл ҳосил ғаровидир.

Дехқончилик, чорвачилик ва йил фасллари мавзусидаги мақоллар таҳлилида улар асосан ўз маъносида қўлланиши кузатилади.

Ўзбек мақолларидан:

Сув – зар, сувчи – заргар.

Ёки: *Сув келди – нур келди.*

Ёхуд: *Сув – гўзанинг жони,*

Ўғит – унинг дармони, – кабилар ўз маъносида ишлатилади.

Қирғиз мақолларидан:

Суу канық – эгиндин даны толук.

Ёки: *Суу менен жер көгөрөт,*

Эл менен эр көгөрөт.

Ёхуд: *Сууну көп кечсе, чалчық болот,*

Сөздү көп сүйлөсө, тантық болот, – кабилар ҳам ўз маъносида ишлатилади.

Сув билан боғлиқ айрим мақоллар эса дастлаб ўз маъносида қўлланган бўлса, кейинчалик кўчма маънода ишлатилган. Масалан,

Ўзбек мақоли: *Сув бошидан тозаланади.*

Ёки “*Сув бошидан лойқа*”, – кабилар ҳам учрайди.

Қирғиз мақоли: *Сүү башинаң тунат.*

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида муштараклари билан бир қаторда ўхшашы йўқ мақоллар ҳам учрайди. Масалан, ўзбек халқининг “*Кориз суви – жон суви*” мақоли қирғиз халқида учрамайди.

Ўзбек халқи туркий халқлар орасида биринчи бўлиб ўтроқлашган. “Ўтроқлашишнинг отаси ҳам, онаси ҳам дехқончиликдир”¹, - деб ёзади ёзувчи А.Иброҳимов.

Дехқончилик қилиш учун ер илмини билиш, суғориш тизимларини яратиш зарур бўлган. Шу боис, мақолларда ҳам сув ва суғориш ишлари билан боғлиқ масалалар кенг қўламда ифода этилган. Ўзбекистонда қадимдан катта меҳнат ва ер шароитини чуқур билишни талаб қиласидиган кориз зироатчилиги сақланиб келган². Сув дехқончилик учун асосий зарурий эҳтиёж бўлганлиги боис халқимиз кориз ҳақида ўзига хос ташбех билан: “*Кориз суви – жон суви*” мақолини яратган. Мазкур мақолнинг яратилишида географик шароит муҳим. Ўрта Осиё худудларида текислик, пасттекислик ер сатҳларидан ташқари тепалик, адир сингари рельефи унча баланд бўлмаган жойларга ҳам экин экилган. Бундай ерларга юқори сатҳдан сув келиши ёки ёғингарчилик асосида суғориш ишлари режалаштирилган. Бошқа вақтларда эса юқорига пастдан сув чиқариш керак бўлган. Кориз ана шундай сувни юқорига чиқариш усули бўлиб, халқимиз уни танага ҳаёт бағишловчи жонга қиёслаган. Қирғиз халқида эса кориз суви билан боғлиқ мақолни учратмадик.

Қирғиз халқ мақолларидан “*Кой берекеси жұнұндо, адам берекеси үйүндо*”(маъноси: Кўй баракаси юнгидан, одам баракаси уйидан), “*Койду ала қыркса, жұнудын берекеси болбойт*”(Кўйни ола қирқса, юнгнинг баракаси бўлмайди) каби мақолларни эса ўзбек халқ мақоллари тўпламларидан учратмадик. ўзига хосликлар ўзбек ва қирғиз халқларининг ижтимоий ҳаётига, шуғилланган меҳнат фаолиятларига боғлиқдир. Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида айнан ўхшаш ҳамда аналогик хусусиятларга эга бўлган мақоллар жуда кўп бўлишига қарамай, айрим бири-бирида учрамаган мақоллари ҳам мавжуд.

¹ Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... - Тошкент: “Шарқ”, 2001, –Б. 12.

² Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. –Б. 30.

Урф-одат, удум, маросим ва миллий анъаналар билин боғлиқ муштарак мақоллар

Ўтмишда ўзбек халқининг майший турмуши, ижтимоий ҳаёти, ўзига хос маданияти мақолларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек халқ мақолларида бўлгани сингари қирғиз халқ мақолларида ҳам шу халқнинг турмуш тарзи, этник тарихи, маросим ва анъаналари намоён бўлади. Чунончи, “урф-одат ва маросимлар узок аждодларимизнинг эътиқодий тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда барқарор анъаналар тарзида яшаб келади ва улар ҳар бир даврда кишиларни ўз таъсирига олишга интилади”¹.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, маросимлари, анъаналари мавжуд бўлади. Мақолларда акс этадиган урф-одат, анъана ва маросим белгилари миллийликни ҳам ўзида зухур этади. Шарқ халқлари маданиятига хос урф-одатлардан бири саломлашишдир. Бундай урф-одат бошқа халқлар, айниқса, ғарб халқларидан тубдан фарқланади.

Каттага салом бер,

Кичикка – қалом.

Ўзбек халқ мақолида катталарга кичиклар салом бериши анъанавий урф-одатнинг бажарилиши шарт бўлган қоида эканлиги англашилади. Қирғиз халқининг “Саламсыз кирген уят, жсоопсуз чыккан уят” (яъни: “Саломсиз кирган уят, жсавобсиз чиқкан уят”) мақолида ҳам шу мазмун ифодаланган. «Кичүусундө салам жсок, улуусунда алик жсок» (маъноси: “Кичигида салом йўқ, каттасида алик йўқ”) мақолида эса, гарчи у кинояли тарзда айтилган бўлса-да, салом-алик катта ва кичикларга фарз эканлиги англашилади.

Ўзбек халқида “Салом ҳам – фарз, алик ҳам – фарз” каби мазмунда мақол учрайди. Бу эса салом ҳам алик ҳам бажарилиши лозим бўлган урф-одатлар сирасига кирувчи ҳатти-ҳаракат эканини кўрсатади.

¹ Саримсоков-б ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан., 1986. –Б. 4.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг айримларини маросим, урф-одат ва маълум бир анъаналар натижасида пайдо бўлган дейиш мумкин. Маросимларни ўтказиш, албатта, сўз, ҳатти-ҳаракат воситасида амалга ошган.

Мақоллар мазмунидан ҳам муайян урф-одатга ишорани ёхуд маросим жараёнининг қайсиdir вақтида айтилганини сезиш қийин эмас. Масалан,

Азиз момо олти кун,

Қалтираса – қатти кун,

Сакранса – саккиз кун,

Тўқранса – тўққиз кун,

Ўқранса – ўн кун.

Ёки “*Азиз бўлмай мазиз бўлмас*”, “*Азиз момо олти кун, қаҳри келса, қаттиқ кун*”, “*Аямажуз олти кун – олти ой қишидан қаттиқ кун*”, – каби мақоллар мавжуд. Мазкур мақолларда қадимги туркий халқларнинг космогоник қарашлари ўз аксини топган. Мақолда кўлланган Азиз момо ҳакида афсона бўлиб, фольклоршунос-Б.Саримсоқов бу хусусида қуидагиларни ёзади: “Киш фаслининг тўқсон деб аталадиган ҳар бир куни шу кампир (Аёз момо – М.Т) ўғлонларининг бири билан боғланган эмиш. Агар қиши яхши келиб, тўқсон кунлари ҳаво иссиқ бўлса, Азиз момонинг қаҳри келиб, қишининг охирги олти куни, яъни Аямажуз кунлари (бу муддат аҳман-даҳман, хезим-хирмон пайтларини ўз ичига олиб, 13-19 март кунларига тўғри келади) қаттиқ совуқ бўлади ва Аёз момо тўқсон ўғлига қараб “Тўқсон, тўқсонинг ҳам менинг бир кунимча йўқсан”, – деб айтар эмиш”¹.

Аёз момо билан боғлик мақолларнинг яратилиши ҳақида шуни айтиш мумкинки, қадимдан туркий халқлар табиат ҳодисаларини кузатиб борганлар, ундаги ўзгаришларга муносабат билдирганлар, муайян кунлар ҳақида башоратомуз фикрларни ифода этишган. Демак, уларнинг астрономик билимлари даражаси ҳақида маълум бир хулосаларни ушбу мақоллар орқали олишимиз мумкин.

Маълумки, шарқда, хусусан туркий халқларда инсоннинг одоб-ахлоқи, маданияти, атрофидагилар билан муомала-муносабатига алоҳида эътибор берилган.

¹ Саримсоқов-б ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан., 1986. –Б. 84-85.

Шу боис ҳам, жаҳон маданияти ва педагогикаси доирасида “шарқ одоби” деган тушунча мавжуд.

Одоб-ахлоқ ҳақидаги қараашлар, жамият ўртасидаги удум ва одатлар ўзбек ва қирғиз мақолларида акс этади. Масалан, “*Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма*” мақолида отанинг табаррук зотлиги, у ўтирган уй томига чиқиш, худди унинг боши устида юрган билан тенг гуноҳ ҳисобланган. Қирғиз халқ мақолида юқоридаги ўзбек халқ мақолининг айнан ўзи учрамаса-да, “*Атанаын кадырын билбеген баланын башы кор болот*” (“Ота қадрини билмаган бола хор бўлар”) ёки “*Атанаын карғышы балага оқ, ёрттөп ийчү чок*” (“*Ота қарғиши болага ўқ, ёндирувчи чўғ мисол*”) каби мақоллар мавжуд. Ҳар икки халқ мақолларида ҳам ота улуғланади, отага ҳурмат, эҳтиром, эъзозлаш, қадрини билиш, ота қарғишидан сақланиш каби тарбиявий насиҳатлар уқтирилади.

Туркий халқларда, хусусан, ўзбек ва қирғиз халқларида оила аъзоларининг ота келгач овқатланиши, ота бўлмаса овқатга қўл урмаслик, ота-онага ҳар доим ҳурмат, илтифот кўрсатиш, катталар келаётганда ўриндан туриш, улардан аввал салом бериш, ҳурмат бажо келтириш, кичикларга меҳрибонлик кўрсатиш кабилар ҳам урф-одатлар тизимиға киради. Бу урф-одат, удум ва маросимлар туркий халқларда узок асрлардан буён анъана бўлиб келмоқда. Халқ қабул қилган ва амал қилган анъаналарни сунъий равишда йўқ қилиб бўлмайди. Чунки “анъана шаклига кирган урф-одатлар асрлар давомида яшаб, кишиларнинг ахлоқий нормалариға айланиб, уларнинг қон-қонига сингиб кетган”¹.

Мақолларда акс этган урф-одат ва маросимларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлиб, урф-одатларнинг баъзилари жамият ҳаётининг тараққиётига кўра ўзгариб боради.

Халқ мақолларида одоб-ахлоқ меъёрлари равshan кўринади. Айниқса, ота ҳақидаги мақоллар Шарқ педагогикасида амал қилиб келинаётган неча асрлик анъаналарнинг яшовчанлигини исботлайди. Ўзбек халқида “*Амри падар – аридан аъло*” мақоли бўлса, қирғизларда: “*Ата сөзү уулга эм*” (“*Ота сўзи ўғилга ақл*”) ёки “*Ата сөзү – алтын, көңул коюп уксаш. Ата сөзүн укпасаң, ажырайсың журтуңан*”

¹ Бўриев О. Холиков Д. Туркона анъана ва удумлар – миллат кўрки. – Тошкент: “Минҳож” саҳоват нашриёти, 1998. Б.3

(“Ота сўзи – олтин, кўнгил кўйиб тингласанг, Ота сўзини тингламасанг, айриласан юртингдан”) маъносидаги мақоллар мавжуд.

Қадимдан Шарқда ота оила бошлиғи, юрт қўриқчиси ҳисобланган. Ўз оиласида раҳбар бўла олмаган ота юртини ўзгалардан ҳимоя қилолмайдиган, бирор жамоада ўз ўрнини тополмайдиган киши ҳисобланган. Шу боис ҳам, отанинг хоҳиш-иродаси оилада қонун сингари ҳамма нарсадан устун қўйилган. Бундан ташқари, ўз оиласида тартиб-интизом ўрнатолган ота эл ичида ҳам ўз ҳурматини топа олган.

Юқоридаги ўзбек ва қирғиз мақоллари бир-биридан фарқли бўлса-да, улар семантик жиҳатдан уйғун. Мақолларнинг семантик мазмун жиҳатидан яқинлиги бу халқларнинг педагогикасида ҳам ўзаро муштараклик борлигини кўрсатади.

Туркий халқлардаги миллий урф-одатларни таҳлил этган тадқиқотчилар оилада отанинг ўрнини шундай кўрсатадилар: “Оилада ота сўзи қонун каби бажарилган ва бажарилиши шарт бўлган. Болалар катталарни ҳурмати учун ўрнидан туриб салом бериши, қўлига сув қувиши, овқатни олдин улуғларга узатиш, умуман катталарга иззат-ҳурмат руҳида тарбияланган. Рўзғорда уларга “Бир қўйлак ортиқ кийганини ҳам ҳурмат қил” деган нақл доимо уқтирилган. Ҳатто кейинчалик ўйланган ўғил отасининг рухсатисиз айрим ишларни ўзи бажара олмаган ҳам”¹.

Ўзбек халқидаги “Бош бўлмаган уйда, Отаси туриб ўғли сўзлар” мақоли ҳам оилада отадан аввал ўғилнинг гапириши, сұхбатга аралашиши беодоблик белгиси эканлиги таъкидланади. Чунки шарқона одобга кўра ҳал қилувчи сўзни ота айтган, бирор муҳим масалада ҳам ота қарор қабул қилган ва унга ҳамма бўйсунган.

Қирғиз халқ достони “Манас”да ота ва фарзанд муносабати Шўруқ ва унинг қизи Оқилой диалогида ҳам яққол кўзга ташланади:

“Шўруқ ақлини пешлаб, қизига маслаҳат солди: – Оқилой! Садағанг кетай, қизим! Гапингга кирмай доғда қолдим. Хон энди билган ишини қилади. Болам, “отдан уялсанг, сот, қиздан уялсанг, совғага торт” деган элнинг нақли бор. Сени Манасга тортиқ қилмоқчиман. Шундагина элимизни ўлимдан сақлаб қоласан.

¹ Бўриев О. Холиков Д. Туркона анъана ва удумлар – миллат кўрки. – Т: “Минҳож” саҳоват нашриёти, 1998. –Б. 32.

– Отанинг сўзи бола учун қонун. Мендан ташвиш қилманг. Тадбир – олти, ақл – еттидир”¹.

Оилада қиз болани узатиш, ўғилни уйлантириш борасида ҳам отанинг ихтиёрига кўра иш кўрилган. Чунки ҳамма замонларда ҳам ота-она болага, ўз фарзандига ёмонлик тиламаган. Шу боис, ҳам қирғиз мақолларида: “Ата уулду билет, ат ээсин билет” (“Ота ўғлини билади, от эгасини”), «Ата сыйлаган абийир табат» («Отани сыйлаган обрў топар»), «Аталуу уул – кожолуу кул» («Отали ўғил – хўжали қул»), «Атанаын тилдегени – баласын бил дегени» («Отанинг койигани – боласига бил дегани»), «Ата-эненин кадырын билген уул эл багар» («Ота-онанинг қадрини билган ўғил эл боқар») дейилади.

Шарқ халқларининг урф-одатларини ўргангандан венгер олим Г.Вамбери шундай таъкидлаган эди: “Ўрта Осиё халқларининг урф-одатларини юксак даражада мақтовга сазовор бўладиган томонлари шуки, улар ўз миллий характеристига эга бўлган ажойиб фазилатларни қатъият билан сақлайдилар”².

Ўзбек оилаларида, шунингдек, қирғиз халқида ҳам фарзанд тарбиясига катта эътибор берганлар. Ота ҳар икки халқда ҳам азиз, муқаддас инсон ҳисобланади. Гарчи шундай бўлса-да одамга хос фазилатлар одамийлик, инсонпарварлик, халқпарварлик юқори баҳоланади. Масалан, ўзбек халқ мақолида “Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл” дейилса, қирғиз халқида ҳам айнан ушбу мақол учрайди: “Атаңдын баласы болбосоқ да, Адамдын баласы бол”.

Туркий халқларда, хусусан, қирғиз халқида қадим-қадимдан ўз ота-боболари, яъни етти поғона аждодларини билиш шарт бўлган. Кимки ўз аждодларини, етти авлоди кимлигини билмаса уят ҳисобланган. Мақолда “Эл боласи бўлиш” деганда ҳам ўз халқига муносиб, яъни ўтган аждодлари руҳига содик ҳолда яшаш таъкидланади.

Қирғиз халқининг буюк эпоси “Манас”да ота-бола муносабатининг ёритилиши орқали қирғиз оилаларининг урф-одати, маънавий қиёфаси, одоб-ахлоққа қарашлари, тарихга муносабатини англаш мумкин.

¹ Манас. (Тарж. Т. Адашбоев) – Тошкент: Чўлпон нашриёти. 1995. –Б. 102.

² Вамбери Г. Очерки Средней Азии. – Москва, 1868. – С. 296.

Манас: – Отажон! Насл-насабини билмаган киши одам бўлмайди. Менинг етти бобом тўғрисида гапириб беринг. Олотоғдан Олтойга келиб қолишлигимизнинг сабабларини ҳам, – деб отаси Жақипдан сўрайди. Жақип Манасга ота-боболари тарихини сўзлаб беради.

Оилавий-маиший маросимлар фольклори акс этган мақолларда тўй, мотам, ииғи-йўқлов, ёр-ёр, болани бешикка солиш каби жараёнлар кўрсатилади:

Ўзбек халқида: *Тўйга борсанг, бурун бор,*
*Бурун борсанг ўрин бор.*¹

Қирғиз халқида: *Тойго барсаң мурун бар,*
*Мурун барсаң орун бар.*²

Ушбу ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида “тўйга борсанг, бурун бор, бурун борсанг ўрин бор” дея насиҳат қилинаяпти. Чунки барчамизга маълум ўзбек ва қирғиз халқларининг тўйлари кўпчилик билан ўтказилади, меҳмонларнинг охири кўринмайди, бири келиб, бири кетади, шундай ҳолда баъзан меҳмонларни жойлаштиришда хижолатчилик ҳам юзага келади. Ушбу мақолда бундай вазият юзага келмаслиги учун “бурунроқ боришликка” насиҳат қилинмоқда. Ҳар икки халқ мақолида ҳам тўй кўпчилик билан ўтиши урф-одатга айланганлигини кўришимиз мумкин.

Қуйидаги мақолларда эса:

Ўзбек халқида: *Тўйга борсанг, тўйиб бор,*
Тўй тўнингни кийиб бор.
Тўйга борсанг, тўйиб бор,
*Ёмонлигинг қўйиб бор.*³

Қирғиз халқида: *Тойго барсаң тоюп бар,*
Торко тонуң кийип бар.
Тойго барсаң тоюп бар,
*Жамандығың коюп бар.*⁴

¹ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусақулов,-б Саримсоқов. – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б 462.

² Пословицы и поговорки кыргызского народа. Из собрания академика К.К.Юдахина. – Бишкек., 1997. – С.149.

³ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусақулов,-б Саримсоқов. – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 462.

⁴ Кыргыз эл макал-лакаптары. – Бишкек, 2002. –Б. 253.

Маълумки, ўзбек ва қирғиз халқарининг тўйлари тўкин-сочин дастурхон ёзилиши билан ўтади. Унда нега “тўйга борсанг тўйиб бор” дейилмоқда? Чунки одатда тўйга бир-бирини ҳурмат-иззат қилганлар, қадрлаганлар келишади, баъзан чақирилган ва чақирилмаганлар ҳам келиши мумкин. Бундай ҳолда тўйхонада меҳмонлар қўплигидан гоҳида халқа тортилган ош етмай қолганлиги сабабли яна бошқа ош тайёрлаш учун қозон осилади, янги таом пишгунига қадар кутиб ўтирмай, кетиб қолган меҳмонлар ҳам бўлади. Шунинг учун “Тўйга борсанг, тўйиб бор” дея киноя тариқасида айтилган. Бундай ҳолатларда ушбу мақолнинг биринчи компонентидаги мазмун тўғри маънода айтилганига гувоҳ бўламиз.

Ҳар иккала мақолларнинг иккинчи компонентидан эса ўзбек ва қирғиз халқарида тўйларга алоҳида эътибор берилиши, ясаниб, тўй лиbosлари тайёрланиши одатга айланганлигини кўришимиз мумкин.

Учинчи компонент бу жойда поэтик қайтариқ вазифасини бажариб келса, тўртинчи компонент мазмунига кўра ҳар қандай инсон қанчалик ғаразлиги бўлмасин, тўйга фақат яхши ниятлари билан келишини уқтирумокда. Ушбу мақол орқали биз, ўзбек ва қирғиз халқарида тўйлар кўпчилик билан ўтиши, алоҳида тараддуллар, тўй лиbosлари тикирилиши, яхши кунда, яъни энг унутилмас тўй кунида фақат яхши ниятда бўлишлик урф-одатга айланганлигини биламиз.

Юқоридаги мақоллар орқали тўй маросими юзасидан келиб чиқкан мақоллар хусусида фикр юритилган бўлса, қуйидаги мақолларда икки халқнинг болажонлик фазилатлари ойдинлашади:

Ўзбек халқида: *Болали уй – бозор,*
 Боласиз уй – мозор.

Қирғиз халқида: *Балалуу уй – базар,*
 Баласыз уй – мазар.

Барчамизга маълумки, одатда бозор гавжум, тўкин-сочинлик бўлган жой, мозорда эса сукунат, тинчлик ҳукмрон бўлади. Лекин инсон доимо гавжум яшашга интилади. Мозор кўрқинчли, совук кўринишда, шунинг учун иложи борича бундай жойдан тезроқ чиқиб кетиш имконини қидирамиз. Ўзбек ва қирғиз халқлари ҳам ўз оиласлари гавжум, кўпчилик бўлишини жуда истайдилар, энг аввало олий баҳт деб ўз

фарзандлари камолини кўриш деб ҳисобладилар ва шунга интилиб яшайдилар. Шунинг учун ҳам халқларимиз болали уйни бозорга, боласиз уйни мозорга қиёслайдилар.

Мисол тариқасида келтирилган юқоридаги урф-одатлар туфайли юзага келган икки халқ мақолларидағи ҳукмлар, хulosалар, образлар, мазмун ва синтактик тузилишлари айнан ўхшаш. Бундай кўриниш ёки ҳол икки халқ мақоллари орасида генетик бирлик, яъни тарихий асосларига кўра муштарак негизга алоқадорлигининг излари яхши сақланганини кўрсатади. Айнан ўхшаш, генетик бирлиқдаги мақолларга жуда кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин:

Ўзбек халқида: *Tўй силтowi билан тўн битар.*

Қирғиз халқида: *Той шылтоосу менен тон бүтөт.*

Ўзбек халқида: *Уят – ўлимдан қаттиқ.*

Қирғиз халқида: *Уят – өлүмдөн катуу.*

Ўзбек халқида: *Тириклигида сийлашмасанг, ўлганида йиғлама.*

Қирғиз халқида: *Тириүсүндө сыйлашпасаң, өлгөнүдө ыйлаба.*

Ўзбек халқида: *Қизли уй – қилиқли уй.*

Қирғиз халқида: *Кыздую уй кылыктуу.*

Шу каби ҳукм, хulosा, образ, мазмун ва синтактик тузилишлари бир хил бўлган урф-одатларга оид ўзбек ва қирғиз халқ мақолларидан мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Урф-одатларга оид икки халқ мақолларида поэтик мазмун, поэтик ва синтактик структура бир хил бўлгани ҳолда поэтик образларида бироз фарқланиш бўлган мақоллар ҳам учрайди. Бу ҳол эса ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг генетик-контакт алоқадорлиги оқибатида икки халқ орасида тарқалган мақолларни аниқлашнинг бош мезони ҳисобланади.

Ўзбек халқида: *Келинни келганда кўр,*

Сепини ёйганда кўр.

Қирғиз халқида: *Келинди келгенде көр,*

Кемпирди өлгөндинде көр.

Юқоридаги ўзбек халқ мақолида фақат “келин”, унинг “сеп”и түғрисида сўз юритилмоқда. Чунки, ўзбек халқининг никоҳ тўйида келин келгандаги шодлик, кувонч, тантана, янги қадам қўйиб кириб келаётган келинни кутиб олишдаги ўзгача расм-русумлар, урф-одатлар ҳар қандай инсонни ҳаяжонлантиради, ҳавас ва меҳр уйғотади. Келин келган хонадонга келин сепи ёйилганда, яна ҳам бўлакча тароват баҳш этади. Чиройли келин лиbosлари кийилиб, келин келган хонадон эгаларига “келин саломлар” айтилишини кўрмаганлар эса бир умр армонда қолиши табиий ҳол. Шунинг учун ҳам ўзбек халқида ушбу мақол кенг тарқалган.

Қирғиз халқ мақолидаги поэтик образлар – “келин” ва “кампир” бўлиб, қирғиз халқининг урф-одатларига қўра ҳам келин келишини қутлуғ қадамли, умри зиёдали, оқ йўлли бўлсин деб турли расм-русумлар, урф-одатлар билан кутиб оладилар. Янги келинчакнинг дастлабки қутлуғ қадамини, чиройини, сеп-сирғасини кўришга шошганлар кўп бўлишади.

Қирғиз халқ мақолининг иккинчи компонентида нега “кампирни ўлганда кўр” дейилмоқда? Чунки, кампир – кекса, қария, ёшини яшаган, орзу-хавасини кўриб, қиздан хизмат, ўғилдан хурмат кўрган онахон. Дейлик, у бу дунё билан видолашди. Қирғиз халқида урф-одатларга қўра бундай кекса онахонлар ўлмасларидан олдин ўзлари учун “ўлимлик” яъни, мотам куни кўпчиликка улашиш учун сеп тайёрлашади. Ҳаёти давомида яхши яшаган, хурмат-эътиборли, обрўли, мўътабар онахонлар тўплаган «кампир сепи»ни олишни халқ хоҳлаган. Шу жойда яна бир эътиборли миллий одатлардан бири бундай онахонлар ҳаётлигида кийган кийим-кечаклари, тутинган буюмлари қариндошлари, маҳалла-куйи, таниш-билишлари томонидан талашиб-тортишиб олиб кийилган, қўлланилган. Чунки, шу онахондек узоқ умр кўриб юрайлик деб ирим қилишган. Бунинг акси ўлароқ, у инсон ёш кетса, тақдири қийин ўтган бўлса, касалманд бўлиб яшаган бўлса бундай инсонларнинг кийим-кечаклари оловга ёқиб юборилган. Бундай урф-одатлар айни пайтда учрамайди.

Хурмат-эътиборли кекса, ёшини яшаган кампир ўтса, хонадондаги мотам маросими тўйдек ўтказилган. Кампирнинг фарзандлари, неваралари, чеваралари, эваралари, маҳалла-куйи, дўст-ёри, туғишганлари, таниш-билишлари, кўрган-

билганлари, қўйингки, жуда кўпчилик жанозасига қатнашадилар, улар чин дилдан ушбу кекса онахоннинг охирати обод бўлишини тилайдилар. Ушбу онахондай узок умр кечириши орзу қиласидилар. Кампирнинг ёши қанчалик улуғ бўлса, халқ шунчалик кўп тўпланади, шунинг учун ҳам мақолда «кампирни ўлганда кўр» дейилган. Ушбу мақол яна бир фалсафий маънени ҳам англатадики, келин янги рўзғорга қадам қўймоқда, кампир эса ўз рўзғорини ташлаб кетмоқда. Ҳаёт ўзи шунақа «кељмоқ» бор, «кетмоқ» бор.

Тўй маросимининг аввал қиз уйида, кейин куёвнинг уйида ўтказилиши ҳам ўхшашликка эга. Тўйда қизга бериладиган сеп-сибирғалар ва куёв тарафидан қалин берилиши ҳар икки халқнинг урф-одатларида мавжуд. Қирғиз халқида «энчи», ўзбекларда “сеп” қизга ота-она тарафидан атаб берилган. Қирғиз халқида қалинни тўла бериб бўлмагунча куёв қизнинг уйида меҳмон бўлишига рухсат берилган. Қирғиз халқида бу одат “кўйөлөө” ёки «кўйөлөп баруу» деб аталган. Сурхон ва Қашқадарё регионларида бу одат яқин кунларгача сақланган бўлиб, “қаллик ўйин” деб номланган. Ҳар икки халқда “сут пули”нинг қизнинг онаси учун берилиши ҳам ўхшаш. Бу ҳақда мақоллар талайгина. Масалан: “*Қиз пули – туз пули*”.

Фарзанд туғилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, афсун-дуолар ўртасида ҳам талайгина ўхшашликлар бор. Соғлом боланинг дунёга келиши, она ва боланинг соғлигига қаратилган магик ҳатти-ҳаракатлар маълум бир тизимни ташкил қиласиди. Қадимги давларда ўзбекларнинг кўчманчилик шароитида ҳаёт кечирганларида боланинг дунёга келиши учун ўтовнинг чап тарафи алоҳида ажратилган. Шунингдек, қирғиз халқида ҳам мана шундай жараён рўй берган.

Болани бешикка боғлашда пичоқ, қайчи каби буюмлар унинг бош тарафига ёвуз кучларни қувиш учун қўйилган. Қирғиз халқида ҳам бито Тўй маросимининг аввал қиз уйида, кейин куёвнинг уйида ўтказилиши ҳам ўхшашликка эга. Тўйда қизга бериладиган сеп-сибирғалар ва куёв тарафидан қалин берилиши ҳар икки халқнинг урф-одатларида мавжуд. Қирғиз халқида «энчи», ўзбекларда “сеп” қизга ота-она тарафидан атаб берилган. Қирғиз халқида қалинни тўла бериб бўлмагунча куёв қизнинг уйида меҳмон бўлишига рухсат берилган. Қирғиз халқида бу одат “кўйөлөө” ёки «кўйөлөп баруу» деб аталган. Сурхон ва Қашқадарё регионларида

бу одат яқин кунларгача сақланған бўлиб, “қаллик ўйин” деб номланган. Ҳар икки халқда “сүт пули”нинг қизнинг онаси учун берилиши ҳам ўхшаш. Бу ҳақда мақоллар талайгина. Масалан: “*Қиз пули – туз пули*”.

Фарзанд туғилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, афсун-дуолар ўртасида ҳам талайгина ўхшашликлар бор. Соғлом боланинг дунёга келиши, она ва боланинг соғлигига қаратилган магик ҳатти-ҳаракатлар маълум бир тизимни ташкил қиласди. Қадимги даврларда ўзбекларнинг кўчманчилик шароитида ҳаёт кечиргандарида боланинг дунёга келиши учун ўтовнинг чап тарафи алоҳида ажратилган. Шунингдек, қирғиз халқида ҳам мана шундай жараён рўй берган.

Болани бешикка боғлашда пичоқ, қайчи каби буюмлар унинг бош тарафига ёвуз кучларни қувиш учун қўйилган. Қирғиз халқида ҳам бир ҳафталик чақалоқни бешикка белашда “катта бўлганда меҳнатни севсин” деган ниятда етти хил меҳнат қуролларини бешикка қўшиб, айтимлар айтиб, бешикни терватадилар. Фольклоршунос олим С. Мирзаева таъкидлаганидек: “Ўзбек халқида ҳам чақалоқнинг чилласи даврида, айниқса, унинг илк бор бешикка белашда айтиладиган афсунлар талайгина”¹.

Болани бешикка боғлашда пичоқ, қайчи каби буюмлар унинг бош тарафига ёвуз кучларни қувиш учун қўйилган. Қирғиз халқида ҳам бир ҳафталик чақалоқни бешикка белашда “катта бўлганда меҳнатни севсин” деган ниятда етти хил меҳнат қуролларини бешикка қўшиб, айтимлар айтиб, бешикни терватадилар. Фольклоршунос олим С. Мирзаева таъкидлаганидек: “Ўзбек халқида ҳам чақалоқнинг чилласи даврида, айниқса, унинг илк бор бешикка белашда айтиладиган афсунлар талайгина”².

Ўзбек ва қирғиз оилаларида ўтмишда болалар ўлими кўп бўлгани боис бола “ўғирлаш” ёки “сотиб олиш”, фарзандини бошқа, хунук номлар билан чақириш, пешонаси ва юзларига қоракуя суртиш, чақалоқни йўқлаб борганлар хом гўшт кўтариб бормаслик (агар шундай ҳолат бўлса, хом гўшт ўлимни англатади деган тушунча бўлган), қирқ кунга қадар чақалоқнинг онасини парвариш қилиш, қўлини совуқ сувга солдирмай боқиш (агар совуқ сувга солса, бола бемеҳр бўлади дегани) каби иримлар бажарилган. Боланинг соғлом парвариши ҳақида ўзбек халқида шундай

¹ Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Тошкент, “Истиқлол” -2006. -Б. 66.

² Ўша манба. -Б. 66.

мақол бор: “Бола бешикдан ииқилгунча, Подио тахтидан ииқилсін”. Ҳар икки халқда ҳам “Бешик боласи – бек боласи”, “Бешикдаги беш турланар, Қаёққа бурсанғ, шунга ўрганар” каби мақолларнинг мавжудлиги бола тарбиясидаги аńаналарнинг муштараклигидан далолат беради.

Ўзбекларда, шунингдек, қирғиз халқыда бола бир ёшга тўлгунгача баъзи урфодатлар ўтказилган. Масалан, бола туғилиши ҳақида отанинг ва яқин қариндошларнинг бошқаларга хабар бериши – суюнчиласи, бола сочининг биринчи марта олиниши, бола қирқ кунлик бўлганда қирқ қошиқ сувда чўмилтирилиши, биринчи қадам босганида сочқи сочилиши ва хонадонда болаларни йифиб нишонланиши. Бундан ташқари, оиласда ўғил ёки қиз фарзанднинг ўрни ҳақидағи мақолларда ҳам талайгина ўхшашликлар бор. Масалан: “Ўғил уйнинг булбули, Қиз уйнинг гули”. Қирғиз халқыда: “Кыз - кырк жылкы, эркек бала ырыскы”. Ўзбек халқыда “Қизли уй - қилиқли уй”. Қирғиз халқыда: “Кыздую уй кылыктую”. “Қизли киши қир ошар”. Қирғиз халқыда: “Кыздую киши кыр ашат”.

Ўзбек ва қирғиз оиласарида ўтмишда болалар ўлимни кўп бўлгани боис бола “ўғирлаш” ёки “сотиб олиш”, фарзандини бошқа, хунук номлар билан чақириш, пешонаси ва юзларига қоракуя суртиш, чақалоқни йўқлаб борганлар хом гўшт кўтариб бормаслик (агар шундай ҳолат бўлса, хом гўшт ўлимни англатади деган тушунча бўлган), қирқ кунга қадар чақалоқнинг онасини парвариш қилиш, қўлини совуқ сувга солдирмай боқиши (агар совуқ сувга солса, бола бемеҳр бўлади дегани) каби иримлар бажарилган. Боланинг соғлом парвариши ҳақида ўзбек халқыда шундай мақол бор: “Бола бешикдан ииқилгунча, Подио тахтидан ииқилсін”. Ҳар икки халқда ҳам “Бешик боласи – бек боласи”, “Бешикдаги беш турланар, Қаёққа бурсанғ, шунга ўрганар” каби мақолларнинг мавжудлиги бола тарбиясидаги аńаналарнинг муштараклигидан далолат беради.

Ўзбекларда, шунингдек, қирғиз халқыда бола бир ёшга тўлгунгача баъзи урфодатлар ўтказилган. Масалан, бола туғилиши ҳақида отанинг ва яқин қариндошларнинг бошқаларга хабар бериши – суюнчиласи, бола сочининг биринчи марта олиниши, бола қирқ кунлик бўлганда қирқ қошиқ сувда чўмилтирилиши, биринчи қадам босганида сочқи сочилиши ва хонадонда болаларни йифиб

нишонланиши. Бундан ташқари, оилада ўғил ёки қиз фарзанднинг ўрни ҳақидаги мақолларда ҳам талайгина ўхшашликлар бор. Масалан: “Үгил уйнинг булбули, Қиз уйнинг гули”. Қирғиз халқида: “Кыз - кырк жылкы, эркек бала ырысқы”. “Қизли киши қип ошар”. Қирғиз халқида: “Кыздую киши кыр ашат”.

Бу каби контакт-генетик алоқадорлик туфайли яратилган мақолларда кўлланилган поэтик образларда фарқланиш борлигини кузатишимиз мумкин. Чунки бу икки халқ қадим замонлардан ёнма-ён, кўп жойларда аралаш ҳолда яшаб келади. Улар ўртасида қон-қариндошлик муносабатлари чуқур илдиз отган, ҳар икки халқ маросимлари, урф-одатлари, турмуш тарзи бир-биридан фарқланмайди. Мана шундай иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт бирлиги икки халқ фольклори, хусусан, мақоллари ўртасида ҳам кўплаб ўхшаш қатламни юзага келтирган. Узок йиллардан буён давом этиб келаётган кўп томонлама мулоқот ўзбекларда яратилган мақолларнинг қирғизлар ўртасида, қирғизларда яратилган мақолларнинг эса ўзбеклар ўртасида тарқалишига, уларнинг ҳар икки халқ паремиологик хазинасидан мустаҳкам ўрин олишига сабаб бўлган. Бу каби мақолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан:

Ўзбек халқида: *Ўлим борнинг молини сочар,*

Йўқнинг сирини очар.

Қирғиз халқида: *Өлум бардын малын чачат,*

Жоктун төшүн ачат.

Ўзбек халқида: *Қарида хислат кўп.*

Қирғиз халқида: *Карыялар – касиет каймагы.*

Ўзбек халқида: *Қарини кафтда сақла,*

Ўлигини ҳафта сақла.

Қирғиз халқида: *Карынын кебин капка сакта,*

Өлугүн апта сакта.

Фольклор алоқаларининг типологик ўхшашликлар типига мансуб мақоллар ҳам учрайдики, улардаги образ ва мазмунда бир хиллик мавжуд бўлгани ҳолда синтактик тузилишида фарқланишни кўришимиз мумкин.

Масалан:

Ўзбек халқида: *Тўйнинг бўлди-бўлдиси қизиқ.*

Қирғиз халқида: *Тойдун болорунан болоту кызык.*

Юқоридаги ўзбек халқ мақолида тўй олдидан икки ёшни “унаштириш”, яъни “бўлди-бўлдиси” қизиқлиги айтилмоқда. Чунки икки ёшни унаштириш расм-руслари ҳам шунчаки ўтказилмайди. Тўйдан аввал “нон синдириди”, “фотиха тўй”, “идиш қайтди” каби кўплаб маросимлар ўтказиладики, буларнинг барчаси тўйга қадар икки хонадонни бирлаштиради, икки ёшга чин дилдан “оқ фотиха” берилади. Шунинг учун ҳам “Тўйнинг бўлди-бўлдиси қизиқ” дейилган.

Қирғиз халқ мақолида ҳам образ ва мазмун деярли бир хил бўлса-да, лекин ундаги фарқли томони синтактик тузилишидадир. Унда тўйнинг бўлишидан кўра “бўладиси” қизиқ дейилмоқда. Қуйидаги урф-одатларга оид икки халқ мақолларида ҳам образ ва мазмун бир хил, аммо синтактик тузилишида бироз фарқланиш кўзга ташланиб турибди:

Ўзбек халқида: *Қизни бешикка сол,*

Сепини сандиққа сол.

Қирғиз халқида: *Кызды бешикке салганда,*

Себин сандыкка сал.

Ушбу мақоллардаги паремик образ ва мазмун муштараклиги иккала халқ урф-одатларининг бир хиллигини ва бадиий тарихи муштарак заминга эгалигини англатса, синтактик тузилишдаги фарқ уларнинг алоҳида-алоҳида яратилганлигидан далолат беради.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёсий ўрганиш, турли жиҳатлардан тадқиқ этиш ҳар икки халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, дунё ва инсон ҳақидаги доно хукмларини, уларнинг тасаввурлари, эътиқоди, фалсафий ва бадиий тафаккури ўртасидаги муштараклик ҳамда тафовутларни очишга имкон беради.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг бадиияти

Ўзбек ва қирғиз халқлари фольклорининг жанрларида поэтик хусусиятлари жиҳатидан ҳам муштараклик кузатилади. Бу халқларнинг мақоллари аждодларимизнинг бадиий тафаккури самараси бўлиб, муайян воқелиқдан чиқарган ҳукм хулосаларини ифода этишда турли бадиий образлардан, усул ва воситалардан фойдаланганлар. Мақоллар поэтикаси масаласи муҳим ва мураккаб бўлиб, бу жанрнинг ихчам шаклга эга бўлиши, бироқ ижтимоий-фалсафий мазмунни чуқур экани билан белгиланади. Бу мураккаблик ихчам шаклда чуқур мазмунни ифодалаш билан боғлиқдир. Шу боис мақоллар поэтикасига тўхталиш лозим бўлади. Мақоллар бадииятига оид айрим тадқиқодлар фольклоршуносликда бўлса-да¹, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёслаш асносида бадиият масаласига алоҳида тўхталган тадқиқотлар яратилган эмас.

Мақоллар поэтикаси ҳақида сўз борганда даставвал унинг шакл тузилиши хусусида тўхталиш лозим. Чунончи ибратли ҳукм, хулосани бадиий воситалар орқали ифодалаш поэтиканинг бош масалаларидан бири ҳисобланади.

Мақолларнинг поэтик формаси шеърий ўлчов, ҳижо, қофия, ассонанс, эллипсис каби бадиий воситаларнинг қўлланилишини текширишни талаб қиласди. Ўзбек халқ мақоллари, шунингдек, қирғиз халқ мақоллари ҳам структурал жиҳатдан икки хил шаклга эга: насрый ва назмий.

Наср шаклидаги мақоллар оддий сўзлашув услубидан фарқланади. Бундай мақолларда образлилик ва шаклда ихчамлилик бўлади. Ўгит бериш функциясига асосланган мақоллар осон ёдда қолиши учун ритмик жиҳатдан шаклланган бўлади. Икки халқ мақолларида образ яратиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Асрлар давомида сайқалланиб, мазмунан ва бадиий жиҳатдан бойиб борган мақолларда турлича образлар тизими мавжуд.

Мақолларда муайян воқеликнинг ўзи эмас, балки шу воқеликдан келиб чиқадиган ҳукм-хулосалар қисқа шаклда, умумлаштириб ифода этилади. “Шунинг

¹Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос қатралари. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1984. –Б. 336-350; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент, 1978. –Б. 43-51; Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в структуре узбекских народных пословиц. АҚД. – Ташкент, 1986.

учун ҳам уларда конкрет индивидуал образ, унинг кечинмалари эмас, балки бирбира га ўхшаш кўпгина воқеа-ҳодисалар ҳақидаги омманинг лўнда хулосалари ифодаланади. Демак, мақол жанри учун образни индивидуаллаштириш эмас, аксинча, умумлаштириш хос”¹.

Мақолларда ифодаланган инсон образи муайян шахс бўлмай, қайси дир тоифага мансуб инсонни англатади. Масалан, “Бахилнинг бози қўкармас” сингари ўзбек халқ мақолида ёки “Бакылдын багы көгөрбөйт, көгөрсө да көбөйбөйт” қирғиз мақолида “бахил” номи остида хасис, нокас кимсаларнинг умумлашма образи намоён бўлади.

“Бой бойга боқар, Сув сойга оқар” ўзбек мақоли ёки қирғиз фольклоридаги “Бай байга куят, суу сайга куят” мақолида юқори табақага мансуб ҳисобланган бойларнинг ўз тоифаси билангина муносабатда бўлиши таъкидланган.

Айрим мақолларда учрайдиган киши номлари эса машҳур тарихий ёки афсонавий шахслар ёхуд халқ ўртасида катта шухрат қозонган киши номларидир.

Масалан, *Аёз, кўрган кунинг унумта,*

Кўн чоригинг қуритма.

Мазкур халқ мақолининг келиб чиқиши оддий чўпондан халқ етакчisi даражасига кўтарилиган ҳалол, доно Аёз ҳақидаги эртак сюжети билан боғлиқ. Аёз исмли чўпон ақлу фаросатининг юқори даражадалиги сабабли вазир этиб тайинланади. У ўтган оғир кунларини унумаслик учун чориғини ўз хонаси эшигининг тепасига осиб кўяди ва ҳар сафар унга кўзи тушганида шу сўзларни айтган. “Кўн чоригинг қуритма” бирикмасининг мазмуни шундан иборатки, қадимда хом теридан тикилган чорик ёрилиб кетмаслик учун ёғлаб турилган. Демак, мақол мазмунидан кўринадики, мазкур жумлалар юқори мартабага эришгач, ҳаволаниб кетган одамларга нисбатан қўлланади.

Мақолларда образ яратиш тамойиллари жанрнинг специфик хусусиятлари билан боғлиқ. Мақоллар битта гап шаклида бўлганда ҳам умумий ҳукм – хулосани акс эттиради.

¹ Имомов К., Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 96-97.

Ўзбек ва қирғиз мақолларида бадиий усулларнинг қўлланилишида ҳам ўзига хос муштараклик мавжуд. Мазкур мақоллар тузилишига кўра шеърий ва насрий шаклда бўлади. Шеърий мақолларда вазн, туроқ, қофия, оҳанг каби шеър унсурлари қатнашади. Насрий шаклдаги мақолларда ҳам поэтик унсур ва поэтик ифода зухур этаверади.

Мақолларда тасвирий ифода воситаларидан фойдаланилганда матнинг бадиий-эстетик таъсирчанлик функцияси ортади. Ўзбек, шунингдек, қирғиз мақоллари нутқда фаоллашганда нутқ жараёнини гўзаллаштиради, образли ифода тингловчида ўзига хос бадиий завқ пайдо қиласди. Бадиий-эстетик таъсирчанликни юзага чиқаришда ўхшатиш, сифатлаш, ритмик-синтактика параллелизмлар, аллитерация, анафора, сажъ, гипербола, антитета, метафора, метонимия, синекдоха каби кўплаб воситаларнинг ўрни катта.

Халқ оғзаки поэтик ижодида фаол қўлланиладиган поэтик тасвирлардан бири параллелизм бўлиб, у халқ мақолларида ҳам жуда фаол ишлатилади. Бунда икки ёки ундан ортиқ ҳодиса, нарсани ёнма-ён қўйиш орқали маъно очилади. Икки ҳодиса ёки нарсаларни зидлаш, таққослаш орқали фикр жонли ва образли ифодаланади. Параллелизмларнинг тўрт хил тури мавжуд:

1. Тематик-психологик параллелизм. Бунда мазмунан ўзаро яқин ҳодиса, нарса ёки ҳолатлар ёнма-ён тасвирланади, ўзаро ўхшаш нарса, ҳодиса ва ҳолатлар қиёсланади ёки қарама-қарши қўйилади. Масалан:

*Қўйни – серка,
Ўйинни эрка бошлар.*

Қирғиз халқ мақолида: *Койду серке баشتайт,*
Оюнду эрке баشتайт.

Ёки: *Дунёни ел бузар,*
Одамни – сўз.

Қирғиз халқ мақоли: *Тоону-ташты суу бузат,*
Адамзатты сөз бузат.

2. Ритмик-синтактик параллелизм. Икки ёки ундан ортиқ ҳодиса тенг ва ўхшаш синтактик бирликлар орқали ифодаланади. Масалан:

*Гүппинг қалин бўлса ҳам, қишидан қўрқ,
Дўппинг қалин бўлса ҳам, муштдан қўрқ.*

Қирғиз халқ мақолида:
*Киши чакырса барбайм дейт,
Ашка чакырса калбайм дейт.*

Ёки:
*Келининг битта бўлса ўтириб ейсан,
Иккита бўлса туриб ейсан.
Учта бўлса юриб ейсан,
Тўртта бўлса йўргалаб ейсан.*

Қирғиз халқ мақолида:
*Жакишилыкка жасакишилык, ар адамдын кылаары,
Жамандыкка жасакишилык эр адамдын кылаары.
Жамандыкка жамандык кем адамдын кылаары,
Жакишилыкка жамандык көр адамдын кылаары.*

Ритмик-синтактик параллелизмлар жуда қадимдан мавжуд. Уни қадимги ёдгорликлар матнида, халқ қўшиқларида ҳам кўп учратиш мумкин.

3. Лексик-морфологик параллелизм. Икки ёки ундан ортиқ гаплардаги айрим бўлаклар, морфемаларнинг бир хил вазифада тўлиқ мос келиши билан ҳосил бўлади:

*Эрта турган йигитнинг бир ризқи ортиқ,
Эрта турган аёлнинг бир иши ортиқ.*

Қирғиз халқида ҳам ушбу мақол мавжуд:

*Эрте турган жигиттин бир ырысы артық,
Эрте турган катындын бир иши артық.*

Фольклоршунос С.Гапаров қирғиз халқида лексик-грамматик параллелизмнинг аҳамиятини белгилаб, мақол ва маталларнинг мазмун моҳиятини образли ифодалашда бу воситага боғлиқ эканини таъкидлайди.

Мисралар сўнггида сўз бирикмаларининг такрори ҳам учрайди:

*Бўлдирадиган ҳам хотин,
Ўлдирадиган ҳам хотин.*

Қирғиз халқ мақолида:
*Барды жек кылган да – аял,
Жокту бар кылган да – аял.*

4. Интонацион параллелизм. Бир неча гаплар ёки бўлаклар бир хил оҳангда талаффуз этилади: *Эру хотин уришар, Ўртага нодон тушар.*

Кирғиз халқ мақолида: Эрди-катын урушат, Эси кеткен болушат.

Параллелизм орқали мақолларнинг мазмун-мундарижаси чуқур тушунилади, поэтик тасвир ўзига хос намоён бўлади.

Одатда, мақолларда грамматик қурилиш ихчам бўлади, бу хусусият ортиқча сўзлар, формаларни ишлатмаслик ҳисобига амалга оширилади. Ушбу функцияни пасайтирув фигуralари бажаради. Пасайтирув фигуralари тасвир объектини пасайтириш (сусайтириш)ни ифодаловчи тасвир усули ҳисобланади.¹ Бу гурӯхга эллипсис киради. Эллипсис (юнон. Ellipsis – тушириб қолдириш, сўз тежаш) – асартилида сўзларни тежаб ишлатиш усули. Муайян фикрни ифодалаш учун энг зарур сўзларгина ишлатилиб, иккинчи даражали сўзлар, бўлаклар атайн тушриб қолдирилади. Сўз кўламидаги бундай ихчамлилик лаконизм деб юритилади.

Масалан: Киз – қүнок.

Кирғиз халқ мақолида: Кыз – конок.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг мазмунидан “Қиз бола ўз уйида гўё меҳмондир. Чунки кун келиб қиз вояга етгач, турмушга узатилади. Қиз бола вояга етгунча уйида вақтинча туради”, – деган маъно англашилади.

“Кўчдим – ўчдим” мақоли ҳам икки сўздангина иборат. Бундай қуйма сиқиқ мақолда халқнинг муайян шароитнинг ўзгариши билан боғлиқ холосаси образли акс этган.

“Хут – ют” мақолида ҳам эллипсис ҳодисаси мавжуд. Хут шамсий тақвим бўйича баҳор ойларидан бирининг номи бўлиб, халқнинг шу даврдаги ҳаётига оид фикрига урғу берилади. Шу билан бирга ушбу мақолда ўзига хос ташбех ҳам бор. Чунки мақол мазмунини кенгроқ изоҳлайдиган бўлсак, хут 22 февралдан 21 мартача бўлган даврни англатади. Бу ой совуқ келган вақтларда қишига ғамланган заҳира тугаб, чорва моллари очлик ва совуқдан қирилган.

Тадқиқотчи М. Пирматова хут ойининг ют деб аталишини изоҳлаб, куидагича ёзди: “...айрим йиллари хут ойида кунлар илиб, қорлар эрий бошлагандан бирдан

¹ Бобоев Т. Адабиёттунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 443.

қаттиқ совуқ бўлиб, ернинг бети қалин музлайди. Чорва моллари эса музлаган ердан бир нима топиб еёлмай очликдан ёппасига қирила бошлайди. Ана шу оғир дамларни чорвадорлар “ют” деб атайдилар”. Фольклоршунос М. Исҳақов ҳам ҳут ойи ҳақида фикр билдириб, ют ҳар 10-12 йилда бир тақрорланиши, аксарият ҳолларда қуён иилида бўлишини қайд этади.

Демак, ҳут ойининг жуда совуқ келишига нисбатан ҳалқимиз ўхшатиш орқали “ютмоқ” феълини қўллаган. Мақолда иккита жуда қисқа сўз – бир бўғинли сўзлар орқали чукур, кенг кўламли мазмун ифодаланмоқда. Мазкур икки сўз ўзаро қофиядош ҳамdir. Қирғиз ҳалқида ҳам шу каби бир бўғин икки сўздан иборат мақолларни учратиш мумкин. “*Калп – дар*, яъни мазмуни “Ёлғон сўз ўзингга дор кабидир”, – дейилмоқда. Яна: *Ата – мекен*, эне –нур (маъноси: Ота–ватан, она –нур), *Базар – бай, барган – кедей*: (мазмуни: Бозор –бой, борган – камбағал) “Ўқиганинг ўзингга” мақолида бўлса, инсон ўқиса ўзига фойдали бўлиши таъкидланади.

Зидлов фигуранлар таркибига кирувчи антитета (қаршилантириш ёки тазод) ҳам мақолларда поэтик фикрни ифода этишда асосий усул ҳисобланади.

Масалан,

Яхши хотин юзида ой кўринар,

Ёмон хотин қовоғидан қор ёғилар.

Қирғиз ҳалқ мақолида:

Жакши катын жаман эрди зор кылат,

Жаман катын жасиши эрди кор кылат, –

(маъноси: Яхши хотин ёмон эрни зўр қиласди, ёмон хотин яхши эрни хор қиласди).

Антитета ҳалқ мақолларида энг кўп қўлланиладиган воситалардан биридир. “Бунинг бош сабаби шундаки, тазод мақолда акс этган воқеа-ҳодисанинг табиатидаги зиддиятни акс эттириш баробарида томонлардан бирини ҳалқ идеали нуқтаи назаридан ё тасдиқлайди, ё инкор этади”.

Юқоридаги ўзбек ҳалқ мақолида яхши уй бекасининг фазилати унинг чехрасида кўриниши “юзида ой кўринар” ташбеҳи орқали ифодаланган бўлса, ёмон аёлнинг тунд юзи “қовоғидан қор ёғар” ибораси билан изоҳланган.

Аёл зоти ҳақида шоир ва рассомлар ижобий ҳис-туйғулар, фикрлар билдирган бўлсалар, файласуфлар Платон замонидан буён танқидий кўз билан қарайдилар.

Шуни қайд этиш ўринлики, аёл ҳақидаги қарашларнинг “тарихий панорама”си мақоллар ҳам бўла олади.

Келтирилган қирғиз халқ мақолида ҳам агар эр ёмон бўлса, уни яхшилар қаторига қўша оладиган шахс аёл экани, агар аёл ёмон бўлса яхши эрни ҳам хор қилиши бадиий ифода этилган. Бу ўринда “яхши” ва “ёмон” сўзларининг мисраларда ўрин алмасиб келиши **тарду аксни** юзага келтирган. “**Тарду акс**” тескари қилиб такрорлаш маъносини ифодалаб, шеърнинг биринчи мисрасида келтирилган икки сўз ёки сўз бирикмаларини кейинги мисрада ўрнини алмаштириб қайтаришдан иборат бўлган шеърий санъатдир¹. “Яхши” ва “ёмон” сўзларини қайтариш натижасида мазкур сўз ёки сўз бирикмалари яна бир бор таъкидланибгина қолмай, уларнинг маъноси ҳам янгиланади, мисра мазмуни ҳам такомиллашади.

Маълумки, мақолларда бирор фикр, хулоса тасдиқланади ёки инкор этилади. Мақоллар икки мантиқий марказдан иборат бўлиши, бу марказларнинг ўзаро зид муносабати воқелик фактининг бир-бирига бўлган зид табиатидан келиб чиқади.²

Мақолларда нарса, воқеа-ходиса, тушунча кабиларнинг турлича хусусиятлари: ранги, бўйи, сифати, узунлиги, миқдори, масофаси, маза-таъми, ҳарорати, ҳолати кабилар ўзаро зидланади:

Торга тор дунё,

Кенгга кенг дунё.

Қирғиз мақоли : *Кең пейилдүү кемибейт,*

Тар пейилдүү жарыбайт.

Кең болсоң, кем болбойсуң.

Мақолларга хос бўлган, энг кўп қўлланиладиган кучайтирув фигуralаридан бири бадиий такрорлардир. **Бадиий такрорлар** тўрт гуруҳга тасниф этилади: 1) *фонетик тақрор*; 2) *лексик тақрор*; 3) *морфологик тақрор*; 4) *синтактик тақрор*.

Умутуркий фольклор асарларида, хусусан, мақолларда аллитерация жуда кўп учрайди. Аллитерацияга берилган илмий изоҳларда ўзаро ўхшашлик, тавсиф кузатилади. Аллитерация шарқ халқларида тавзиз деб юритилган, шеърий ёки

¹ Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. --Б. 89.

² Имомов К. Мирзаев Т. ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990 --Б. 98.

насрий асарларда бир хил ундош товушларнинг тақорланишидир. Товуш тақорининг, айниқса, қофия бўлиб келган сўзлардаги товушларнинг оҳангдошлиги ўзига хос ўринга эгалиги профессор С.Баранов томонидан ҳам таъкидланган. Хусусан, мақолларда ритмик ва синтактик шаклланишга товушларнинг оҳангдошлиги, ўзаро мутаносиблиги асос бўлади.

Масалан:

*Боғни боқсанг – боғ бўлур,
Ботмон даҳсар ёғ бўлур.
Боқимсиз боғ тоз бўлур,
Юрак – бағринг доз бўлур.*

Қирғиз мақолида эса қўйидаги шаклда учрайди:

*Бай болбогон бай болсо – отоого чөп койбойт,
Бий болбогон бий болсо – сўйлөөгө сөз койбойт.*

Аллитерация фонетик-стилистик усул сифатида мақолнинг интонацион ифодавийлиги ва оҳангдорлигини кучайтиради. Мазкур мақолларда “б” ундошининг 11-12 марта тақорори мақолга ўзига хос интонация ва оҳанг берган.

Сўзларнинг бош ҳарфларидангина эмас, сўз сўнгидаги ҳарфларнинг тақорори ҳам аллитерация ҳисобланади:

*Кетмон чопмоқ – олмоқ-солмоқ,
Кўши ҳайдамоқ – бормоқ-келмоқ.
Ўроқ ўрмоқ – ўйнамоқ,
Ҳай-ҳай ишининг огири,
Хамир қилмоқ, нон ёпмоқ.*

Қирғиз халқ мақолида:

*Жакиши болсо катының, келип турат жасакының,
Жаман болсо катының, качып турат жасакының.
Жакиши болсо катының, табыла берет акылың,
Куусаң да кетпейт жасакының,
Жаман болсо катының, кете берет акылың,
Чакырсаң келбейт жасакының.*

“қ” ундошининг 13 марта, қирғиз халқ мақолидаги “ң” ундошининг ҳам “12” марта тақорланиши ўзига хос оҳангни ҳосил қилган. Бундай мақоллар муайян ғоя,

мазмунни ифодалаш билан бирга тингловчи ёки ўқувчи қалбидаги бадиий-эстетик завқутуғдиради.

Халқ мақолларида унли товушларнинг такрори ҳам кенг қўлланилган. Бундай фонетик-стилистик усул ассонанс дейиллади.

Масалан,

Олтин олма, олқии ол,

Олқии олтин эмасми.

Қирғиз халқ мақолида:

Аргымактын азганы – аркы-терки басканы,

Азаматтын азганы – көчкөндө жөө басканы.

Ҳар икки халқ мақолларидаги такрор келган “о” ва “а” товуши ўқувчи диққатини тортади, муайян нарсага қаратади ҳамда поэтик нутқни ифодали қиласади. Демак, мақолларни фонетик жиҳатдан ишлаш зарурати мазмунни таъсирчан ифодалаш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Шеърий шаклдаги мақолларда ноийғун товушларнинг қофияланиб келиши ҳам кўп кузатилади. Бундай қофия тури **оч қофия** деб аталади. Поэтик фигуранлар сирасида эса консонанс (ёки диссонанс) деб юритилади. Адабиётшуносликка оид луғатлардан бирида диссонансга қўйидагича таъриф берилган: “*Қофиянинг фақат ундоши товушларга асосланиши ва унли товушларнинг мос келмаслиги натижасида юзага келган тури*”¹.

Масалан:

Олмадан бодом бўлмас,

Теги паст одам бўлмас.

Қирғиз халқ мақолида:

Кулак угат көз көрөт,

Адам сүйлөйт, им үрөт.

Ёки:

Жукту нар көтөрөт,

Азапты эр көтөрөт.

Ўзбек ва қирғиз мақолларида лексик такрорлар ҳам муҳим функция бажаради.

Бунда мақолдаги мантиқий марказдаги муайян сўз такрорланиб, шу усул билан унинг маъноси таъкидланади.

¹ Хотамов Н. Саримсоков-б Адабиётшунослик терминларининг ўзбекча-русча изохли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979, –Б. 94.

Лексик такрорлардан энг кўп қўлланган турларидан бири анафорадир. Шеърий шаклдаги мақоллар мисралари бошида бир хил сўз ёки сўзларнинг такрорланиб келиши анафора ҳисобланади:

Масалан: 1) мисралар бошида бир сўзниңг такрори:

*От олсанг, уйинг билан кенгаши,
От сотсанг – овулинг билан.*

Қирғиз халқ мақоли: *Оору оору эмес,*
Оору баккан оору

(Касал касал эмас, касал боққан касал).

2) мисралар бошида бир неча сўзларнинг такрори:

Билган сўзни айт,
Билмас сўздан қайт.

Ёки қирғиз халқ мақоли қуидагича: *Бир сөз бар – оозго алғыс,*
Бир сөз бар – издесе тапкыс.

(маъноси: Бир сўз бор – айтиб бўлмас, бир сўз бор – изласа топилмас).

Анафорада муаллиф таъкидламоқчи бўлган сўз мисралар бошида келса, плеоназмда турли ўринларда келиши мумкин. Мақолларда плеоназм бадиий восита бўлиб муайян функцияни бажарувчи стилистик фигура сифатида аҳамиятлидир. Шеърий плеоназм поэтик плеоназм деб юритилади. Масалан:

Хунар, ҳунардан унар.

Қирғиз халқ мақоли: *Бала, баланын иши чала.*

(маъноси: Бола, боланин иши чала).

Ёки: *Уста, устадан нуска.*

(маъноси: Уста, устадан нусха).

Яна: “*Ичпейм-ичпейм*” деп коюп, ичмекей катын түгөтөт,

“*Жебейм-жебейм*” деп коюп, жемекей катын түгөтөт.

(маъноси: “Ичмайман-ичмайман” деб қўйиб, ичкич хотин тугатар,

“Емайман-емайман” деб қўйиб, егич хотин тугатар).

Мақолларда такрор қўлланилган сўзлар муайян ижобий функция ўтайди. Шарқ шеъриятида кенг тарқалган такрор турларидан бири радифdir. Радиф халқ

мақолларида шеърий мисралар сўнггида қофиядан кейин келиб, сўз, сўз бирикмаси, гап шаклида бўлади. Масалан:

*Яхии бола шон келтиrap,
Ёмон бола қон келтиrap.*

Қирғиз халқ мақолларидан қуидаги мақолни мисол қилиш мумкин:

*Дат темирди жсейт,
Дарт өмүрду жсейт.*

(маъноси: Занг темирни ейди, дард (ғам-алам, андуҳ) умрни ейди).

Сўз бирикмаси шаклида келган радиф нисбатан кам учрайди.

*Яхшиликка яхшилик
Ҳар кишининг ишидир.
Ёмонликка яхшилик
Мард кишининг ишидир.*

Қирғиз халқ мақолидан:

*Жакшы менен жол журсөң,
Оозуңа аш тиер.
Жаман менен жол журсөң,
Оозуңа таш тиер.*

Морфологик такрорлардан бири учма-уч улаш мақолларда ўзига хос тарзда учрайди. Бир мисра сўнгидаги сўз ёки сўзлар бирикмаси кейинги мисра бошида келиши учма-уч улаш (стык) дейилади. Масалан:

*Жон берганга жой бер,
Жой берганга жон бер.*

Қирғиз халқ мақоли:

*Аш бергенге муш берген
Муш бергенге аш берген.*

(Маъноси: Ош берганга мушт берган, Мушт берганга ош берган).

Бундай мақоллар нисбатан кам қўлланиладиган стилистик фигуralардан биридир. Мақоллар иккита конкрет предмет, образ ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни ҳаётий ифодалайди. Аксарият мақолларда ҳукм-хулосанинг икки обьекти юзага чиқади. Масалан:

*Узоқ бўлса ҳам йўл яхии,
Ёмон бўлса ҳам эл яхии.*

Қирғиз халқ мақолида: *Гул өссө жердин көркү,*
Кыз өссө үйдүн көркү.

(маъноси: Гул ўсса ернинг кўрки, қиз ўсса уйнинг кўрки).

Шунинг учун ҳам шакли икки қисмдан иборат мақоллар энг табиий ва энг кўп оммалашган ҳисобланади. Мақолларда кўп кузатиладиган усул ва воситалардан параллелизм, тавтология (қайтариқлар), антитета (қаршилантириш) билан бирга қўлланилади. Масалан:

Бирор ўламан деса,
Бирор куламан дейди.

Ёки қирғиз халқ мақоли: *Бирөө жете албай журсө,*
Бирөө кете албай журоёт.
Бирөө өлуп жатса,
Бирөө кўлуп жатат.

(маъноси: Бирор етаолмай юрса, бирор кетаолмай юрибди. Бирор ўлаётса, бирор куляпти).

Мақолларда таққослаш қўп қўлланилади. Таққослаш мазмуни англашилган гаплардан тузилган мақолларга мисол келтирамиз:

Мол аччиғи – жон аччиғи.
Қўшининг тинч – сен тинч.
Режасиз иши – қолипсиз гишт.

Қирғиз халқ мақолларидан қуйидагилар мисол бўла олади:

Балалуу үй – падышалуу үй.

(маъноси: болали үй – подшоҳли үй).

Ёки: Мекенице кўйгөнүң – элинди өтө сўйгөнүң.

(мазмуни: Ватанингга куйганинг – халқингни жуда севганинг)

Аялсыз эрек – канатсыз куш,
Эркексиз аял – тамырсыз даррак.

(маъноси: Аёлсиз эркак – қанотсиз куш,
Эркаксиз аёл – илдизсиз дарахт).

Келтирилган мисолларда турли образлар ва ҳодисалар ўртасида сабаб-оқибат муносабати мавжуд. Қиёсий-зидлов гаплар билан ифодаланган мақолларда хукм-хулосада ҳам зид маъно умумлашган:

Ёши келса ишига,

Қари келса оишга.

Қирғиз халқ мақоли:

Жаш келсе ишике,

Кары келсе ашка.

Мақолларда таққослаш ёрдамида аниқ образли ифода шакли, турлича умумлашма ва хулоса-хукм мазмуни ҳосил қилинади. Масалан, баҳтнинг нисбийлиги ҳақида: *Баҳт йўлда эмас, қўлда.* Қирғиз халқ мақолида қуидаги шаклга эга: *Бакым жерде, эринбей эңкейип ал* (маъноси: Баҳт ерда, эринмай энгалиб ол). Ёки: *Бакым сандыкта, ачкычы асманда* (Баҳт сандикда, калити осмонда).

Таққослаш қўлланилганда оила аъзолари, масалан, эр-хотин тавсифланади.

Эр-хотин – қўши хўқиз.

Эр – подио, хотин – вазир.

Эр – бош, хотин – бўйин.

Қирғиз халқ мақолида: *Эрди-катын – бир үйдун айы менен кўну* (маъноси: Эр-хотин – бир уйнинг ойи билан куни). Ёки: *Эр – баш, катын – моюн* (Эр – бош, хотин – бўйин). Таққослаш экспрессивликни оширади, тасвирни ёрқин ифода этади, ифодавийликни кучайтиради.

Таққослаш ёки ўхшатиш бойларнинг феълу-атвори, ҳаётга, турли ҳодисаларга муносабати ифодаланган мақолларда ҳам акс этади:

Бойнинг оии – кўзнинг ёши.

Золим оши ош бўлмас,

Ёмон иигилиб бош бўлмас.

Ёки қирғиз халқ мақолида:

Байдын ниети қара, колу ак,

Кедейдин колу қара, ниети ак.

(маъноси: Бойнинг нияти қора, қўли оқ, камбағалнинг қўли қора, нияти оқ).

Ўзбек ва қирғиз мақолларида бадиий усулларнинг қўлланилишида ҳам ўзига хос яқинлик мавжуд. Кўчим турларидан метафора мақолларда кўп қўлланилади.

“Яхши хотин – хазина”, “Аччик – душман, ақл – дўст” каби мақолларда тавсифланаётган тушунча, предмет, ҳодиса күчма маънода муайян тушунчага ўхшатилмоқда.

Мақоллар негизида күпинча метафора туради. Метафора – юонон. *metaphora* – күчириш дегани ва образли таққослаш тури хисобланади. Метафорада бир предметнинг белги-хусусиятлари иккинчи предметга ташқи ўхшашлик асосида күчирилади. Улар ўртасидаги ўзаро ўхшашлик ўхшатиш (ташбех)дан фарқли бўлади. Юқоридаги мақолларда яхши хотин гўё хазина экани, иккинчи мақолда аччик (яъни жаҳл) душман (одам), ақл дўст (одам) эканлиги тушунилади. Мақолда гарчи гўё, каби сўзлари ишлатилмаса ҳам, мақолнинг мазмuni англашилади. Метафоранинг ўхшатишдан фарқи ҳам ўхшатиш воситасининг иштирок этмаслигидир.

Қирғиз халқ мақоллари таркибида “*Өткөн өмүр – аккан сүу*” (“Ўтган умр – оққан сув”), “*Өнөр – түгөнбөс азық, жоголбос байлық*” (“Хунар – туганмас озиқ, йўқолмас бойлик”), “*Өнөрлүү – зор, өнөрсүз – кор*” (“Хунарли зўр, хунарсиз – хўр”) каби мақоллар учрайди, мақолнинг иккинчи компоненти күчма маънога эга бўлиб, метафора асосида мазмун англашилмоқда.

Халқ мақолларида перифраз сингари воситалар ҳам учрайди. Перифразда нарса ёки инсонлар ўз номи билан эмас, балки унга хос асосий белгилар, хусусиятлар номи билан аталади. Муайян сўз ўрнига уни тавсифловчи, ўша фикрни англатувчи ифода перифраздир. Масалан, “шер” ўрнига “ҳайвонлар подшоси” деб аташ. Мақоллар таркибида “Инсон гавҳари Қобул” каби мисол мавжуд.

Қирғиз халқ мақоллари сирасида “*Базарлуу жоо менен байкуш уул кармашат*” (мазмуни: бозорли ёв билан бечора ўғил жанг қиласи) мақоли учрайди, унда “бозорли ёв” сўз бирикмаси “кўп қўлли ёв” (яъни кўп сонли ёв) маъносини англашмоқда.

Ўзбек ва қирғиз мақолларининг мазмун-мундарижаси шу қадар кенгки, бадиий олами ҳам шу даражада турфадир. Бирор бир мақол йўқки, унда ифодаланаётган фикр бадиятдан йироқ бўлсин. Мақолларнинг бадиий жиҳатдан мукаммал бўлишини албатта, тасвир ва ифода воситалари таъминлайди.

Шундай воситалардан бири кўчимдир. Кўчим турларидан бири жонлантиришда (прозопопея, персонификация деб ҳам аталади) жонли нарса ҳодисаларнинг белги-хусусиятлари жонсиз нарсаларга кўчирилади.

Масалан, *Таёқ маймунга намоз ўқитар*.

Қирғиз халқ мақоли: *Камчы кайраттуу болсо, катын уяттуу болот* (маъноси: Камчи ғайратли бўлса, хотин уятчанг бўлар).

Мақолларнинг поэтик табиатига кўра ўхшатишга, қиёслашга асосланадиган кўчимлар кўпчиликни ташкил этади. Предметлар ўртасидаги ўхшашликка эмас, боғлиқлик, алоқадорликка мансуб кўчим тури метонимиядир.

“Бир эрга навбат, бир шерга” мақолида мардлик ҳакида сўз бормоқда. Мақолнинг биринчи компоненти ўз маъносида тушунилса, иккинчи компоненти кўчма маънога эгалиги англашилади. Чунки “бир шерга навбат” бирикмасида шерни, йиртқич ҳайвон эмас, шер сингари мард, жасур киши назарда тутилган.

Қирғиз халқ мақолида қуйидаги намуна учрайди: “*Ажалдуу киши ажыдаардын күйругун басат*” (яъни: Ажали етган киши аждархонинг думини босади) мақолида ҳам кўчма маъно бор, “аждархонинг думини босади” сўз бирикмасидан айнан аждархонинг думини босишни эмас, балки бу ерда “ёмон одам” (аждархо) биз бирор ёмон ишни, қутилиб бўлмас балога, ёки ёмон одамлар қўлига тушиб қолишни англашимиз мумкин.

Метонимия тури ҳисобланган синекдоха мақолларда кам қўлланади. Синекдоха (грекча synecdoche) – мувофиқ, тааллукли маъноларини англатади. Қисмни бутун ёки бутунни қисм номи орқали ифодалаш тушунилади. Масалан “*Порахўр беш қўлини оғзига тиқар*” деган ўзбек мақолида “бармоқ” сўзи (қисм) ўрнига “кўл” (бутун) сўзи ишлатилган. Бунда қисм номи бутун орқали ифодаланган. Шу мақолга мувофиқ халқнинг афористик фондида “беш қўлини оғзига тиқмоқ” ибораси ҳам учрайди.

Қирғиз мақоллари таркибида “*Беш колду оозго салса береке кетет*” (яъни: беш қўлни оғизга солса, барака кетар) мақолида ҳам “бармоқ” сўзи (қисм) ўрнига “кўл” (бутун) сўзи ишлатилиб, бунда очкўзлик қилсанг, барака кетар деган насиҳатомуз фикр билдирилган.

Киноя – кўчим тури мақолларда баъзан учраб туради. “Ҳаром егин тўйгунча, калтак егин ўлгунча” мақолида “Агар ким ҳаром луқмани тўйгунча еса, ўлгунича калтак ейди”, – деган насиҳатомуз фикр киноя орқали берилган. Киноя (русча ирония, юонча eironie – билиб, билмасликка олиш) – инкорнинг бир кўриниши бўлиб, тасвир объекти устидан кесатиш, қочириқ йўли билан яширин кулиш, пичинг¹. Демак юқоридаги мақолда “харом ема” бирикмаси ўрнига кесатик орқали бу тушунча маъносига қарама-қарши маънода “харом егин” бирикмаси қўлланган. Бу эса мақол мазмунининг эмоционал-экспрессив таъсир кучини янада оширган.

Қирғиз халқида ҳам “Соо эмес қыз соо қыздын бетин тырмайт” (яъни: Соғ эмас қыз соғ қизнинг юзини тирнайди), ёки “Саманканан күйду десе, Самаркан күйду дейт” (Сомонхона куйди деса, Самарканд куйди дейди), “Күмуш үйлүү күйөө, камыш үйлүү кайнатадан үмүттөнөт” (мазмуни: Кумуш уйли куёв, қамиш уйли қайнотадан умидвор) каби кинояли тарзда айтилган мақоллар учрайди. Мақолларнинг генетик яратилиши, бадиийлиги, мазмун-моҳиятидаги хулосаларининг ўзаро муштаракликлари ҳар икки қон-қариндош бўлган халқлар маънавий дунёқарashi, тафаккур даражаларининг тенглигини акс эттирган.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари, уларнинг поэтик хусусиятлари ҳақида турли фикр ва хулосаларни билдириш мумкин. Халқ мақолларининг барча хусусиятлари ва поэтик тадқиқига оид тўхтамга бир тадқиқот доирасида келиш мушқул. Чунончи халқ мақоллари ўзига хос бадиий-фалсафий жанр бўлиб, у қисқа, сиқиқ шаклда чукур, кенг кўламли мазмунни ўзида акс эттиради.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари аждодларимизнинг қўп асрлик ҳаётий тажрибалари асосидаги фикр-хулосаларининг бадиий кристаллидир. Ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги доно фикр-мулоҳазалар шаклланиб, синовдан ўтиб, мақол ҳолида нутқимизга кириб келади ва истеъмолда қатъийлашади.

Фольклор жанрлари сирасида мақоллар ўзининг яшовчанлиги, мукаммаллашиб ва бойиб бориши билан фарқланади. Ҳар икки халқнинг паремиологик фондида аналогияси (муқобили) мавжуд мақолларнинг учраши мазкур икки халқнинг яшаш тарзи, тафаккури, маданияти, адабиёти ўртасида муайян

¹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б 350.

муштаракликлар борлигини далиллайди. Ҳар икки халқ мақоллари умрбоқиyllигининг сабаби аждодларимизнинг мақолларда ифодаланган ўлмас қадриятлар ва халқ ҳаёти тарихига бўлган муносабати ҳамда уни ўрганишга бўлган интилишидир.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг муштараклиги образлар оламида, ритмик-синтактик тузилишида, композицияда, поэтик ва семантик хусусиятларда, тил хусусияти, ғоявий мундарижасида яққол кўзга ташланади.

Юқорида айтилган фикрларга қўшимча қилган ҳолда, айтишни истардикки, келгусида ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структурал-семантик табиати кенг миқёсда тадқиқ этилиши лозим. Умумтуркий мақолларни қиёсий-типологик ўрганиш орқали халқ мақолларидаги умуминсоний қадриятлар, миллий ва умумбашарий ғояларни тарғиб ва ташвиқ этишга эришиш мумкин. Бу эса халқлар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни мустаҳкамлашда асосий вазифани ўтайди.

Мазкур тўпламга ўзбек ва қирғиз халқларининг муштарак мақоллари саралаб олинди.

**ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК
МЕКЕН ЖАНА МЕКЕНГЕ БЕРИЛГЕНДИК**

- **Балиқнинг куни кўл билан,** Балыктын күнү көл менен,
Ботирнинг куни эл билан. (63. 15-б)¹ Жигиттин күнү эл менен. (33. 108-б)
(Балиқ сув билан тирик,
Одам – эл билан) (63. 9-б) (Балыктын жаны суу менен,
Эрдин жаны эл менен).(40. 18-б)
- **Беткай кетар, бел қолар,** Бетеге кетет, бел калат,
Беклар кетар, эл қолар. (63. 9-б.) Бектер кетет, эл калат. (33. 119-б)
- **Ватансиз инсон – куйсиз булбул.(63. 10-б.)** Мекенсиз адам – үнсүз булбул.(33. 335б.)
- **Ватанинг тинч – сен тинч. (63 10-б)** Мекениң тынч – сен тынч. (33. 334-б)
- **Ватан учун ўлмоқ шараф.(63. 9-б)** Мекендин бактысы өмүрдөн кымбат. (33. 334-б)
- **Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма.63. 10-б)** Динден чыксаң да, элден чыкпа.(40.32-б)
- **Ёвдан қўрқкан – ёвга дўст,** Жоодон корккон – жоого дос,
Элни суйган – элга дўст. (64. 8-б) Элди сўйгөн – эрге дос. (33. 222-б)
- **Ёмон – ўз ғамида,** Жаман өз камы үчүн күйүнөт,
Яхши – эл ғамида. (64. 8-б) Жакшы эл камы үчүн жүгүрт. (29. 137-б)
- **Ёридан айрилган етти йил йиғлар,**
• **Юртидан айрилган ўлгунча йиғлар. (63. 10-б)**

¹ Маколларнинг манбаи адабиётлар рўйхатида тартиб рақами остида берилган. Қавсда адабиёт ва унинг сахифаси рақами кўрсатилган. Масалан: Балиқнинг куни сув билан, Ботирнинг куни эл билан. (63. 15-б) Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.15

Бетеге кетет, бел калат, Бектер кетет, эл калат. (33. 119-б) Кыргыз макал-ылакап, учкул сөздөрү – (Жыйнаган: М.Ибрагимов). Карабалта – 2005. – Б. 119.

Жеринен ажыраган жети жыл ыйлайт,
Элинен ажыраган өлгөнчө ыйлайт.(33.211-б)

- | | |
|---|--|
| • Киши юртида султон бўлгунча,
Ўз юртингда ултон бўл. (63. 10-б) | Бирёёнүн элинде султан болгончо,
Өз элиңде ултан бол. (40. 27-б) |
| • Она юртинг – олтин бешигинг. (63. 11-б) | Ата-Журтуң – алтын бешигин. (35. 23-б) |
| • Туққан ерда туғингни тик. (63. 11-б) | Туулган жерге тууңду тик. (40. 108-б) |
| • Эл бор бўлса, эр хор бўлмас,
Эр бор бўлса, эл хор бўлмас. (63. 11-б) | Эр бар жерде, эл кор болбос,
Эл бар жерде, эр кор болбос. (40. 120-б) |
| • Эл бошига күн тушса,
Эл яратган эр келур. (63. 11-б) | Эл башына күн түшсө,
Эл жараткан эр келет. (36. 190-б.) |
| • Эл бошига тушгани –
Эр бошига тушгани. (63. 11-б) | Эл башына түшкөн түн,
Эр башына түшкөн түн. (40. 120-б.) |
| • Элдан айрилгунча, жондан айрил. (63. 12-б) | Мекенинден айрылганча, өмүрүндөн айрыл. (35. 33-б) |
| • Элидан безган эр ўнгмас,
Кўлидан безган ғоз ўнгмас. (63. 12-б) | Элинен безген эр оңбос,
Көлүнөн безген каз оңбос. (33. 475-б) |
| • Элнинг ичи - олтин бешик. (63. 13-б) | Эл ичи – алтын бешик. (29. 322-б) |
| • Эл ишини эр қилур,
Эр қадрини эл билур. (63. 11-б) | Эл үмүтүн эр актаар,
Эр атагын эл сактаар. (40. 120-б) |
| • Эрнинг иши – элнинг бўйнида,
Элнинг иши – эрнинг бўйнида. (63. 13-б) | Элдин иши эрдин мойнунда,
Эрдин иши элдин мойнунда. (33. 473-б) |
| • Эллик йилда эл янги. (63. 13-б) | Элүү жылда эл жаңы. (33. 475-б) |
| • Элинг-юртинг бўлмаса,
Ойинг-кунинг бўлмасин. (63. 13-б) | Эли журтуң болбосо,
Ай-күнүндөн не пайда. (40. 121-б) |
| • Эл қулоғи – эллик. (63. 22-б) | Эл кулагы – элүү. (40. 120-б) |

- Эл қүнган ерни билар,
От түйган ерда тинар. (63. 12-б) Ат тойгон жерине качат,
- Ўпкадан урган ел ёмон,
Элидан айрилган эр ёмон. (63. 14-б) Азамат туулган жерине шашат. (35. 23-б)
Өпкөдөн соккон жел жаман,
- Ўз юртингнинг қадри,
Ўзга юртда билинар. (63. 14-б) Элинен безген эр жаман. (40. 94-б)
Туулган жердин кадырын,
- **Ҳар кимнинг ўз эли – ўзига ширин.** (63. 15-б) Алыста жүрсөң билесин. (33. 426-б)
Ар кимге тууган жер кымбат.
(33. 55-б)

Ҳар кимнинг ўз юрти ўзига Миср. (2. 212-б) Ар кимдин туулган жери – Мисир.
(33.55-б)

ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХУДБИНЛИК КООМЧУЛУК ЖАНА ӨЗҮМЧҮЛДҮК

- **Бирликда барака бор.** (63. 16-б) Бирдик бар жерде береке бар. (36. 29-б)
- **Бирлик бор – тирлик бор.** (63. 16-б) Бирдик болбой, тирдик болбойт. (29.89-б)
(Биримдик болгон жерде – тирдик. (33. 131-б)
Бирдик жок жерде тирдик жок. (33. 131-б)
Тириликтин күчү бирдикте). (33. 413-б)
- **Күч – бирликда.** (64. 20-б) Күч – бирдикте. (33. 289-б)
(Бирликсиз күч бўлмас.
Бирлашган ёвни қайтарар). (63. 16-б)
- **Бирлашган ўзар,
Бирлашмаган тўзар.** (63.16-б) Бириккен эл – озоор
Бирикпеген – тозоор.
(Бирлашган дарё бўлар,
Тарқалган ирмоқ бўлар) (64. 15-б) (Айрылган эл – азаар
Кошулган эл – озоор.) (33. 29-б)
- **Ёлғиз дараҳт ўрмон бўлмас.** (63. 17-б) Жалғыз дарак токой болбойт. (33. 183-б.)
- **Ёлғиз ёғоч уй бўлмас.** (63.17-б) Жалғыз жыгач үй болбойт,
Жалғыз жигит бий болбойт. (33. 183-б)
- **Ёлғиз отнинг чангчиқмас,**
Чангчиқса ҳам донғи чиқмас. (63.17-б) Жалғыз эрдин даңқы чыкпайт.(33.182-б)
(Ёлғиз йигит алп бўлар,
Алп бўлса ҳам, қалп бўлар). (63.17-б) Жалғыз эрдин аты чыкпайт,
(Жалғыз эрдин аты чыкпайт,
Аты чыкса заты чыкпайт). (40.40-б)

- **Ёлғиз юриб йўл топгунча,
Кўп билан адаш.** (63. 17-б) Жалгыз журуп, жол тапканча,
Көп менен бирге адаш. (33. 183-б)
 - **Икковга бирор ботолмас,
Отликқа яёв етолмас.** (63. 18-б) Экөөнө бирөө бата албайт,
Аттууга жөө жете албайт. (29. 321-б)
 - **Йўлдан чиқсанг ҳам, кўпдан чиқма.** (64. 19-б) Жолдон чыксаң да, көптөн чыкпа. (36. 47-б)
 - **Йўлдошга қарамаган йўлда ўлар.**(64. 19-б) Жолдошуна кўйбөгөн жоого түшёт. (33. 220-б)
 - **Кемага тушганинг жони бир.** (64. 19-б) Кемеге түшкөндүн жаны бир. (34. 107-б)
 - **Кенг кенгашиб йиртилар,
Тор – тортишиб.** (64. 19-б) Кең кенешип жыртылат,
Тар тартышып жыртылат. (33. 274-б)
 - **Кўпдан кўп ақл чиқар.** (63. 18-б) Көптөн көп акыл чыгат. (40. 75-б)
 - **Кўпни ёмонлаган кўумувсиз қолар.** (63.18-б) Көптү жамандаган көмүүсүз калат. (33. 298-б)
(Көптөн качкан көмүүсүз калат). (33. 299-б)
 - **Кўичилик бир муштдан урса, ўлдирап,
Бир бурдадан берса, тўйдирап.** (63. 19-б) Көпчүлүк бир уучтан берсе, тойгузат,
Бир муштан берсе – өлтүрөт. (33. 299-б)
 - **Остангнинг оти ўзгунча,
Овулингнинг тойи ўзсин.** (63. 19-б) Алыскынын аты озгучча,
Айылдаштын тайы озсун. (33. 51-б)
 - **Эл бўлмаса эр бўлмас.** (63.21-б) Эл болбосо, эр болбойт. (33. 470-б)
 - **Элга маъқул – сенга маъқул.** (63. 22-б) Эл макулга сен да макул. (33. 471-б)
(Эл макул тапканды, эр макул табат).(33.477-б)
 - **Эрнинг отини эл чиқарар.** (63. 22-б) Эрдин даңқын эл чыгарат. (33.487-б)
 - **Элга эл қўшилса – давлат,
Элдан эл кетса – меҳнат.** (64. 10-б) Элге эл кошулган – дөөлөт,
Элден эл бөлүнгөн – мээнет. (33.473-б)
(Элге эл кошулса – дөөлөт,
Элден эл кетсе – мээнет). (33.473-б)
 - **Эрнинг кучини эл синар.** (64. 22-б) Эрдин күчүн эл сынайт. (33.487-б)
 - **Эл оғзи – элақ, гап турмас.** (63. 21-б) Эл оозунда элек жок. (33. 471-б)
- Юрт билан келган аза ҳам – тўй.** (63. 22-б) Көп менен көргөн той болот. (29.204-б)

ДҮСТАЛИК ВА ДУШМАНЛИК ДОСТУК ЖАНА ДУШМАНДЫК

- Гумон дүстдан ажратар. (64. 16-б) Шектенүү – достукуту бузат. (40. 117-б)
- Икки ҳарамза дүст бўлмас. (63.100-б) Эки арамза дос болбойт. (33. 465-б)
- Душманга жонингни берсанг ҳам,
Сирингни берма. (63. 96-б) Душманга жаныңды берсең да,
Сырыңды бербе. (33. 159 б)
- Дўст минг бўлса ҳам – оз,
Душман бир бўлса ҳам – кўп.(63. 98-б) Душманың бироғ болсо да – көп. (29.110 б)
- Душман нима демас,
Тушга нима кирмас. (63. 96-б) Душман не дебейт,
Түшкө не кирбейт. (33. 158-б)
- Душманнинг ташида бўлгунча, ичида бўл. (63. 97-б)
Душмандын сыртында болгончо, ичинде бол. (29. 111-б)
- Душман чақирса борма,
Дўст чақирса қолма. (63. 96-б) Душман буюрса барба,
Дос буюрса калба. (33. 158-б)
- Душманинг ўлимини тилагунча,
Жонингни соғлигини тила. (63. 97-б) Душманга өлүм тилегенче,
Өзүнде өмур тиле. (34. 64-б)
- Дўст ачитиб гапирав,
Душман – кулиб. (63. 97-б)
(Дўст куйинар, душман суюнар). (63. 98-б) Дос кўйдүрүп айтат,
Душман кўлдүрүп айтат. (33. 155-б)
- Дўстлик–барча бойликтан афзал.(63.100-б)
Достук бардык байлыктан абзел.(33.156-б)
- Дўст бошга бокар,
Душман – оёққа. (63. 97-б) Дос башка карайт,
Душман бутка карайт. (33. 154-б)
- Дўст – дўстнинг ойнаси. (64.17-б)
(Досун кўзгудој, сындырсаң эптей албайсын). (33. 156-б) Дос – сенин кўзгүн. (33. 154-б)
- Дўст изла, душман ўзи топилади. (63. 98-б)
Дос изде, душман өзү табылат. (33.155-б)
- Дўст куйдириб айтар,
Душман – суйдириб. (63. 98-б)
(Дўст йиглатар, Дос кўйгўзуп айтат,
Душман сўйгўзуп айтат. (33. 154-б)
(Дос жеритип сўйлөйт,

- дushman кулдирап). (63. 98-б) Душман эритип сүйлөйт). (33. 154-б)
- Дўстингнинг ошини қасдингдан ич. (63. 100-б) Досундуң ашын касыңкындай ич. (33. 157-б)
 - Дўсти қўп билан сийлаш,
Дўсти оз билан сирлаш. (63. 99-б) Досу көп менен сыйлаш,
Досу аз менен сырдаш. (33. 154-б)
 - Дўст – эгиз, дushman – саккиз. (63. 99-б) Дос эгиз, дushman сегиз. (33. 155-б)
 - Ёмон дўст – кўланка. (63. 100-б)
(Ёмон дўст – қора булут сояси). (63. 100-б) Жаман дос көлөкө сыйактуу:
Күн ачыкта кутула албайсың,
Күн бўркөктө издеп таба албайсың. (33. 187-б)
 - Оз қайғуни ош босар,
Кўп қайғуни дўст босар. (63. 101-б) Аз кайғыны аш басат,
Көп кайғыны дос басат. (33. 20-б)
 - Олисдаги душмандан,
ангниб юрган дўст ёмон. (63. 101-б) Алыстагы душмандан,
аңдып жургөн дос жаман. (33. 51-б)
 - Тирик бўлсак – бир ерда,
Ўлик бўлсак – бир гўрда. (63. 102-б) Тирүү болсок – бир дөбөдө,
Өлуп калсак – бир чункурда. (33. 413-б)
 - Чин дўст – туғишганинг билан teng. (63. 102-б) Чыныгы дос уялаштан артык (тууганга тен). (33. 454-б)
 - Яхши дўст – жон озиғи,
Ёмон дўст – бош қозиғи. (64.27-б) Жакшы дос жан жыргатаар азық,
Жаман дос башка тиер казық. (33. 37-б)
 - Эски пахта бўз бўлмас,
Асли дushman дўст бўлмас. (63. 102-б) Этекти кессең жең болбойт,
Эзелки дushman эл болбойт. (36. 116-б)
- МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА ИШЁҚМАСЛИК
ЭМГЕКЧИЛДИК ЖАНА ЖАЛКООЛУК**
- Аравани от тортар,
Кўланкасин – ит. (63. 23-б) Арабаны ат тартат,
Көлөкөсүн ит тартат. (40. 56-б)
 - Ахтарган топар. (63. 24-б) Издеген табат, сураган алат. (29.158-б)
 - Бекордан худо безор. (63. 24-б) Бекерден тенирим безер. (29. 81-б)
 - Бекор ўтиргунча, бекор ишла. (63. 24-б) Бекер турганча, бекер иште. (29. 81-б)
 - Берсанг – оласан,
Эксанг – ўрасан. (63. 24-б) Берсең – аларсың,
Эксең – орорсун. (33. 119-б)
 - Ер –хазина, Дайканга жер – казына,

- Мехнат – калити. (63. 26-б)** Эмгеги – ачкыч. (33. 160-б)
- **Ёмғир билан ер қўкаар,** Жамғыр менен жер гўлдёйт,
Мехнат билан – эл. (63. 27-б) Эмгек менен эл гўлдёйт. (29. 139-б)
- **Ит итга буюар,** Ит итти жумшайт,
Ит – қуйругига. (63. 27-б) Ит куйругун жумшайт. (29.56-б)
- **Кийиз кимники – билак шуники.** (63. 31-б) Кийиз кимдики болсо, билек ошонуку. (29. 69-б)
- **Мехнат, меҳнатнинг таги – роҳат.** (63. 32-б) Эмгектин түбү ыракат. (33. 477-б)
- **Меҳнатнинг нони ширин,** Эмгектин наны таттуу,
Ялқовнинг жони ширин. (63. 33-б) Жалкоонун жаны таттуу. (29. 326-б)
- **Мехнат – роҳатнинг пойдевори.** (63.32-б) Мээнет – ыракаттын пайдубалы. (33.343-б)
- **Мехнатсиз иш битмас,** Эмгексиз иш бўтпёйт,
Эринчиқнинг қўли етмас. (63. 33-б) Эринчээктин колу тийбейт. (29. 122-б)
- **Мехнатсиз топилган мол ҳисобсиз кетар.** (63. 33-б) Эмгексиз тапкан мал эсепсиз кетет. (36. 112-б)
- **Мехнатсиз турмуш – тузсиз ош.** (63. 33-б) Эмгексиз бакыт тузу жок тамактай. (33. 477-б)
- **Олтин ўтда билинар,** Алтын отто билинет,
Одам – меҳнатда. (63. 34-б) Адам эмгекте билинет. (36. 14 б)
- **Одамнинг хусни – меҳнатда.** (63. 34-б) Адамдын көрку – эмгекте. (33. 14-б)
- **Подачи қизининг ғайрати,** Койчунун кызы
Пода қайтганда келар. (63. 35-б) кой келгенде иш кылат. (33. 304-б)
- **Сансолару мансолар,** Сен салар да, мен салар,
Отга емни ким солар. (63. 35-б) Атка чөптү ким салар. (40. 97-б)
- **Тома- тома кўл бўлур.** (64. 49-б) Тама-тама көл болот. (33. 404-б)
- **Қуш қаноти билан тирик,** Куш канатсыз жашай албайт,
Одам – меҳнати билан. (63. 40-б) Адам эмгексиз жашай албайт. (29. 201-б)
- **Қулдек ишла, Бекдек тишла.** (63. 40-б) Кулча иштеп, бийче же (ич). (33. 315-б)

• Эмгак этсанг, эмарсан. (63. 38-б)

Эмгек этсөн, эмерсин. (33. 477-б)

ЯХШИ СҮЗ ВА ЁМОН СҮЗ

ЖАКШЫ СӨЗ ЖАНА ЖАМАН СӨЗ

• Айтилган сүз – отилган ўқ. (63. 79-б)

Айтылган сөз – атылган ок,

• Аччиқ тил – захри илон,
Чучук тилга – жон қурбон. (63. 78-б)

Экөө бирдей кайрылбайт. (33.30-б)

(Айткан сөз – алышкан кол). (29. 25-б)

• Билган топиб гапирап,
Билмаган – қопиб. (63. 127 б)

Ачуу тил – жылаандын заары,
Таттуу тил – жүрөккө дары. (33. 81-б)

• Бир яхши гап эсдан чиқмас,
Бир – ёмон гап. (63. 78-б)

Билген таап айттар,
Билбegen каап айттар. (59. 16-б)

• Ёмон гап – бош қозиғи,
Яхши гап – жон озиғи. (63. 80-б)

Бир жакшы сөз эстен чыкпайт,
Бир жаман сөз эстен чыкпайт. (59. 16-б)

• Оғизга келган сүз арzon,
Овулга келган бўз арzon. (63. 82-б)

Айылга келген бөз арзан,
Оозго келген сөз арзан. (59. 10-б)

• Одам – сўзлашгунча,
Йилқи – кишинашгунча. (63. 82-б)

Ат (жылкы) кишенешип табышат,
Адам сүйлөшүп табышат. (59. 13-б)

• Ақллига бир сүз бас,
Ақлсизга минг сүз оз. (63. 123-б)

Акылдуу балага – бир сөз,
Акылсыз балага – миң сөз. (59. 11-б)

• Одамнинг юзига боқма,
Сўзига боқ. (63. 133-б)

Адамды көзүнөн түшүнбөй,
сөзүнөн түшүн. (59. 8-б)

• Оз гапир – соз гапир. (63. 82 -б)

Аз сөз – саз сөз. (59. 9 -б)

• Суйдирган ҳам тил,
Куйдирган ҳам тил. (63. 83-б)

Сүйгүзгөн да – тил,
Күйгүзгөн да – тил. (59. 47-б)

• Суяксиз тил суяк синдирап. (63. 83-б) Сөөксүз тил сөөктүү сындырат. (59. 46-б)

• Сув ўз йўлинни топар,
Сўз – ўз эгасини. (63. 83-б)

Суу өз жолун,
Сөз өз ээсин табат. (59. 47-б)

• Сўз найзадан ўткир. (63. 83-б)

Сөз найзадан өткүр. (59. 44-б)

• Сўз суяқдан ўтар,

Сөз сөөктөн (өпкөдөн)өтөт,

Таёқ – этдан. (63. 83-б)	Жүлүнгө (чучукка) жетет.
	Таяк эттен өтөт,
	Тез эле унутулуп кетет. (59. 44-б)
• Сүздан сўзниң фарқи бор,	Сөздүн сөздөн баркы бар,
Ўттиз икки нархи бор. (63. 83-б)	Отуз эки наркы бар.
	(Сөздөн сөздү баркы бар,
	Ар бир малдын (сексен сегиз) наркы бар). (59. 43-б)
• Сўз чумчуқ әмас,	Сөз – тапка кирбес боосуз күш,
Оғиздан чиқса, тутиб бўлмас. (63. 83-б)	(Сөз күш әмес),
	Ооздон чыкса карматпайт. (59. 44-б)
• Сўзниң онаси – қулоқ,	Суу атасы – булак,
Сувнинг онаси – булоқ. (63. 84-б)	Сөз атасы – кулак. (59. 46-б)
• Кўп гап – эшакка юқ. (63. 81-б)	Көп сөз – эшекке жүк. (59. 32-б)
• Кўп билган оз сўйлар,	Көп билген аз сўйлөйт,
Оз бўлса ҳам соз сўйлар. (63. 131-б)	Аз билген көп сўйлөйт. (59. 32-б)
• Ириган оғиздан – чириган сўз. (64. 100-б)	
	Ириген ооздон чириген сөз чыгат. (59.25-б)
• Сўз кўрки – мақол,	Сөз көрку – макал,
Эр кўрки – соқол. (64. 104-б)	Жигит көрку – сакал. (33. 387-б)
• Сел ариқни бузар,	Сайды сел бузат,
Ёмон сўз – дилни. (63. 82-б)	Адамзатты кеп бузат.
	(Сел сайды бузат,
	Ушак элди бузат). (59. 41-б)
• Мақол – сўзниң бобоси,	Макал атасы – сөз,
Мато – бўзниң бобоси. (64. 101-б)	Мата атасы – бөз.
	(Макал – сөздүн атасы,
	“Макул” – сөздүн жетеси). (59. 35-б)
• Минг чечанни бир эзма енгар. (63. 81-б)	
	Минг чеченди бир тантых (долу, дөөрүк) жениптири. (59. 36-б)

- Яхши гап билан илон инидан чиқар,
Ёмон гап билан пичноқ қинидан чиқар.
(Ширин – ширин сүзласанг, Жакшы сөз
Илон инидан чиқар. жыланды ийинден чыгарат,
Аччиқ – ачиқ сүзласанг, Жаман сөз
Мусулмон динидан чиқар). (63. 86-б) мусулманды динден чыгарат. (59. 21-б)
- Яхшининг сўзи тошни эритар, Жакшынын сөзү таш эритет,
Ёмоннинг сўзи бошни чиритар. (63. 88-б) Жамандын сөзү баш чиритет. (59. 20-б)
- Яхши оғизга – ош, Жакшы оозго – аш,
Ёмон оғизга – тош. (64. 112-б) Жаман оозго – таш. (33. 173-б)
- Яхши сўз филни ҳам йўлга солар. (64. 113-б)
Жакшы сөздү айбан да түшүнёт.(33.174-б)
- Яхши сўз – кўнгил подшоси. (63. 87-б) Жакшы сөз – жанга жөлөк.
(Жакшы сөз – жандын эшиги). (59. 20-б)
- Ёмон сўз бўлмаса, Жаман айтпай жакшы жок. (33. 186-б)
Яхши сўз бўлмайди. (63. 80-б) (Жаман айтпай жакшы жок,
Жарагың болсо көөнүң ток). (36. 40-б)
- Яхши сўз ийдирар, Жакшы сөз жанды эритет,
Ёмон сўз бездирар. Жаман сөз жанды кейитет. (59. 21-б)
(Яхши сўздан мой эрийди, Ёмон сўздан сой қурийди). (63. 88-б)
- Тил – ақл безаги. Тил – акылдын жарчысы. (59. 49-б)
(Тил – ақл тарозуси. (Тил – акыл таразасы. (59. 49-б)

Тил – ақл ўлчови). (63. 84-б)

Тил – жүрөктүн ачкычы) (59. 50-б)

- Тил тифи қилич тиғидан ўткир. (63. 84-б) Тил кылычтан өткүр. (59. 51-б)

- Сўзи ўлганинг ўзи ўлар. (63. 236-б)

Сөзүң өлгөнчө, өзүң өл. (59. 45-б)

- Ўттиз тишдан чиқкан сўз,

Отуз тиштен (ооздон) чыккан сөз

Ўттиз урукқа тарқалар. (63. 88-б)

Отуз уруу элге тарайт. (59. 40-б)

- Фил кўтармагани тил кўтарар. (63. 85-б)

Пил көтөрбөгөндү тил көтөрөт. (59. 41-б)

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

ЖАКШЫЛЫК ЖАНА ЖАМАНДЫК

- Аччиқни аччиқ кесар. (63. 52-б)

Ачууну ачuu басат. (29. 60-б)

(Ачууну акыл жеңет). (29. 61-б)

- Бир кун туз ичган жойга,

Бир күн туз таткан жериңе,

Қирқ кун салом бер. (63. 53-б)

Мин күнү салам бер. (33. 127-б)

- Бирорга кесак отсанг,

Бирөөгө таш ыргытсан,

У сенга тош отади. (63. 53-б)

Ал сага ок атат. (33. 133-б)

- Бирорнинг сўзи яхши,

Бирөөнүн көзү жакшы,

Бирорнинг – ўзи. (63. 53-б)

Бирөөнүн сөзү жакшы. (40. 26-б)

- Буғдойдан – буғдой,

Арпа сепсең – арпа оросун,

Арпадан – арпа. (63. 54-б)

Буудай сепсең – буудай оросун. (29. 45-б)

- Ёмон билан юргунча,

Жаман жолдоштон

Ёлғиз юргин ўлгунча. (63. 55-б)

жалғыздык артык. (33. 188-б)

- Ёмон отга ёл битса,

Жаман атка жал бүтсө,

- Ёнига турсуқ бойлатмас.** Жанына торсук байлатпайт.
Ёмон эрга мол битса, Жаман киши мал күтсө,
Ёнига қүшни йўлатмас, Жанына коңшу кондурбайт. (36. 40-б)
Йўлатса ҳам тиндирмас. (63. 57-б)
- **Ёмон ўзини билмас,** Жаман өзүн билбейт,
Ўзгани кўзга илмас. (63. 58-б) Жакшыны көзгө илбейт. (33. 189-б)

(Жаман жүргөн киши өзүн билбейт,
 Башка бирёену назарына илбейт). (33. 188-б)
 - **Ёмонга ўлим йўқ,** Жаманга өлум жок,
Яхшига – юрим. (63. 60-б) Жакшыга күн жок. (36. 42-б)
 - **Ёмондан тўн кийсанг,** Жамандын тонун кийсен,
Тўйда “тўним бер” дейди. (63. 60-б) тойдо доолайт. (29. 135-б)
 - **Ёмонларга бошли бўлгунча,** Жаманга башчы болгончо,
Яхшиларга қўшчи бўл. (63. 61-б) Жакшыга кошчу бол. (34. 81-б)
 - **Ёмондан ёрти қошиқ. (63. 60-б)** Жамандан жарты кашык аш артат. (29. 132-б)
 - **Ёмон билан йўлдош бўлма,** Жаман менен жолдош болбо,
Нодон билан – сирдош. (63. 55-б) Наадан менен сырдаш болбо. (33. 191-б)
 - **Ёмоннинг жони –азиз. (63. 62-б)** Жамандын жаны ардак.
